

4/5 К 440
1947/4

ШАРК ЮЛДУЗИ

4



1947

ТОШКЕНТ



5
1947/4

ШАРК ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

4

АПРЕЛЬ



ТОШКЕНТ
1947



МУНДАРИЖА

		Бег
	Совет адабиётининг болшевиктик партиявий- лиги ҳақида	3
А. Қаҳҳор	— Қўшчинор (роман)	16
Парла Турсун	— Ҳақ йўл (повест)	25
В. Милчаков	— Ваган	49
Содиқ Каландаров	— Биз Урдада (повест)	50
Розин Озод	— Ше'рлар	63
Шукрулла	— Икки ше'р	65
Саида Зуннунова	— Сталинга	66
Қуддус Муҳаммадий	— Султоний	67
Туроб Тула	— Звено бошлари	69
Ёғин Мирза	— Бургут	74

ТАНҚИД ва БИБЛИОГРАФИЯ

Ёғин	— „Танланган ше'рлари“	80
------	----------------------------------	----

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Овбек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшин*, *Уасун*, *Абдулла Қаҳҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Самий*, *Абдуллаев*. Мас'ул секретари: *Ма'руф Ҳаким*.

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 4

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кыял Узбекистан“

Ташкент—1947

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босмага рухсат этилди 23/V-47 й. д. Р 04513. Қозғоз формати 60x92/16. Босма листи 5,25
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. 396 Баҳоси 5 сўм.

Тошкент, „Кыял Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмаханаси. Заказ 1135.

Совет адабий танқидчилиги олдида ҳам юксак ва мас'ул вази­фалар туради. Совет адабий танқидчилиги совет ёзучилари­нинг асарларидаги илғор сифатларни қувватлаб ва адабиётни унинг ҳаётни тўғри ва чуқур тасвирлашидан узоқлаштирадиган жами ҳаракатларни ўз вақтида фош қилиб, совет адабиётининг янги ғалабалари учун курашмоғи лозим. Совет танқидчилиги XIX аср рус адабий танқидчилигининг энг яхши традицияларини, буюк инқилобий-демократ Белинский, Чернишевский ва Добролюбовлар яратган традицияларни давом этдириши лозим.

Бизнинг танқидчиларимиз адабиёт ишларида партия принцип­ларига қандай амал қилиш кераклигини билиш учун ва ҳақиқий большевистик адабий ҳам публицистик танқидни қандай юргизиш кераклигини билиш учун Ленин блан Сталиндан доимий ўрнаб туришлари зарур: Адиблар блан адабий танқидчилар доим Ленин ҳам Сталин асарларига мурожаат қилишлари лозим; бу асарларда адабиёт блан сан'ат асарларининг ҳақиқий илмий ана­лиз ва қийматиининг принципи ишлабчиқилган ва унга асос кўрсатилган.

Танқид адабиётнинг партиявийлик принципини баён этиши ва тарғиб қилиши лозим. Танқид социалистик реализм назариясини тараққий қилдиришга ва социалистик эстетика масалаларини иш­лаб чиқаришга мажбур.

Танқиднинг вази­фаси энг яхши асарларни оммалаштириш, го­явий-бадий мазмунларини очиб бериш ва бу асарларни турмуш­даги фактларга солиштириб синовдан ўтказишдир. Танқид олдида турган китобхоналарни го­явий жиҳатдан тарбиялаш вази­фалари эс­тетик тарбиялаш вази­фалари блан, улуғ социалистик давлати­миз ва го­либ халқимизнинг салаботига муносиб келадиган тўғри бадий дид учун ҳамда юксак ва қат'ий бадий асослар учун кураш блан чамбарчас боғлангандир.

Танқиднинг бутун ишига, Ватанимизнинг буюк мақсадига, я'ни коммунизм тантанасига борётган ҳаракатини пухта тутуниш синг­дирилган бўлиши лозим. Танқид адабиётнинг бутун ҳодисаларига худди ана ўша нуқтайи назардан баҳо бериши, совет жамияти­нинг олға ҳаракат этишига кўмак берадиган ҳодисаларни, ҳам мазмуний жиҳатдан, ҳам шаклий жиҳатдан орқада қолган эски­ликдан (ҳозирги буржуазия инқирозининг та'сиридан, расмиятчи­лик ва го­ясиз юзаки тасвирлашлардан) ажратиб олиши лозим.

Бадий адабиётнинг большевистик партиявийлик принципини изчиллик блан амалда ишлатиш ва социалистик реализм методини юксалтириш — ўртоқ Сталин томонидан бизнинг олдимизга қўйил­ган; „киши руҳининг инженерлари“ бўлиш керак деган вази­фани бажариш учун ёзучиларимизга ана ўшалар имкон беради. Бутун ижодчилигимизни биттагина буюк мақсадимиз бўлган коммунизм жамиятини қуришга буйсундирсак — совет адабиётининг янада юксалиб кетиши учун энг тўғри йўлдан борган бўламиз.

(„Культура и жизнь“) газетаси, 7 соҳ, 1947 йил.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ҚЎШЧИНОР*

Роман

Канизак

Сидиқжон эртасига қушдай бўлиб турди.

У тўғон бошига боришни эртага қўйиб кунни шу ерда ўтказди, лекин куни бўйи тинмади: айвончани неча йиллик қурумдан, ҳар иккала уйни исдан, ҳовлини хор-хас ва кўзга хунук кўринадиган бошқа нарсалардан тозалади; тўлиб қолган кир ўрани кўмиб ташлаб бошқа ўра қазиди; кўча эшигининг турмини тузатди; Ҳошимжонга ёй, қамишдан бир талай ўқ ясаб берди. Кечки пайт кўчага чиқмоқчи бўлган эди Анзиратхола, унинг пули йўқлигини билгандай, соч олдиргани пул берди. Сидиқжон ҳам, худди бирон жойдан улгуржи пул кутиб тургану шу пул келиши бланоқ унинг пулини бир неча ҳисса кўпайтириб берадиган ва буни кампир ҳам яхши билгандай, ҳеч тортинмасдан олиб чўнтагига солди.

Кечқурун Канизак эшикдан кириши блан „Сидиқжон ака, бизнинг звенода ишлар эмишсиз“ деди. Сидиқжон, буни ўзи билгандай, бу звено қаерда ва нима иш қилишни ҳам сўрамасдан эртасига азонда Канизак блан бирга ишга борди.

Звено пахтакор бригадаларнинг звеноларидан бўлиб унинг бошлиғи олтмишларга бориб қолган, савод чиқариш борасида Ўрмонжоннинг қалтис тадбирига қарши исён кўтарган чоллардан бири, унинг олдидан ёғоч от миниб ўткан ўша Зокирота эди. Зокирота Сидиқжонни бир оз ғўза чопдириб кўрдию чопиққа ниҳоятда чечан эканини кўриб „отангга раҳмат“ деди; сўнгра, ёзиб олмаса бу йигит ўзини звенонинг а'зоси ҳисобламайдигандай, узоқ овора бўлиб унинг отини дафтарчасига ёзиб қўйди. Чолнинг, худди жуда муҳим иш қилаёткандай, қовоғини солиб дам-бадам қаламнинг учини ҳўллашида гоҳ Сидиқжонга, гоҳ бошқаларга қараб қўйишидан буни ёзишдан муроди Сидиқжон-

* Боши ўткан сонларда.

нинг а'зо бўлишини расмийлашдириш эмас, ўзининг хат билишини намойиш қилиш эканлиги кўриниб турар эди. Шундай бўлса ҳам Сидиқжон то чол ёзиб бўлгунча унинг тепасида турди, ёзиб бўлганини кўриб кўнгли тўлди.

Сидиқжон ишга Зокирота ўйлагандан ҳам чечанроқ, у истагандан ҳам ғайратлироқ чиқиб уч-тўрт кун деганда бутун звенонинг диққатини ўзига тортди. У ишда, „ит ётиш, мирза туриш“ бўлса ҳам ҳаётидан мамнун, фақат икки нарса ба'зан та'бини хира қилар, кўнглига ғашлик солар эди: та'бини хира қилган нарса — Тожибойнинг ҳам шу звенода ишлаши, кўнглига ғашлик соладиган нарса — Канизак блан бир ҳовлида туриши эди.

Тожибойнинг шу звенода ишлаши Сидиқжоннинг та'бини хира қилишга сабаб унинг Тожибойни ёмон кўриб қолганлиги ва кундан-кун кўзига совуқ кўриниши эди. Анзиратхола айтгандай уғри мушукга ўхшаган бу одамнинг ҳар бир ҳаракати, бастига номуносиб равишда ингичка ва мулойим товуши, ҳамма вақт сохта табассум қилиб туриши, гапирганида одамнинг юзига эмас, қорнига қараб туриб гапириши, ҳатто ош ичканда косасининг устига энгашиб, ҳали қошиқ яқинлашмасдан оғизни катта очиши ҳам Сидиқжоннинг ғашига тегар эди.

Канизак блан бир ҳовлида туриши унинг кўнглига ғашлик солишига сабаб у блан яқинроқ муносабатда бўлишга мажбур эканлигию бу муносабат ҳақида одамлар бадгумон бўлиши эҳтимол эди. Сидиқжон одамларнинг ўшандай гумонга боришини истамасгина эмас, бу тўғрида ўйлаганида ҳамеша кўз олдида Зиёдахон келиб совуқ тер чиқарар эди. Шунинг учун у Канизакдан мумкин қадар ўзини олиб қочар, ишга бирга келмасликга, ишдан бирга кетмасликга ҳаракат қилар; у кулиб гапирса қовоғини солар, саволига қисқа жавоб берар ва ўзи уйдан бошқа жойда ҳеч қачан гапирмас эди.

Аяган кўзга чўп тушар — дегандай бир кун Сидиқжон шу Канизак туфайли жуда-жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди.

Шу кун эрталаб иш жуда қизғин бораёткан бир вақтда Ўрмонжон келди. У ерни айланиб ғўзаларни кўрди, қурт еган битта барғни узиб Зокиротага кўрсатди; кейин чопилган ғўзаларни кўздан кечирадию Тожибойнинг олдига келиб бирдан „теша йўқмиди, теша! теша!“ деб қичқирди. Ҳамма унга қаради. Ўрмонжон Тожибойнинг қўлидан кетманни олди, сопини тутга уриб синдириб ташлади-да, индамай нариги звенога ўтиб кетди. Ўрмонжоннинг ҳеч қачан биронга баланд овоз блан гапирганини эшитмаган, жаҳли чиққанини кўрмаган одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишти. Тожибой безрайганича илжайиб турар эди. Нима гап эканлиги Зокирота бориб кетманни қўлига олганида ма'лум бўлди: кетман кичкина, пойтешадакгина келар эди. Зокирота гоҳ кетмонга, гоҳ Тожибойга қараб анчагача нима дейишини билмай турди; сўнгра бирдан соқоли силкиллаб „ҳез, ҳезалак!“ деди-да, кетманни унинг оёғи остига кўтариб урди. Шунда Канизак ҳаммага баралла эшитдириб туриб „эсизгина одам!.. Юзи қурсин шунақда одамнинг!“ — деб юборди. Тожибой унга жуда ёмон ўқрайди, шундай



Ўқрайдики Канизак беихтиёр ўзини Сидиқжоннинг орқасига олди. Сидиқжон Тожибой блан Канизакнинг муносабатидан одамлар бо- хабар деган қаноатда бўлса керак, жуда-жуда ноқулай аҳволда қолди; унинг фикрича одамлар Канизакнинг бу гапи ва қилмиши- га „э, Тожибойдан айниб Сидиқжонга оғипти-ку“ деб қараши керак эди. Кимдир пиқ этиб кўлди, яна кимдир кинояли йўталиб қўй- ди. Бу кулги ва йўтал Тожибойга қаратилган бўлса ҳам Сидиқ- жон ўзига олди.

Сидиқжон куни бўйи қовоғини очмади, ишининг ҳам баракаси бўлмади; ўйлаб-ўйлаб бу риханак маддалаб каттакан чипқонга айланмасдан туриб тезроқ Канизакдан узоқлашиш керак деган қарорга келди. Бунинг бирдан-бир чораси бошқа жой топиб Анзиратхоланинг уйдан чиқиб кетиш эди. У шу тўғрида гап- лашкани кечаси Ўрмонжоннинг уйига борди. Ўзининг мўлжалига кўра бу мулоҳаза Ўрмонжонга жуда хуш келиши ва у тездан бошқа жой топиб бериш тўғрисида ва'да бериши керак эди.

Сидиқжон келганида бостирманинг эшиги олдида турган қан- дайдир бир хотин четланиб унга йўл берди. Ичкарида яна икки хотин бор эди: бири — ўрта ёшлардаги — чўтир хотин тикка ту- риб Ўрмонжонга бир нима деяёткан экану Сидиқжонни кўриб гапдан тўхтади; иккинчиси — бир кўзи ғилай, ёшгина жувон — кираверишда чўнқайиб ўтирар эди.

— Хўп, хўп, — деди Ўрмонжон Сидиқжонга жой кўрсатиб, — хўп, қани, ўтиринглар бўлмаса... яна ким бор? Чақиринг.

Эшикдаги хотин ҳам кириб ғилай жувоннинг ёнига чўнқайди. Бу йигирма икки ёшларда бўлиб, няғи жуда кичкина, бурни юма- лоқ, қангшари паст, пешонаси ниҳоятда дўнг эди. Буларнинг хилланганини кўриб Сидиқжон ўзини кулгидан зўрға тияр экан Ўрмонжоннинг хотинига кўз қирини ташлади. Тўхтанисо ҳам унинг нима учун қарашини билиб жилмайди ва қўлидаги чокни тез- тез тика бошлади.

— Хўп, қани, қулоғим сизларда, — деди Ўрмонжон.

Хотинлар бир-бирларига қарашди. Ҳанўз тикка турган чутир хотин шошиб ҳалигиларнинг қаторига бориб ўтирди. Ҳечким гап бошламади.

— Хўш, гапиринглар, — деди Ўрмонжон.

— Гапирсак шуки, — деди чўтир хотин шерикларига кўз қи- рини ташлаб, — аввал боши эчки тўғрисида... Нишонбой, оёғи моймоқ бўлса ҳам, чорвога яхши қарайди. Мингта соғдан яхши, яхши бригада чиқди. Умаралнинг вақтида моллар хашаксиз га- зет ўқиб ётар эди. Нишонбой бригада бўлгандан бери моллар- нинг ранг-рўйи кириб қолди. Ма'рашга дармони етмаган бузоқлар ҳозир одамга тутқич бермайди... Лекин эчкиларга ҳамма ҳайрон: нега Нишонбойнинг эчкиси бир туққанда учта туғар экану кол- хознинг эчкилари нуқул биттадан-иккитадан туғар экан! Нишон- бойнинг эчкиси учта туққанлиги ёлғон! Битта туққан! Қолган икитаси колхозники!

Ўрмонжон ҳайрон бўлди: бу ҳақда бир мартаба гап бўлган, текширилган, бу да'во пуч чиққан эдику; нега бу ҳақда яна гап

күзгалиптию бир эмас, бирданига уч киши да'вогар бўлиб келипти? Ўрмонжон бу хотиннинг Нишонбойда кеки борлигини билар эди, шунинг учун иккала жувонга мурожиат қилди:

— Бу бир мартаба текширилган эдику, яна текширилсинми?

— Яна текширилсин! — деди чўтир хотин. Икки жувон индамади. Ўрмонжон, буларнинг индамаганига ҳайрон бўлиб, сўради:

— Текширилсинми? Сизлар ҳам шу эчки тўғрисида келганмисизлар?

Чўтир хотин улардан бурун жавоб берди:

— Ҳа, ҳаммамиз ҳам аввал боши эчки тўғрисида, ундан кейин Канизак, Канизакхон тўғриларида келганмиз, — деди „хон“ деганда бошини иргитиб.

Сидиқжон ялт этиб бу хотинга, сўнгра Ўрмонжонга, ундан кейин иккала жувонга қаради. Иккала жувон, фақат шундан гап очилишини кутиб турган экан шекилли, икави бараварига ва бир-бирига навбат бермай бидирлаб кетди:

— Канизак звено бўлар эмиш...

— Бошқа одам қуриб кетиптими!.. Касофат...

— Ўзи нотаин бир келгинди бўлса...

— Қийшангламай ўлсин!..

— Наҳс! Ундан бошқа одам қуриб кетиптими!

— Шошманглар, шошманглар, — деди Ўрмонжон қўлини кўтариб, — аввал эчкини бир ёқлик қилайлик: бошқатдан текширилсинми?

— Текширилсин! — деди чўтир жувон.

Иккала жувон яна бир-бирига навбат бермай жовраб кетди:

— Текширилсин!

— Эчки ҳам текширилсин, Канизак ҳам текширилсин.

— Аввал боши Канизак текширилсин! Худо кўтарсин...

— Текширилиб ундан кейин звено қилинсин!

Ўрмонжон гап асосан Канизак устида эканини фаҳмлаб:

— Хўп, эчки масаласи яна текширилади, гумонларинг бўлса антасизлар, — деди — хўш, энди Канизак тўғрисида нима дейсизлар? Канизак звено бошлиғи бўлар эмиш деб сизларга ким айтди? Лекин навбат блан битта-битта гапиринглар.

— Биламиз, — деди учави бараварига.

Ўрмонжон кулиб Сидиқжонга ўгирилди.

— Лекин хотинларга қойилман: букун кўнглимдан бир нарса ўтса эртага албатта шулардан биронтасининг оғзидан эшитаман. Буларнинг қулоғи менинг ичимда.

Ўрмонжон „қулоқ“ сўзини хотинини кўзда тутиб айтди. Тўхтанисо бунга фаҳмлаб қизардию қошини чимириб:

— Мендан бошқага ҳам айткандирсиз, — деди, — ўзингиз...

— Сиздан бошқага айтишнинг нима ҳожати бор? — деди Ўрмонжон ва Тўхтанисонинг сўзига қулоқ солмай иккала жувонга мурожиат қилди: — хўш, Канизак кимнинг арпасини хом ўрипти?

— Ҳечкимнинг арпасини хом ўрмаган бўлса ҳам, — деди дунг пешона жувон, — звеноликга ярамайди. У нимага звено бўлар экан! Вой!..

— Аввали шуки, — деди Ўрмонжон, — уни звено бошлиғи қилиш тўғрисида ҳеч қанақа гап бўлгани йўқ. Лекин звено бошлиғи бўлса эплайди, арзийди! Мен айткан бўлсам шуни айтканман. Арзимайдими? Колхознинг ишига шунингдай жон куйдирадиган аёлдан колхозимизда нечта бор? Соноғлик! Зокиротадан бир сўранглар-чи! Бригадирдан сўранглар... Анзиратхола блан қурт тутиб ҳар қутидан неча килограммдан пилла берди? Шу колхознинг наф'ими? Шунча қуртга барғни бошида ташиди! Бирон мартаба мендан от ёки эшак сўрагани йўқ. Шу ҳам колхознинг наф'ими? Шунчалиғи блан яна далада ишда биринчи! Ўзи йиғначидайгина бўлса ҳам қўтасга ўхшаган ба'зи йиғитлардан икитасининг ишини қияди. Пахтанинг тилини билиб олди. У ҳозир Зокиротанинг ўнг қўли! Колхозимиздаги ҳамма аёллар ҳам шунақа бўлганда эҳе...

Ҳамма жим қолди. Анчадан кейин ғилай жувон ерга қараб мулойимлик блан сўз бошлади.

— Бу гапларингиз тўғри, Ўрмонжонака. Канизакнинг кўп ишларига одамнинг ҳаваси келади. Ўткан йили даромад олишда кўп эркалар ундан уялиб қолганлиғи ҳам рост. Ҳамманинг ҳаваси келади, лекин одам ҳавас қилмайдиган ишлари ҳам бор. Ёш... шўх! Анчагина шўх... ёш!

Дўнг пешона жувон унинг гапни чайнаётганига тоқат қилалмади:

— Шап-шап деб ўтирасанми, шолтоли дея қол-да! Бузуқ дегин! Бузуқ! Звено бўлса ҳамма хотинларни бузади дегин!

Сидиқжон ерга қаради. Ўрмонжон бу гапларнинг оқибати шунга боришини билган бўлса керак, заҳарханда қилиб:

— Битта ўзими? — деди, — битта ўзи шунча хотинни бузалса ўзларинг ҳам зўрғагина турган экансизлар-да! Шундақами? Ундақ эмасдир? Албатта бундақ эмас! Мен сизлар бўлсам ўзимни ундан олиб қочмас эдим, аксинча, ўзимни унга урар эдим, қани, қайси бири синади: бузуқликми, тузикликми?.. Мен омади гапни айтаётиман... Канизак бузуқми? Ким айтди бузуқ деб? Нима учун? Мен унинг бузуқлигини билмайман. Ким уни ким блан кўрипти? Ким унинг тўғрисида бирон гап эшитипти?

— Э, вой — деди ғилай жувон Ўрмонжонга қараб, лекин Сидиқжонга қараб турганга ўхшар эди. Сидиқжон „Ҳозир менинг оёғимни тортади“ деб кўрқиб кетди. — Вой, ким эшитмапти? Унинг Тожибойака блан дон олишганини ким эшитмапти?

— Яна ким блан дон олишганини эшитгансиз?

Ғилай жувон бўғилганидан индамади. Сидиқжон унинг „ҳозир Тожибой қолиб янги келган йиғит блан юрипти“ дейишини кутиб юраги арзиқиб кетди.

— Бу камми? — деди дўнг пешона жувон тутатишиб — яна хотинлик одам блан! Бўйдоқ блан гаплашкан ғар бўлса хотинлик одам блан гаплашкан ғарларнинг ғари бўлади! Бу камми! Унақа хотиннинг олдидан қанжиқ ҳам паранжи ёпиниб ўтади! Унақа хотинни кўрганда қанжиқ ҳам урғочилигидан ор қилади! Қарга қарғанинг кўзини чўқийди!

У жуда қизишиб кетиб Ўрмонжоннинг олдида ноҳўя гап гапириб юборганига уялганиданми ёки шундай хотинга ҳамжинс эканлиги жуда алам қилганиданми йиғлаб юборди.

— Ана ҳолос, — деди Ўрмонжон, — нима, сенинг эринг ҳам унга ола қараптимиз, нима бало?

— Ола қарасин-чи, ола қараб кўрсин! — деди жувон кизини тиззасига артиб.

— Хўп, агар Канизакнинг бутун бузуқчилиги Тожибой блан тўё дон олишгани бўлса мен буни сизларга айтиб берай. Бу гапларнинг ҳаммасидан хабарим бор. Икавининг орасида нима гап ўткани, бу гап нима блан тамом бўлгани менга ма'лум. Канизак ҳаммасини менга айткан, ҳеч нарсани яширган эмас. Эслик жувон экан...

Тўхтанисо йиғнани баланд кўтариб ипни тиши блан узар экан Ўрмонжонга кўз қирини ташлаб:

— Қачан, қаерда гапирган бунақа гапларни? — деди.

Ўрмонжон унга бир қарадию жавоб бермади.

— Эслик жувон экан...

— Сиз ҳам тузук, — деди Тўхтанисо йиғнани жаҳл блан санчиб. Ўрмонжон бу сафар ўзини эшитмаганга солди.

— Эслик жувон... Мен сизларга икавининг орасида нима гаплар ўтканини, бу гаплар нима блан тамом бўлганини айтмайман, айталмайман, бу бировнинг сири. Канизакнинг сири эмас, тагин кўнгилларингга бошқа гап келмасин, Тожибойнинг сири. Агар мен сизларга ҳеч қачан ёлғон гапирмаган, сизларни алдамаган бўлсам шунга ишонингларки Тожибой Канизакнинг қўлини ҳам ушлалган эмас. Уни колхозда бузуқчилик қилиб жўрпти дейиш — туҳмат! Туҳмат!

Аёллар ҳанг-манг бўлишди. Сидиқжон бу туҳмат Канизакнинг эмас, ўзининг устидан тушкандай яйраб кетди. У энди Ўрмонжон Тожибойнинг сири деб айткан нарсани билишга қизиқар, узича турли тахминлар қилар, бу тахминлардан, назарида, ҳақиқатга яқинроғи Тожибойнинг Канизакдан шاپалоқ егани эди.

— Лекин, — деди Ўрмонжон давом этиб, — мен сизларга айб қўймайман. Канизак ёш, боши очиқ, бунинг устига ҳечкимиз, тергайдиган ҳеч кими йўқ! Сизлар унинг бузуқ эмаслигини билсаларинг ҳам бугун бўлмаса эртага бузилиб кетишига шунчалик ишанасизларки букуннинг ўзидаёқ унинг ўсма қўйишидан тортиб кулишигача кўзларингга ўшанақа кўринади... Мен билиб турипман: сизларни ташвишга солган нарса унинг звено бошлиғи бўлишигина эмас, унинг шу ерда юриши. Звено бошлиғи бўлар эмиш деган гапни эшитмаганларингга ҳам бари-бир бугун бўлмаса эртага бошқа бир нарсани баҳона қилиб келар эдиларинг. Шундақ эмасми?

Аёллар сукут қилишди.

— Ёш, — деди Ўрмонжон давом этиб, — ҳечкимиз йўқ... Ота-онаси болалигида ўлиб кеткан экан, асли шу ерлик экан. Наманганда ўсипти, Наманганда нима қилганини, қандай кунлар кўрганини билмайман, суриштириб кўрган эмасман. Ҳарқалай ёмон йўлга кириб кетган бўлса бу ерга келмас эдию келганда ҳам

меҳнатга, бу хилда меҳнат қилишга бўйни ёр бермас эди. Ота онасининг арвоҳини пано тортиб шу ерга келипти, ҳаммамизни ота-она, ака-ука, опа-сингил ўрнида кўриб, шу ерда пешанаси очилиб кетишига кўзи етиб, шу ерда қолипти... Нима қилиш керак? Нотаинсан, кеча бузуқ эдинг ёки эртага бузилиб кетасан, деб кўкрагидан итариб ташлаш керакми? Кўкрагидан итариб кўчага, биронта бағри тош, одамтахлит чўчқанинг оёғи остига чиқариб ташлаш керакми? Сизларга қолса шундақ қилиш керак экан-да? Қани қарга қарганинг кўзини чўқимагани?.. Кўчада битта занглаган миҳ тушиб ёткан бўлсаку керак бўлади деб дарров оламиз, занглаган бўлса ҳам чўнтагимизга соламиз, нега бутун бошлиқ одамни кўчага чиқариб ташлаймиз? Мен яна айтаман: Канизакнинг эгри қадам босганини билмайман! Башарти унга бирон қашқа пашша қўнган бўлганда ҳам уни кўчага чиқариб ташлашга рози бўлмайман. Бўлмаган гап! Беҳуда гап! Чойга пашша тушса тўкиб ташлаймиз, хуп, нега шурвага тушса тўкиб ташламаймизу пашшасини олиб ташлаб ичаберамиз? Нега? Нанки бутун бошлиқ бир одамнинг қадр қиймати битта занглаган миҳ ёки бир коса шўрвача бўлмаса! Йўқ, бизнинг раҳбарларимиз ундақ демаган, устозларимиз ундақ талим берган эмас.

— Биз Канизак колхоздан ҳайдалсин деяётганимиз йўқ, — деди гилай жувон хила бўшашиб, — айб ўзида: бизга ҳеч қўшилмайди, нуқул водокачкадаги ўрислар блан гаплашади. Биз қаддан билайлик...

— Нега сизларга қўшилмайди? Нега, тил билмаса ҳам ўрис хотинларга қўшилади? Одам ҳам гўзага ўхшаб, офтобга интилади, лекин унинг офтоби — одамдан кўрадиган меҳр-оқибати. Одам одамдан баҳра олади. Канизак, тил билмаса ҳам, ўшаларга интилса бундан ма'лум бўладикки ўшалардан меҳр-оқибат кўрар экан, баҳра олар экан. Нима, ўша ўрис хотинлар Канизакнинг ёшлигини, унинг ҳечкимни йўқ эканлигини билмайдими?— Билади! Эрини қизганмайдими? Қизганади! Ё қизганишни фақат ўзбакга чиқарганми?

Аёллар, хусусан икки жувон жуда ноқулай аҳволда ва жуда ҳам қаттиқ хижолатда қолишди. Ўрмонжон буни билиб гапни чалғитди.

— Хўп, энди асосий масалага келайлик, — деди гўё Канизак тўғрисида шунча гапни сўз орасида айткандай, — эчки масаласини яна текширамиз, лекин буни овоза қилиб юрманглар.

Аёлларга бирдан жон кирди. Учави, айниқса иккала жувон, ҳарқайсиси ўзининг гумонлари ва тахминлари тўғрисида мумкин қадар кўпроқ гапиришга тиришар ва шу блан бу ерга шу тахмин ва гумонларини айтиш учунгина келганлигини билдиришга ҳаракат қилар эди.

Булар кеткани қўзғалганда Сидиқжон ҳам ўрнидан туриб улардан илгари эшикга томон йўналади.

— Хўш, сен нега турдинг?— деди Ўрмонжон. Сидиқжон тўхтаб аёлларга йўл берди. Аёллар чиқиб кетишди. — Бирон иш блан келганмидинг?

Сидиқжон гангиб қолди.

— Йўқ... ҳалиги... мактаб қачан очилади, Ўрмонжон ака? Мен ҳам ўқисам...

Ўрмонжон унинг кўзига қаради.

— Фақат шунга сўрагани келдингми?

— Ҳа...

— Кузда... болангни соғинганинг йўқми?

— Йўқ, Ўрмонжон ака!

— Онангни кўриб келасанми? Хотиржам' қилиб келасанми?

— Йўқ, кейинроқ...

— Эртага Эгамберди акага учрагин, бир яқтак-лозимлик хом-сурф беради. Анзиратхонанг тикиб берсин... бу ерда бўлган гаплар шу ерда қолсин.

Сидиқжон дарров хайрлашиб жўнади.

У, худди дунёда бирдан бир қайғуси ва бахтсизлиги Канизақнинг бузуқлиги бўлгандай, энди бениҳоят шод ва бахтиёр эди. У ҳозир Канизақдан ниҳоятда хурсанд, лекин нима учун хурсандлигини — унинг ёмон йўлга кирмаганлиги учунми ёки Тожибойга рўйхуш бермагани ва эҳтимол бирон тарсаки ургани учунми — ўзи билмас эди. У йўл бўйи овозини баланд қўйиб ашула айтиб борди.

Анзиратхола ёткан. Канизақ кир чайқаб илар эди.

— Ашулага ҳам дуруст экансизку, Сидиқжон ака, — деди. — Қаёқда қолиб кетдингиз?

— Ўзингиз қаёқда қолдингиз? Холам икавимиз ҳўб кўз тутдик. Овқатлар совуб кетди... кечка қолибсизку. Келинг, сиз чайқаб беринг мен илай!

— Вой ўлай, қўйинг, уят бўлади. Эркак киши...

— Уят бўлгунча илиб бўламан. Бўлинг! Беринг!

Канизақ, жуда чарчаган бўлса керак, ортиқ қаршилиқ қилмади.

— Ҳа, жуда вақтингиз чоғ кўринасиз, — деди сиққан кирлар солинган саватни унинг қўлига бериб, — силкиб-силкиб илинг. Сидиқжон энгини шимариб ишга киришди.

— Нимага хафа бўламан, нимадан хафа бўламан? Вақтим чоғда! Вақтим чоғ! Уй-наай-лик, кул-лаайлик, эс-сонинг ом-мон юр-раайлик... юр-раайлик... Вақтим чоғ!

Канизақ „секинроқ“ — деб Анзиратхола томонга ишора қилдию яна ўз иши блан машғул бўлди. Сидиқжон, худди кир илиш жуда ёқиб қолгандай, жуда ҳавсала ва чаққонлик блан иш кўрар эди. У Канизақ блан Тожибой орасида нима гаплар ўтканини, айниқса Ўрмонжон Тожибойнинг сирини деб айтмаган нарса нима эканини билишга, ҳозир ҳеч бўлмаса шу сирини билишга жуда-жуда қизнақар, шундан гап очкани ҳар гапдан бир илмоқ топишга ҳаракат қилар эди. Броқ Канизақ, аксига олиб, ҳозир жуда камгап ва унинг саволларига қисқа-қисқа жавоб берар эди.

Сидиқжон унинг қўлидан охириг кири олиб бир сиққан эди Канизақ:

— Ҳай-ҳай, йиртасиз! Биламиз, сиз зўр — деди.

Сидиқжон дарҳол шу гапга илмоқ солди.

— Зўр бўлсак ҳам сизчалик эмасмиз, — деди, негадир Канизақ

Тожибойни албатта бир тарсаки урган, сир фақат шу деган ишонч блан.

— Мен зўр бўлиб нима қилипман?, — деди Канизак олқиндига чўб тикаётиб.

— Сизми?.. Одамларнинг бети ҳали ҳам ловуллаб юрган эмиш...

— Нима?— деди Канизак қоматини ростлаб. — У нима деганингиз?

Сидиқжон чироғдан кўзини пана қилиб унинг юзига қаради.

— Билмайсизми?.. Эшитканмиз, биламиз.

— Нимани биласиз? Нима ўзи? Мен бировни урибманми?

— Урганингиз йўқми?

— Кимни?

Сидиқжон Анзиратхола ёткан томонга бир куз ташлаб қаттиқ пичирлади:

— Тожибойни!

— Нима-нима? Вой, мен нега урар эканман?

— Урмаган бўлсангиз нега чап чиқишиб қолдиларинг? Кундузи „шунақа одамнинг юзи қурсин“ дедингиз, у ҳам сизга еб қўйгудай бўлиб қаради. Илгари бунақа эмас экан-ку.

Канизак ҳайрон бўлди.

— Илгари қанақа экан?

— Қанақа эди ахир?

— Бу гапларни сиз қаёқдан эшитдингиз?

— Эшитдим-да, биламан. Ичингиздаги гапни ҳам биламан. Қулоғим сизнинг ичингизда.

— Ўзи айтдимми? Ростини айтинг, кимдан эшитдингиз?

Бу нарсага менинг нима тегишлигим бор деган гап Сидиқжонинг хаёлига ҳам келмай:

— Аввал ростини сиз айтинг, ундан кейин мен ҳам айтаман, — деди.

Бунинг Сидиқжонга тегишлиги йўқлиги Канизақнинг ҳам хаёлига келмас эди шекилли, худди узур сўрагандай, бўйин қисиб:

— Тожибой ака менга гап ташлаб юрар эди, — деди, — мен индамас эдим. Бир куни „хотинимни қўяман, менга тегасизми?“ деди. Мен ҳайрон бўлдим, бориб бу гапни Ўрмонжон акамга айтдим. У киши уришиб бердилар: „Унинг яхши гапига учма, сени деб хотинини боласи блан қўйдиган одам бошқани деб сени ҳам қўймаслигини қаёқдан биласан?“ дедилар. Шу, булган-гап шу...

Тожибойнинг бу гапини хотини эшитса қўйди-чиқди бўлиши ва Ўрмонжон бу гапни шунинг учун Тожибойнинг сирини деб атагани энди маълум бўлса ҳам Сидиқжон яна:

— Қўлингизни ушлагани, тармашгани, йўқми?— деб сўради.

— Йўқ, ҳеч... — деди Канизак, кейин Тожибойни қарғади, — бўйининг узулгурнинг букун қилган ишини қаранг! Безбет! Ушанда кетманни яширган ҳам шу пес! Звенода ундан булак одам бу ишни қилмайди. Энди билдим. Мана энди ҳамма ушанинг касофатига қолиб турипти. Ўша гапни Аҳмедов акамга айтмасам нима экан... қуриб кетсин... бечора Ўрмонжон акам... энди у кишига қайси юз блан рўпара бўламан...

— Нима, нима қилди?— деди Сидиқжон.

— Ҳали эшитканингиз йўқми? Бизнинг колхозни уриб районда газет чиқилти.

Сидиқжон, бу гапнинг ма'нисига тушинмаса ҳам, Канизакнинг авзоига қараб ёмон иш бўлганини фаҳмладию ўзини мумкин қадар ташвишманд кўрсатишга тиришиб:

— Энди нима бўлади?— деди.

— Нима бўлар эди. Ўрмонжон акамга гап тегеди...

— Сиз ўша гапни Аҳмедов акага айтканингиз туфайли бўлган ишми?

— Ўзимча шундақдир деб турубман. Шундақдир-да, эсингизда борми, у киши „бу гапни Ўрмонжон энди эшитдими?“— деб сўрадилар, ундан кейин „шу маҳалгача мажлисга солмаган одам энди ҳам солмайди“ дедилар... ер ютсин мени!

Канизак йиғламсиради. Сидиқжон, худди унинг шундай қайғуга қолишига ўзи сабаб бўлгандай, нима қилишини ва унга қандай тасалли беришини билмас эди.

— Ўрмонжон акам сиздан хафа бўлмадилар, у кишининг сизга ихлослари баланд, — деди Сидиқжон, лекин Канизакнинг „қаёқдан биласан“ деб сўраб қолишидан қўрқиб гапни дарров чалғитди, — сизнинг айтканингизни у киши қаёқдан биладилар? Мен айтмайман, ўлсам ҳам айтмайман!

Канизак унга мўнғайиб, „худо хайри берсин“ дегандай назар ташлади.

Анзирахлола Сидиқжон келгандаёқ уйғанган, унинг Канизакга жуда хандон-хушон гапираётганини, унга қарашканини, ниҳоят икавининг босинқироқ товуш блан гаплашаётганини кўриб бадгумон бўлиб чойшاپнинг остидан моралаб ётар эди; броқ булар куткавигга яқинроқ бўлса ҳам бирон муомила қилабермагандан кейин зерикиб кетиб йўталди. Канизак Сидиқжонга кўз қири блан „боринг, ётинг“, деб ишора қилди. Сидиқжон қўлини ювиб ёткани кетди.

(Лавони бор).

ПАРДА ТУРСУН

ҲАҚ ЙЎЛ*

Повесть

VIII

Бу Холмуроднинг қишлоқда иш бошлаган биринчи куни бўлса, ундан кейин ҳафталар, ойлар ўтди.

Холмурод тобора кунларнинг қандай ўтаётганини ҳам сезмай бошлади. У кунсайин яқин ака-ука, ёр-оғайнига айланиб бораётган кишилар орасига кириб борар, уз бегоналигини унутар эди.

Кундузи болалар банд қиладиган парталарни, кечқурун уларнинг оталари, акалари — катталар банд қилади. Катталар кўпчилик, ба'зан парталарга, ҳатто уйга сиғмай кетади. Жой етишмаганлар дафтарларини тизлари устига қўйиб, девор тагига ўтиришга мажбур бўлади.

Ўқишдан кейин, тунги бўш пайтларда ёш-яланглар Холмуродни ўз истиқомат жойларига қўймай олиб кетадилар. Холмурод улар билан гапхоналарга, дўй-тамошаларга, сайилларга, курашларга боради. Қирларга, тоғ этакларига-каклик овига чиқади. Бу шаҳарда та'лим кўрган ўқимишли йигитнинг ўз ораларига кириб, оға-инидай бўлиб боришидан миннатдор бўлганлар, унинг кейинидан: „Мана, камбағалдан чиққан одам, мана шундай одамшаванда бўлади“ — деб қўйишади.

Совет активларидан Ойимхон холанинг бир ҳужрасини унга бўшатиб, бир ёғоч крават қўйиб берганлар. Унинг илтимосини қондириб стол билан курси ҳам топиб бердилар.

Одамлар унинг бу ҳужрасига, ҳечбир ўйлаб турмасдан „идора“ номини берганлар: „Идорангизга қидириб борган эдим, йўқ экансиз“, „Идорангизда қай вақтда бўласиз?“ — дейишади.

Чиндан ҳам, унинг ҳужраси ҳарким турли хил масала билан мурожаат этаоладиган идорага айланган. Унинг олдида кун сайин одамлар кириб-чиқиб турадилар. Хат, ариза, дуойисалом ёздиришга, солиқ, суғурта қоғозини ўқитиб кўришга ё шу хилдаги

*Боши 2-3 сонларда.

бирор нарсани сўрашга келадилар. Азонда ҳам, кечқурун ҳам, гоҳо тун ярим — Холмурод уйқуда вақтда ҳам келаберадилар. Холмурод ҳам ўз олдига ишонч блан келган кишиларнинг талаб ва илтимосларини қондиради, уларни ҳарқачон идора иш соати-дагидай қабул қилади.

Чамадонни „папка“ деб унинг ёлтироқ темирларига кўп хуш-тор бўлган, қишлоқнинг беғубор, соддадил йигити Давлатёр Холмуродга жуда ёқиб қолди. У блан кўп вақт хангамалашиб, ҳатто сирлашиб ҳам қолади. Унинг ба'зибир дангал гапларини эшитганда ҳузур қилади.

— Бизнинг бу Қамишкапа дўплининг тагидаккина жой бўлса бу ерда турли тоифа одамдан бор, ўртоқ Дўстматов. Шаҳарда учратмаганингизни бу ерда учратасиз, — дейди у.

Холмурод Давлатёр орқали қишлоқ ҳаётининг тамом ичига киради. Танимаган „тоифаларни“ танийди, эшитмаган гапларни эшитади. Зокирхўжа қассобнинг укаси Болтахўжа аёллар мажли-сидан қайтган хотинини дарвозасининг тагидаёқ ўн икки жойидан пичоқлаб қонга белагани ва шунинг учун ҳозир уч йилдан бери турмада ётгани, Олахўжанинг: „Экинга мол туширдинг“ деб, қан-сибир подачини уриб кўзини чиқаргани, Турдибой халфанинг бузуқ ишлари ва Бозорбойнинг хотинларга шаҳардан „олтин би-лак узук“ келтириб бермоқчи бўлиб, эрларидан бекитиб юрган пулларини алдаб олиб кетгани каби турмушнинг чиркин ва қи-зиқ ҳодисаларини ҳам эшитади.

Бир гал улар қишлоқдан салгина наридаги сой бўйига сайил қилиб бораётганларида икки челақда сув кўтарган бир аёл улар-нинг рўпарасидан чиқиб қолди. Аёл, тез йўл четига чиқди. Че-лакларини ерга қўйиб, қора нимчасини юзига пана қилиб, булар-нинг ўтиб кетишларини кутиб турди. Улар аёлни дарров таниса-лар ҳам, унинг ўзи номус қилиб тургани учун, гўё унга э'тибор қилишмагандек ўтишабердилар. Фақат ёнидан ўтиб бораётганлари-дагина Холмурод унинг нимчаси тагидан қия боқиб турган юзи-ни кўрди ва унинг вжудини бирхил ёқимли ҳаяжон тўлқини си-лаб ўтди. Аёл, Холмурод қишлоққа келган кунидан бошлаб шу кунгача ҳар кўргани сайин унинг қалбида тобора кўпроқ ишқ оловини ёқмоқда бўлган ўша Гулсум эди. Қия очилган эшикдан тўғри тикилиб қарайдиган қизнинг энди кўчада, йўл четида ним-часини юзига пана қилиб туриши ғалати бўлса ҳам Холмурод бунинг „қишлоқ шароитига мос сиёсат“ эканини англади: Чунки ҳали қишлоқда очiqчасига юраберадиган аёллар битта-иккита эди халос... Гулсум ҳам йўлга тушиб, улар бир-бирларидан узоқлаш-ганларидан кейин, Холмурод пайтни қулай топиб, Давлатёрдан унинг ким деганининг қизи бўлишини, кимлари борлигини суриш-тирди.

— Бу қизнинг отаси ўлиб кетган. Битта онаси бор, — деди Дав-латёр. — Ундан кейин бу қизнинг хангамаси жуда қизиқ-да.

— Ҳа, қани!

— Қиз бўйига етгандан кейин Мамасайд деган қуримсоқ „тайёр ошга баковул“ бўлди: „Мен энг яқин тоғаман, шунинг

учун ота ўрнида, отаман“, деб да'во қилди. Онасини қўлга олиб, қизнинг ўзини алдаб-сулдаб йўлдан уриб, юқори қишлоқдаги бир бадавлат одамнинг ўғлига унаштирди. Қалинни „енг учида“ олиб, тоза жигилдонга урди-ю қизни узатдирди. Қиз куёви блан чимилдиқда бир кеча тоза ит-мушук бўлишиб олишибди-ю эртасига „ҳайт“ деб қочиб келаберибди.

— Ие, — деди Холмурод ажабсиниб, — қизиқ қилибди-ю.

— Ҳа, мижозлари чиқишмай қолибди шекиллик-да, куёв, ўзи „ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесак“ деса бўладиган хилидан экан-да...

— Аҳа... ҳали гап бундақа денг... — деди Холмурод нафаси бўғилиб. — Қизни олиб кетишга келмадиларми?

— Олиб кетишга бир марта эмас, икки марта келишди. Қиз „ўлигим бормаса, тиригим бормайди. Зўрлик қилсаларинг „дод!“ деб советга чиқаман“ — деб туриб олибди. Кимнинг ҳадди сиғади. Зўрлик қилишга эски замон эмас. Эски замон бўлсаю эгарга унгариб, кўзичоқдай олиб кетар эди-я, бойқишни.

Улар озгина суви жилдираб ётган сой ёқалаб юқорига томон юрдилар. Холмурод хаёл ичида аста-секин одимлар экан гапирди:

— Ҳим... мен бу гапни эшитмаган эканман. Ҳали шундай денг. Ҳим... ўзининг ақли-хуши жойидами? Кўринишидан ёмонга ўхшамайди, а, ўзи...

— Ҳа, ҳамма ёғи жойида. Юзини дурустроқ кўрдингизми. Зап қоши, кўзлари бор-да. Бунинг чиройликлигига Тожибой оқсоқолнинг ҳам ишқи тушиб қолган...

Бу гапни эшитиб Холмуроднинг тани совуқ сув сепгандек жимирлашди.

— Тожибой оқсоқолнинг?.. Бе...

— Ҳа, ҳамма қилгиликни шунақалар қилади-да... ба'зи бировларга: „Хотинимни қўйиб юбориб, шуни олайми“ деб маслаҳат солибди экан.

— Ҳа, — деди Холмурод бўлакча бир хил овоз блан ва ўз ичида „мендан ҳам бошқа катта жазманд чиқиб қолди-ку. Иш пачава экан“ деб кўнглидан кечирди ва яна бўшашган овоз блан гапирди: — шунақа денг!

— Шунақа, — деди Давлатёр.

Улар илгари қараб борабердилар. Ҳар қадам сайин қаршидаги бир-бирига тиралиб ва оламнинг бағрига бор салмоғини солиб зил чўкиб ётган Чатқол тоғлари бўйларини тобора баландроқ чўзаётганга ўхшардилар. Соф ва майин ҳаво тўлқини эсарди, Холмурод, нимагадир ўзича чуқур фикрга ботиб, бирнеча қадам индамай борди-да, кейин гапирди:

— Эҳе, бу ерда, ҳали ишлар анча чатоқ экан, дўстим!

— Ҳа, бу ерда ҳали шунақа, ўртоқ Дўсмаътов. Ҳали бу ерда ҳукуматдан яшириб қалин олишлар бор. Ҳалиги Мамарасул деганимизнинг қизи ҳам бўйи етиб, кўзга кўриниб қолди. Шунинг учун қизини кўчага чиқармай қўйди. Бирорта ҳамёни каттароқ-қа пулласам деб тамоғи тақиллаб ўлиб юрибди.

— Оббо, ла'нати. Сотмоқчи денг.

— Ҳа, сотиб заҳар қумортқисига емаса буладими...

— Қиз сотиб егунча балони есин... Иштаҳасини бўғиб қўйиш керак ундай одамларнинг, — деди Холмурод ва яна сўради:— Қизнинг исми нима экан?

— Ойпошша!

— Ойпошша? — деди Холмурод ва қўққисдан шундай савол берганига ўзи хижолат чекиб қизариб олди.

Давлатёр худди „оҳ“ чекаётгандай айтди:

— Чиройлик бўлгандачи... бир қошиқ сув блан юткудай.

Холмурод унинг махтови блан кўз олдига Гулсумни келтириб, ўзича: „чиройлик бўлса ўшандай бўладида. Ундан ортиқ яна қанақаси бўлиши мумкин!“ деб кўнглидан кечирди ва ўз ишончини тасдиқлаш учун уни шу онда бир кўргиси келди.

Бир кун унинг „идорасига“ бир ғарибни бошлаб келдилар.

— Худойкул! Қани кел буёққа! — деди Мелиполвон уни Холмуродга томон имлаб.

Худойкул Холмуроднинг қаршисига келиб турди. Унинг башараси ва устя-бошига қараб бўлмасди. Эғнида чурик бир жулдир чекман, бошида, тепа тешигидан ожиріқсочлар кўкариб чиққан, эски дўппи, зоғча панжаларига ўхшаш оёқлари совуқдан тилим-тилим ёрилиб кетган...

— Бу камбағални Мадамингов қанча йилдан бери ишлатиб келади. Аммо, эшакнинг кучи ҳалол, гўшти харом дегандай, бу шўринг қурғурнинг аҳволи мана бу. Қўлига биттанга бермайди, бу — деди Мелиполвон ва кўзлари қувончданми, қўрқувданми негадир йилтирай бошлаган Худойқулга бурилди. Унинг зоғча оёғи ва тешик дўпписига қўл ҳаракати блан имлаб уқдирди:

— Буёққа қара, Худойкул! Мана бу одам сенга ариза ёзиб беради, хўжайинингдан ҳақ ундириб, уст-бошни янгилатиш керак. Оёққа этик, бошга дўппи олиш керак, ҳа...

Худойкул бошини эғиб ма'кул ишораси қилди.

Холмурод унинг мушкул тирикчилигини жуда э'тибор блан суриштириб ўтириб, унинг номидан ариза ёзишга тутинди.

Унинг ҳаёти чиндан ҳам қизиқ эди.

Худойкул ақл жиҳатидан заиф ва унинг устига чала сақовдудуқ бир бечора эди. Одамлар унинг заифлигини „шўр пешана“, „девона фе'л“ каби сўзлар блан та'рифлар эдилар.

Мадаминнинг эшигида „ҳа“ деса „лаббай“ дейдиган ўттиз-қирқ хизматчиларнинг ҳаммаси бирин-кетин ўз йўлини топиб кетди. Аммо, мулоҳазасиз ва шунга кўра ўз қадрини ўзи билмас Худойкул хўжа остонасини ўзига умрли макон деб билган итдек ўз ҳаётини, ўз тақдирини Мадамин қўлида билди. Унинг гавдасини идора қилган бу тушунча уни Мадаминга занжирдек боғлаб берган эди.

Худойкул ўзи девона бўлгани блан одам қилиши зарур бўлган ҳарқандай ишга ярайберади. От-молга қарайди, гўнг курай-

ди, жоду блан личан поя қирқади. Ҳавли супуради, сув келтиради. Ёзда қўш ҳайдайди, ўроқ ўради, шоли янчади, турли хил деҳқончилик ишларини қилади. Шу блан бирга Мадаминнинг овозини эшитганда ўрнидан ирғиб туради, ҳарқандай буйруққа сўз қайтармай бўйсунди. Мадамин қанча бақириб сўкса, урушса ҳам индамайди, ишини қилаберади.

Мадамин ўзи тажанг бўлиб турган вақтида ҳам арзимаган баҳона блан бу бечорани уриб аламини олади. Худойқул калтак зарбидан оғриган ва ачишган жойларини ушлаб бир пас гингшийдди, вайсайди, кейин яна ҳечнарсга кўрмаган, билмагандай, ишга тушиб, буйруққа бўйсуниб кетаберади.

Бир гал Мадамин райондан маст ва авзойи бузук бир ҳолда ярим тунда қайтди. „Худойқул!“ — деб қичқирди. Худойқул бостирма четига тўқимни ёстиқ, шолчани кўрпа қилиб донг қотиб ухлаб ётар эди. Унинг айби шу бўлдики, хўжайинининг овозини эшитиб сакраб туриб, югуриб келиб отнинг жоловини ушлай олмади. Мадаминнинг ғазаби ошиб тошди. Отни ўзи боғлади-да, Худойқулнинг устига борди, қандай тўғри келса шундай роса устма-уст иккита тепди.

Худойқул бир нафас вайсаб ётди ва этик товонидан зарба еб қақшаган путини зўрға судраб дарвозага етди, — занжирни илди. Кейин ҳолсизланиб остона тагига ўтирди. Гингшиб-гингшиб тепкидан оғриган жойларини секин-аста силади ва шу блан ҳаммаси эсдан чиқиб кетди...

Бу ғариб ҳаёти шу равишда кечар эди. Холмурод-аризани ёзиб булди. У батраklar союзига ёзилиб, бунда Мадаминдан ўн йиллик меҳнат ҳақи талаб қилинган эди.

Мелиполвон Худойқулга яна имлади:

— Қани бармоғингни тўғрила, — деди ва унинг тирноғи ўсган бир бармоғига сиёҳ ишқалади: — Эй, шўрлик, худонинг нимасини ўғирлаган эдинг, а, нега сени бундай шўр пешана қилиб қўйди... қани бос „муҳуриингни“ мана бу ерга... ҳа... бўлди... баракалла... Мана энди, худо хоҳласа-хоҳламаса сенга кўйлак-лозимни ундирамиз... Қани унмай ҳам кўрсинчи!..

Шу куни кечаси Холмурод жинчироқнинг ёруғида китоб ўқиб ўтирганида Мадамин кириб келди. Унинг қошлари чимирилиб, қовоғи читилган, ўқрайган кўзларида ғазаб ўтлари чақнар эди. Холмурод аввал бир сесканиб тушди ва яна ўзини тутиб олиб унга курси кўрсатиб ўтиришга таклиф қилди! У ўтирди ва ўқрайган куйи Холмуродга тикилиб зарда блан айтди:

— Сиз менинг устимдан ариза ёзиб берибсиз афандим!

— Ҳа, ёзиб бердим, — деди Холмурод.

— Менинг кимлигимни биласизми? — деди Мадамин яна зарда блан.

— Хўш! Нима демоқчисиз?

— Менинг устимдан ариза ёзадиганлар онасининг қорнида, афандим. Мен, Раҳмонқул босмочини ўз қўлим блан советга тутиб берган Мадамин бўламан. Мени райондагилардан тортиб, ундан юқорироқда турганларгача танийди!..

Холмурод унинг ушқирғини эшитиб чиндан ҳам қизиқ аҳ-
волда қолди.

— Яхши, — деди у охири секингина, — нега ахир шундай одам,
эшигинидаги хизматчингизга тешик дўппи кийдириб қўйдингиз?
Бу яхши эмас-ку, ахир.

— Хизматчим эмас, — деди қаттиқ овоз блан Мадамин. — Сиз
бетайинларнинг гапига учманг. Худойқул менинг ўз жигарим,
аммамдан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб одам қилдим...

— Ўз жигарингиз, аммангиздан қолган сағир экан яна яхши.
Лекин сизнинг бир инсонни шундай аянчли ҳолда ишлатишга
ҳаққингиз йўқ. Унинг усти-бошини битиб қўйишингиз лозим.

— Э, менинг устимдан шикоят қилганларга сра ишонманг,
ахир, — деди Мадамин анча ҳовурдан тушиб ва нимадир яширин
сир айтаётгандек бўйинини чўзиб секин ушқирди: — мен, ахир Ху-
дойқулга уст-бошгина эмас, от-арава ҳам қилиб бераман, ўзига
яраша қиз топилса уйлантириб қўяман деб юрибман... Ҳа!..

— Ҳа балли! Ана шундай бўлсин! — деди Холмурод кулиб.

Мадамин чиқиб кетди.

Шундан бирқанча кун ўтгандан кейин одамлар Худойқулни
учратган ерда: „Эй, бечора! уст-бош қутлиқ бўлсин, энди!“ деб
табриклай бошладилар. Худойқул эса ола-чўпар қизил енгларига,
қора этигининг қўнжига қараб кўяр эди. Ҳаёт ботқоғида чўкиб
ётган бир инсон ҳамманинг кўзига илина қолди. „Отга жабдуқ,
одамга либос!“ дейишди кўрганлар.

IX

Шу йилнинг ёзида маорифнинг ёрдами блан қишлоқ меҳнат-
кашлари Қамишқапанинг четини хароба қилиб ётган бир мазорни
текислаб, шу ерга уч синфлик мактаб солишга киришдилар. Мак-
таб худди октябрънинг охирларига бориб битказилди.

Кузнинг очиқ ва илиқ бир куни эди. Эрталабдан бошлаб
бутун қишлоқ мактабга томон оқди. Мактаб атрофи кичкина
бир сайилгоҳ бўлиб кетди. Қўлларини орқасига қилган уч-тўртта
чол мактабнинг ҳар томонига бир ўтиб, илжайишиб, пешанала-
рини тириштириб, узоқ-узоқ қарайди. Бири-бирига нималардир
ўқиради.

Паранжи-чолон ёпинган аёллар мактабнинг атрофидан, гўё
бир нарсадан ҳавотирлангандай тез қадамлар блан айланади, ҳам
бу орада деразаларни астагина силаб кўради, ичкарига мўралайди,
буялмаган эшикнинг ялтироқ чиройлик шиша тутқаларини авай-
лабгина ушлаб қўяди.

Болаларнинг шодлигига чек йўқ. Улар ўзларини қаерга қў-
йишни билмай югуришади, ичкарига кириб полни тепкилаб, тўс-
тўпалон қилишади, деразадан бош чиқариб қичқиришади. Катта-
ларнинг урушганига қулоқ солмайди.

Мактаб саҳнидан четроқда ўчоқлар кавланиб, икки дош қозон
осилган. Олдига чипта тутиб, енгларини шимарган ошпаз ноқу-
лай ётиб олиб қозон ювади.

Саҳн ўртасида ёш-яланглар кураш бошлади.

Ўғлини ўйлантираётган отадек тўй ташвиши блан овора Холмурод, пайт топиб, курашни тамоша қилишга келди. Бу вақт Ма'муржон блан Давлатёр бел олишмоқда эди. Давлатёр Ма'муржонни айлантириб юриб кўтариб урди. Ма'муржон қийқириқли кулгилар остида қизариб-бўзариб четга чиқди.

Кимдир Холмуроднинг этагини тортди. У сочлари барақ-барақ, устки икки тиши тушган „кампир нусха“ қизча эди. Болалар блан тоза қувалашиб ўйнашган бўлса керак, нафасини ололмай ҳарсиллар, вақти чоғ, юмалоқ ёноқлари қонга тўлиб, анор тусини олган, қоп-қора кўзи йилтирар эди.

Қизча кўлини мактаб томонига чўзиб, энтикиб-энтикиб гапирди:

— Мениям шу мактабда... шу мактабда ўқитасизми?

— Албатта, албатта, — деди Холмурод, қизни севиб, унинг қулоғига яқин энгашиди, — ўқий оласизми? Ёшингиз нечада?..

Қиз яна энтикиб-энтикиб жавоб берди:

— Онам „саккизга кирдинг“, дейди.

Холмурод қизчанинг жавобидан кайфланиб кулди ва унинг елкасини қоқиб, гапга тутди:

— Отангизчи? Отангиз нечадасан дейдилар.

Қизча енгини тишлаб ўйланди-да:

— Отамдан сўраганим йўқ. Ҳали кечқурун сўраб оламан, — деди ва Холмуроднинг завқланиб кулишидан шубҳаланди шекилли, уялиб болалар томонига югуриб кетди.

Кўча томондан чилдирма ва қўшиқ эшитилди. Ранг-баранг кийимда ясанган аёллар келар эдилар. Олдинда Ойимхон ва Гулсум кўринди. Қизлар чилдирмага жўр қилиб қўшиқ айтади:

Фабриканинг йўлидан
Рўмолча топиб олдим,
Топиб олди деманглар,
Червонга сотиб олдим.
Гулёраҳон...
Бўйларингдан гулёра... а...

Давлатёрнинг кўзлари чақнаб, литирлаб колди. Холмуродни туртиб:

— Мен сизга айтган қизни кўрсатайми, ана, ўртадаги, қора чўпар камзулликга қаранг, қаранг! — деб пичирлади у ҳовлиқиб.

Аёллар кураш бўлаётган жойга келиб давра олдилар, чилдирма титроқли овоз блан яна қаттиқроқ гумбурлай бошлади. Уни, юзини майда сепкил босган бир аёл ўйнамоқда эди.

Гулсум ўртага тушиб йўрғалай бошлади. Йигитлар „ура“ деб қичқирдилар.

— Кўрдингизми, қалай? — деб пичирлади нафаси бўғилиб Давлатёр.

Холмурод у ишора қилган қизнинг бурун учини кўрдими — йўқ, кўнгил учун „жойида!“ деб қўйди.

Гулсум базмини қизитиш блан машғул. Аёлларни бирма-бир

Ўртага тортиб ўйинга туширади. Унинг ёноқлари ва нозик лаблари қизарган, қора кўзлари йилтирар, у букун бошига қизил рўмо лбоғлаган, рўмолининг четидан гажжак бўлиб чиққан майин сочлари пардек елпиниб, чиройлик юзига ярашиқ ҳусн қўшган. У ўзига қараб турган Холмуродни кўриб уялгандек табассум блан айтди:

— Қани, сиз ҳам бир ўйнаб беринг афандим, тамошо қилиб тураберасизми?

— Билсам жоним блан ўйнар эдим, билмайман, — деди Холмурод ва яна ўртага тортиб қолмасин деган ҳавф остида даврдан четланди. Холмурод унинг блан шундай йиғилишларда қисқа-қисқа сўз олишиб қўяр эди. Унинг блан дурустроқ суҳбатлашишни истар, лекин пайт топмасди. Эшик олдидан берироқда бирнеча одам, энди, бу ерда пайдо бўлиб қолган Бозорбойни гапга солиб кулишмоқда. У мактаб қурилиши вақтида қаёққадир „саёҳат“ қилиб кетган бўлиб, энди тўйга етиб келган эди.

* * *

Совет раиси Тожибой митингни очди ва ўзи правления номидан қишлоқ меҳнаткашларини янги мактаб блан табриклагандан кейин бошқаларга сўз берди. Дастлаб Абдурасул, кейин правления а'зоси, активистка Ойимхон, ундан кейин 16-йилда марди корга бориб келган Юсуфали ота сўзлади. Ҳечқачон мажлисда сўзга чиқмаган Давлатёрнинг акиси Сотиволди ҳам биринчи мартаба жамоат олдига чиқишга жур'ат қилди, қўлларини уёқ-буёққа қимирлатиб бир калима сўзни зўрға эплаштирди. Ундан кейинда қолишни истамай Мелиполвон ҳам сўз очди. Шовқун солиб гапирди. Булардан кейин навбат котиб Алимқулга келди. Бу ёзувчизув одами гапнинг пайравини келтириб анча эшди. Охирда, сўз, маорифдан вакил бўлиб келган чиройлик бир олифта йигитга ва энг сўнггида мактаб мудир Холмуродга берилди.

Бу турли хил нотиклар томонидан турли усулда, бошқа-бошқа, паст-баланд овозда ифода этилган узун ва қисқа, жўшқин ва ҳаяжонли бир талай гапларнинг мазмун ва мағизи битта бўлиб фақат шу ерда турган кўпчиликнинг асл дилидагини ифода қилар эди, халос. У ҳам бўлса шундай эди: — Дун'ё бино бўлиб, ота-боболаримиз жуда кўп подшоларни, жуда кўп ҳукуматларни кўрдилар. Лекин, бундай мактабни етти ухлаб тушларияда ҳам кўрмадилар. Бу мактабни бизга фақат совет ҳукумати берди, халос. Бунинг учун минг-минг миннатдор бўлиб ўқишгина оз, коммунистлар партиясининг ҳарбир иши учун жонни фидо қилиб курашишга тайёр бўлмоқ зарур!..

Қишлоқ тарихида биринчи тушган ва тенги бўлмаган шундай баланд, шундай кўп деразалик, шундай чиройлик эшикли, шундай кўркам мактабнинг чин тўй, чин ҳаёт, чин байрамга айланган тантанаси узоқ ўйин-кулгилардан, кичкина митингдан, ғайрат, иш кўрсатганларга ранг-баранг чит мукофотлари улашишдан, ош тортишдан кейин кечга бориб тугади.

Бу эсдан чиқмайдиган, шу мактаб биноси блан доимий қоладиган тантанадан кейин одамлар тўп-тўп бўлиб мактаб саҳнидан тарқала бошладилар. Атроф тобора қораймоқда эди.

Холмурод, катта йўлга чиқаверишда орқа томонидан таниш бир овозни эшитиб, қадамини секинлаштирди. У Гулсумнинг овози бўлиб, у бирнеча аёл блан гаплашиб келмоқда эди. Аёллар тор кўчаларга бурулишиб кетгач Гулсум Холмуроднинг орқасидан зиппиллаб етиб келди.

— Бирам яхши тамошо бўлдим, афандим? — деди Гулсум. У ҳавлиққан ва энтикар эди.

Холмурод ялт этиб унга қаради:

— Вақтингиз хуш бўлдим ишқилиб...

— Бўлмасачи! Ҳамманинг жони кирди, — деди Гулсум, ҳаяжон ичида энтика-энтика, бирнеча қадам босиб бирдан айтди: — ҳали, мен сизнинг мажлисда сўзлаган гапларингизни эшитиб туриб йиғладим. Аёллар: „нега йиғлайсан?“ дейишди. „Ўзим“ — дедим.

Холмурод унинг овозининг титраганидан ўпкаси тўлиб, яна йиғлашга тайёр турганини сезди.

— Бе, нега йиғладингиз, ахир. Ё мен...

— Сизга ачиниб йиғладим, — деди Гулсум яна ҳам титраган овоз блан, — сизга раҳмим келди.

— Нега менга ачинасиз?

— Сиз бу ерга мусофирсиз... ҳечкимингиз йўқ, — деди Гулсум, энг учи блан кўзларини артиб, — иссиқ-совуғингизга қарайдиган, кирингизни ювадиган ҳечкимингиз йўқ...

— Менга раҳмингиз келибди-да, кўп раҳмат! — деди Холмурод кулиб. — Менинг ишим жуда жойида синглим. А, ўз ишларингиз қалай?

— Сизга бир гапим бор эди, — деди Гулсум секингина.

Совет идорасининг олдида бирнеча кишининг қораси кўринар, чамаси, улар индашмай, лекин жуда қизиқиб, Холмурод блан Гулсумнинг ҳаракатини тақиб қилишиб турмоқда эдилар. Кишиларнинг бундай тақиб қилишлари Холмуродни чўчитди. У ўзининг арзимаган иш устида ҳечбир сабабсиз гап бўлиб кетишидан жуда қўрқар эди. Шунинг учун ҳам у Гулсум блан шу ерда ажралиб кетмоқчи бўлди.

— Сиз блан ҳали кўп гаплашамиз. Жойи блан гаплашамиз... Яхшими?

— Майли, кейин айтаман... хўп, тан-жонингиз соғ бўлсин! — деди Гулсум ёнига бўрилиб.

Совет идораси олдида турганлар котиб Алимқул, Мелиполвон ва Давлатёрнинг акаси, новча, қотма йигит Сотволди эди. Булар мактаб қурилишида жон куйдириб ишлашган ва бугун мукофот олганлардан эдилар. Улар Холмуродни қувноқ гаплар блан қаршиладилар.

— Мактабдан тинчиб олдингиз, — деди Мелиполвон кулиб, — энди ўзингизни ҳам бир тинчитиб қўйсак эди, ҳа-ҳа-ҳа...

Ҳаммалари баравар хаҳолашиб олди.

— Афандим узимизники, — деди Сотволди. — Ұзимиз уйлаймиз, узимиз жойлаймиз, ҳали.

Холмурод ҳужрасига қайтиб жинчироқни ёқди. Ешинди, ёғланмаган араванинг ўқидай гижилловчи ёғоч краватга ётди. Лекин уйқуси келмади. Мактаб тўғрисида, кишиларнинг қувончи тўғрисида, Гулсумнинг ўйини, унинг кулгиси, ҳасрати ва кўз ёши туғрисида, Мелиполвон блан Сотиволдининг қочириқ гаплари тўғрисида ўйлади. Гулсумнинг эрдан қочгани ва унга Тожибойнинг ҳам ошиқлиги тўғрисидаги гапларни эслаб, табиати биров хира бўлди. Шундай бўлса ҳам, унинг хаёли ва фикри Гулсум устида айланаберди. Бордию у шу қизга уйланса нима қилади? Ким уни айблайди? Ким уни гуноҳкор қилади? У гўзал, унинг қадди-қомати келишган. Агар биров яхши кийинса „хотиннинг борми деганда, бор“ деб ғурурланишга арзийдиган ажойиб бир аёл бўлади...

У яна кўп ўйлаб, ухлайолмай краватни гижиллатиб тўлғаниб ётди. Қишлоққа келганидан бери ўз бошидан нималар кечган бўлса ҳаммасини яна бир кўз олдидан кечирди. Фикр айланиб келиб Гулсумга тўхтаб берди. Унинг ингичка қомати, қизғиш сўлум юзи, қуюқ киприкли ажойиб кўзлари кўз олдига келаберди.

Охири фикрни чалғитиб, кўзларига уйқу келтириш учун қўлига китоб олиди. Бу М. Горькийнинг „ҳикоялари“ бўлиб, уни бирнеча кун бурун ўқийбошлаган эди. Уни бир вақтгача ўқиб ётди ва сўнгра уйқуга кетди.

Х

Кунлар ўтди. Ҳаётнинг одимлари улуг ва бир-бирига ўхшамасди. Унинг ҳарқадамида нимадир такрорланмайдиган бир янгиликнинг қудратли сирини яшириниб ётгандек ва бир кун бўлмаса, бир кун у тўлиб тошадигандек туйиларди...

Шундай қилиб, куз изидан қиш кирди. Қулоқ бурунни жазиллатиб чақадиган заҳарли изғириқлар бўлди. Ўйноқлаб, ўйноқлаб капалак қорлар ёғди. Эрталабда азамат йиғитлар, қулоқларини рўмол блан танғиб, қор курашага томга чиқдилар, қўлларини оғизларининг ҳоври блан иситиб олиб курак сопини ушладилар. Кўчалар кечалари тошдай даранглади, кундузлари шилта бўлиб от қорнига лой сачради.

Қишнинг бу ола-була кунлари турли-туман ола-ғовур гаплар, миш-мишлар блан тўлди. Гап „колхоз“ қурилиши тўғрисида борар эди. Одамлар кўчада кетаётди ҳам, хотинлар сув келтираётди ҳам шу ҳақда гаплашар, „колхоз“ тўғрисида ҳарким ҳарнарс дейишга ўзини ҳақли санар эди. Шу муносабат блан жаҳолат ва хурофотга муккасидан кетган ба'зибировлар, энди, жловини узди. Ҳарқандай миш-мишни эшитганда касал ётган жойидан туриб кетадиган ба'зибир кампирлар, энди, пиёладаги сувга қараб „дун'ёнинг ўзгаришини“ кўра бошладилар. Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб „янги гапни“ тарқатишга уларнинг оёқларидан олдин оғизлари, оғизларидан олдин оёқлари югурабошлади.

Чаққонликда, эпчилликда бир-биридан ўзиб, бир гапни икки қилиб, ер тагидан кавлаб топиб гапирар, ҳаммани ваҳимага бос-тирмоқчи бўлар эдилар.

— ...Худоё тавба денглар, икки дун'ёда эшитмайлик... Ҳам-нинг мол-жони, хону-монини йиғиб олиб, ўртага қўяр эмиш... Бир қозонда ош, бир қозонда лампа мой турар эмиш. Битта чўмич блан бир ундан, бир бундан сузиб берар эмиш... Кечасига эллик метр читдан битта узун кўрпа қилиб, юз кишини бола-чақалари, хотин-холожлари блан бир қилиб ётқизиб қўяр эмиш. Худо кўрсатмасин...

— Зағчақўз мулла китоб кўрибди; ҳамма гап китобда ёзилган экан. Худоё тавба денглар, ажуж-ма'жуж тоғни тешиб чиқаётган эмиш... „Азройил алайсалом осмондан тушаётган эмиш...“ деб ваҳима қилардилар.

Сўнги кунларда яна янги гап топдилар:

— Колхозга фақат моли-мулки бор одамларгина кирар эмиш, ҳечнарсаси йўқлар колхозда нима қилади?! Икки қўлини бурнига тиқиб юрган одамлар нимаси блан колхоз тузар экан?

Ишқилиб, партия ва ҳукуматнинг колхоз қурилиши тўғрисидаги сиёсий ишни кучайтириши ва камбағалларнинг колхозга томон оқиши муносабати блан, унга қарши миш-мишлар худди ахлат тутунидай биқсимоқда ва ҳар томонга ёйилмоқда эди. Бу миш-мишлар юзаки қараганда кулгили ва ҳечбир қийматга эга бўлмаса ҳам анчагина соддадил одамларни, айниқса аёлларни ўз гирдобига тортар, уларда колхозга нисбатан даҳшатли бир зилзила ваҳимасини туғдирар эди. Бу гаплар ҳаммаси — колхоздан, учуриб кетадиган бўрон, оқизиб кетадиган селдан кўрққан мулкдорлар ва совет тузумига зид кишиларнинг иғвосидан тарқалган гаплар эди.

Ифвогарлар ёруғдан қочган кўршапалакдай бурчак-бурчакда кўрқиб-пусиб юриб колхозга қарши куракда турмайдиган бўҳтонларни биқситсалар, ўз порлоқ истиқболларини колхозда кўрган камбағал-бағрак деҳқонлар ҳамма жойда колхоз номини жони кириб тилга олар, унинг меҳнаткашларга келтирадиган афзалликларини овоза қилар эдилар. Уларнинг беш-ўнтаси бир ерга тўпланиб қолса ўртадаги гап колхоз тўғрисидаги муҳокамага айланиб кетаберар: қайси қишлоқда қандай колхоз тузилгани, қандай ерларнинг бирлаштирилгани, қайси қишлоққа трактор чиққани, колхоз бўлганларга ҳукуматнинг қандай ёрдам ва имтиёзлар бераётгани тўғрисида билган ва эшитганларини жуда қизиқишиб сўзлашар эдилар.

Кунлардан бир куни ўнбеш чақиримча тубандаги Жартепа деган бир қишлоқда тузилган артелнинг даласига трактор чиққани тўғрисида овоза тарқалди. Бунини эшитган Мелиполвон блан Давлатёр бирқанча ёш-ялангларни эргаштириб, атайлаб қидириб бориб, худди Москвани кўриб келишгандай ҳовлиқишиб қайтдилар ва кечқурун катталар ўқиши маҳалида, тракторнинг ҳечбир от-улов ёрдамисиз ерни ўпириб тез ҳайдаётгани тўғрисида ўз кўзлари блан кўрганларини ҳикоя қилиб, ҳаммани ўз

оғизларига қаратдилар. Сўнггидан улар муаллим Холмуроддан колхоз тузиш учун район идораларига ариза ёзиб беришни сўрадилар. Холмурод ариза ёзиш, балки колхоз бўлишни истаган камбағалларнинг мажлисини ўтказиб қарор қабул қилиш ва қарорни район идораларига олиб бориш лозим бўлишини уқтирди.

Холмурод бу кунларда шароит талаб қилганича кўпроқ сиёсий-оммавий ишлар билан машғул бўлар, ўз қўли остидаги С/Б мактабининг қандай қилиб колхоз қурилиши тўғрисида сиёсий машғулотга айланиб кетганини ўзи сезмай ҳам қолар эди. У шу муносабат билан тунлари сиёсий мутолаага берилди. XV партс'езд қарорлари, ўртоқ Сталиннинг деҳқонлар, қишлоқ хўжалигини реконструкциялаш, партия ичидаги „ўн“ ва „сўл“ оқимлар тўғрисидаги нутқ ва мақолаларини бутун зеҳнини бериб ўқиди. Ба'зибир жойларини дафтарга ёзиб олди. Чунки одамлар ундан ишонч билан бу тўғрида сўрарлар, турли хил саволлар берар, у эса уларга партия тили билан аниқ ва очиқ жавоб бериши лозим эди. Бунинг устига унинг ўзи ҳам бу масалалар билан машғул бўлганига ниҳоят хурсанд бўлди, фикри равшанлашди, одамзодни порлоқ келажакка бошлаган партиянинг сиёсати, донишмандлигининг моҳиятини англаб, ундан илҳомланди, ғайратланди.

Бир гал машғулот вақтида:

— Колхоздан мақсад ҳаммани бир текис қилишми? — деб сўрадилар.

— Ҳа, бойларни, я'ни кишининг-киши кучидан фойдаланишини йўқ қилиш... — деб жавоб берди Холмурод.

— Агар муддао қулоқни, бойни йўқ қилиб, камбағал-батракларни кўтариб ҳаммани бир текис қилиш бўлса — деб яна донолик қилди савол беручи, — ери йўққа ер берсин, ери камга ер қўшсин, кўпникини қирқсин, бир хўкизликни икки қилсин, учталиқнинг бирини олсин... Нега ҳамманинг бошини бир ерга...

Холмурод унинг бутун мақсадини англаб туриб айтди:

— Барибир Алихўжа-Хўжаали!

— Қандай Алихўжа-Хўжаали? — деб сўрадилар деҳқонлар.

Холмурод Ленин ва Сталин сўзларидан мисоллар келтириб бунинг сабабини тушунтириб берди:

— Хўш, энди ҳалиги текисланган деҳқонлар қачонгача бир текис бўлиб яшайолади? Ойлар, йиллар ўта-ўта, бирисиники тагин камаяди, бирисиники кўпаяди, бориб-бориб бириси бутунлай бой бўлиб, бириси бутунлай йўқ бўлиб кетади. Орада яна камбағал, ўрта ҳол, муштумзўр деган гаплар келиб чиқади. Батрак, камбағал яна қулоқ эшигига хизматга келади. Ана, Алихўжа-Хўжаали эканми? Партиямизнинг сиёсати мамлакатимизни, меҳнаткашлар оммасини киши кучидан фойдаланучи қулоқлар, бойлар, капиталистлар жўжа очишига макон бўлишидан қутқазиш — меҳнаткашларни эзилишдан, қийналишдан, йўқчиликдан қутқазиш...

— Омон бўлинг, ука! Бу фикрни ўйлаб чиқарганга минг раҳмат, донишманднинг донишманди экан... Қани тезроқ колхозни тузайлик. Тракторни берсин! — деган товушлар эшитилди.

Шох тутнинг унгур ўчоқни тўлдириб ловуллаётган ёлқини қорайган кўча томонга жимир-жимир шу'ла ташлайди. Ўчоқ ёнида бири тик турган ва яна бири қозонга томон букчайган одамнинг гавдаси кўринади.

Бу Ҳайдарбойнинг машҳур чойхонаси бўлиб, ҳаво исиб ва чойхўрлар кўпайиб кетган пайтларда, чойни ташқарида, катта туника бақда қайнатилар эди. Токчадаги битта кичкина чироғ блан ёритилган ичкари эса бир-бирини йўқлашиб келган улфатлар блан тўлган эди. Чироғ қўйилган такчага яқин ерда Абдурасул, Алимқул ва яна бошқа совет ходимлари ўтирар эдилар...

Холмурад кириб келди. Ҳамма ўрнидан кўзғалиб, уни ўз ёнига таклиф қилди. Лекин Холмурад юқорига, Абдурасул ёнига ўтиб ўтирди.

Холмурад бундай жойларга қуруқ келмас эди. У бу гал ҳам ҳарқачангидай, газеталар ва меҳнаткашларнинг душманларини яхшилаб масхара қилиб савалайдиган ва ранг-баранг, кулгили суратлар блан тўлиб чиқадиган „Муштум“ журналинини қўйнига тиқиб келган эди. Буни кўрганларнинг вақти чоғ бўлиб кетди. Дарров совет идорасидан, одатда мажлияларда ёқиладиган қирқинчи чироқни олиб келиб ёқдилар. Ўткур ёруғдан уйнинг қоп-қора тўсун ёғочлари ялтиради.

Холмурад газетадан бир мақолани ўқийбошлади, гап совет ҳукуматининг камбағал деҳқонларга ғамхўрлиги ва уларнинг манфати йўлида тутган сиёсати тўғрисида борар эди.

Мақолани ўқиб бўлиши блан, Абдурасул офтоб тобида қизариб, меҳнат кучи блан пишиққан кишиларни кўздан кечириб чиқди-да, сўнг Холмурадга гўё унинг ўқиганларидан хулоса чиқаргандек гапирди:

— Бу ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам советнинг даргоҳида қаддини ростлаб олган кишилар. Бўлмаса ҳаммасининг устида қирқ ямоқ тўн, егани зоғора, ичгани жийда пўстлоқ чой эди. Кўпи советдан ер олиб ўз бошига деҳқон бўлиб олди. Ба'зи бировга қарол юрадиган, шерикчилик қиладиган кам қувватлари бўлса яна ҳаққини таниб олган, — деди ва яна одамларга қараб; баланд овоз блан айтди: — Эсларингиздами? Қўш қулогини ушламайдиган, офтобда кетман чопмайдиган Олахўжа блан Зокирхўжа қассоблар гилам устида ўтирганда, биз ўтиришга бўйра ҳам тополмас эдик. Улар палов еб, тишини кавлаганда, биз тишимизнинг сувини сўриб ўчоқ олдида ҳўл чоригимизни қуритар эдик. Бир парча нон устида кўзларингиз лўқ эди. Эсларингиздами?

— Эсимизда, эсимизда! — дейишдилар одамлар.

— Шундай ўртоқлар, — деди Абдурасул овозини баландлатиб, — ҳаммангиз камбағал, кўпчилигингиз, ҳалиги, айтгандай, қипяланг'оч эдингиз. Энди, советнинг ғамхўрлигида туппа-тузук бўлишиб қолдингиз. Лекин ҳали ҳам ўз-ўзингизга ишонадиганингиз кам. Орангизда „фалончи яна бойиб кетаётибди, менинг қўлимдан бугун эчки кетди, эрта-индин сизгир кетса... Кейин

нима бўлдим?.. Яна фалончининг эшигига бориб, бўйин эгиб турмасам гўрга эди“ деб ваҳимада юрганлар ҳам бор.

— Бор, бор-деган овозлар эшитилди.

— Бас, шундай экан,— деди Абдурасул,— яна тагин шу даққи юнусдан қолган йўлда гафлат босиб юраберамизми, ёки Ленин партиясининг чақиригига „лаббай“ деб, белни маҳкам боғлаб, билакни шимариб колхоз тузамизми? Қани мана шу ерда очик муддаони айтишлар!

Мелиполвон ўтирган ерида тўлғаниб айтди:

— Битта жонимизни партия йўлига тикиб қўйганмиз, қани, ҳаммадан олдин мени ёзинг колхозга. Иш уловдан пешанада бори бир кўк наввос.

— Мени ёзинг,— деди Сотволди.— Бир ҳўкиз, кейин омов бўйинтуруқ, тиркиш-хомути блан...

Яна бирнеча шу хилдаги овозлар эшитилди.

Нариги бурчакдан бир овоз чиқди. Оқ пўстинли у қора одам сўради:

— Тушунмаганимизни сўрасак бўладими?

— Хўш, Турғунбой ака, нима гап ўзи?— деб сўради Абдурасул бурчакка тикилиб.

— Колхоз бўлгандан кейин от-улов ўз эгасининг қўлида қолаберадимикан, ё батамом ўртага қўйиладимикан?

— Ие,— деди Абдурасул ажабсиниб,— қап-катта одам ёш боланинг галини қиласиз-а. Шунча вақтдан бери қулоғингизга карнай чалаётибмизми? Албатта иш улов ўртага қўйилади-да!

— Ундай бўлса мени қўйинглар,— деди Турғунбой ва ўрнидан туриб эшикка интилди.

— Ҳай-ҳай, шунча одамга орқангизни ўгириб, хосиятсиз иш қилманг!— дейишди одамлар.

Турғунбой тингламади. Эшик олдида гудурлаб гапирди:

— Пешанага битган битта ёлғиз-қорақ от эди. Уни ҳам ўртага қўяйми? Майли, ўзларинг колхоз бўлаберинглар, мени қишлоқдан кўчиб кет десаларинг, ана, кўчибоқ кетаёй,— деди-да қўлини силтаб жўнади.

Сотиволди уни сўкиб қолди:

— Ҳа, тутуни булуткўрмаган нокас. Сенинг отанг шундай кўримсоқ эди.

Эшик олдида одамлар орасига тикилиб, Бозорбой ҳам ўтирган экан. Уҳам ўзича гудурлаб қўйди:

— Ҳа, худо берган молини ким ўртага ташлагиси келади. Мол аччиғи-жон аччиғи.

Абдурасулнинг аччиғи келди, Бозорбойни койиб ташлади:

— Ҳой, Бозорбой, сен нима қилиб ўтирибсан бу ерда ука, қани, тур-тур ўрнингдан, жўна тез!

— Ҳа, қаёққа чиқаман. Мен ҳам камбағал!

— Камбағал бўлсанг ҳам колхозга қўш ҳайдаб бермай қўёқа! Қани бўл, жўна яхшиликча!..

— Чиқ дегандан кейин, чиқ-да!— дейишди бошқалар ҳам.

Бозорбой зўрга ўрнидан кўтарилди.

— Ла'нати гап ўгриси, — деди Мелиполвоц.

Ўзининг чегалатилган турли хил чойнаклариди ташқаридан ичкарига югуриб-елиб, чой ташиб юрган Ҳайдарбой чойхона олдида бир отличининг отдан тушаётганини хабар қилди.

Абдурасул тайинлади:

— Бегона бўлса киргизманг, мажлис бўлаётибди, денг!

Ҳайдарбой эшикдан чиқар-чиқмас яна ҳовлиқиб ичкари кирдида, шапалоқларини оғзига карнай қилиб ва овозини пастлатиб малум қилди:

— Райком экан!

Абдурасул ўрнидан ирғиб турди. Қолганлар ҳам ўринларидан кўтарилдилар.

Кундуз телпакни бошининг бир томонига бостириброқ кийган, қора чарм тўнлик, чоғроқ гавдалик, ўттиз ёшлардаги биров кириб келиб, чойхонани зич тўлдирган одамлар блан бирма-бир астайидил қўл қисиишиб кўришакетди. Барча катта-кичик блан бир текис кўришиб бўлиб, яна бирортасининг кўнгли ўксиб қолмасин дегандек, ёни-верига қаради-да:

— Қани ўтиринглар, — деди.

Абдурасул блан Холмурод уни ўз ўрталарига таклиф қилдилар.

Бу қора тўри қозли, очиқ чеҳрали йигит ўзининг ихчам ва серғайрат қадди-қомати блан ҳам, номи блан ҳам, бутун районнинг катта-кичигига танилган эди. Ҳатто унинг қачон, қайси темир йул депосидан кўтарилганини, ундан кейин Москвада неча йил ўқиб қайтганини ҳам билар эдилар. Унинг блан тўғридан-тўғри муомалада бўлмайдиганлар, уни „райком“, „райком Мавлонов“ деган „унвоилар“ блан атасалар, яқинроқ ва кўпроқ муомалада бўладиганлар „ўртоқ Мавлонов“ ёки „Жўравой ака“ деб атар эдилар. Тўғри айтганда бу киши районнинг жойкуяр сиёсий раҳбари, район партия комитетининг секретари эди.

Абдурасул районга ҳарбир тушганида худди шу одамнинг олдида бўлиб, унга ўз ишидан ҳисоб берар, сўнгида унинг та'лимини олиб, „ўз қишлоғига қайтар, одамлар блан муносабатда худди шу одамга ўхшаб сўзламоқчи, бировга гап уқтирса худди шу одамга ўхшаб салмоқлаб гапириш блан бирга муштларини қаттиқ тугиб, қўлларини ўйнатиб кўяр эди.

Мавлонов ўтириши блан Ҳайдарбой шошилиб, бир чойнак чой блан пиёла келтириб унинг олдида алоҳида қўйди-да хушмам блан та'зим қилиб деди:

— Хуш келибсиз, энди муллака... Кўнгилининг яқинлигини қаранг! Сиз қаёқда эдингиз, биз қаёқда эдик... сиз келсангиз худди акамиз ё укамиз келгандек хурсанд бўламиз...

Абдурасул чойнакни ўз олдида олиб чойни қайтаради.

Юзи ва бўйинларини қариллик тиришлари қоплаган қувноқ ва қотма Юсуфали ота Ҳайдарбой бошлаган гапни давом этдирди:

— Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш...

Иккинчи томондан Сотволдининг овози чиқди:

— Ҳамма гап кўнгилининг яқинлигида... Кўнгилингида бўлмаса минг мартаба кўришинг, барибир, юлдузингиз сира тўғри

келмайди. Кўнгилингизда бўлса дун'ёнинг нариги бурчагидаги блан ҳам топишиб кетаберасиз...

Мавлонов, бу гапларни, индамайгина чой хўплаб ва ора-срама'қуллаш ишорасида бошини қимирлатиб ўтириб тинглади. Охири қўлтумни хўплади-да пиёлани Абдурасулга қайтарди.

— Хўш, нима қилаётибсизлар? — деб сўради-да мулойим жилмайиш блан ёни-верига қаради.

— Колхоз тузаётибмиз, ўртоқ Мавлонов, — деди Абдурасул.

— Балли, балли! Хўш, қандай қилиб тузаётибсизлар колхозни, қани? — деди-да, яна ўшандай очиқ чеҳра блан ҳамма одамларга тез кўз югуртиб чиқди.

— Мана хоҳлаганларнинг рўйхатини олаётибмиз, — деди Абдурасул ва боши блан Алимқулнинг қўлидаги рўйхатга ишора қилди.

Мавлоновнинг жилмайган чиройлик юзида энди жиддийлик пайдо бўлди. Салмоқлаб гапирди:

— Рўйхат қилиш осон, рўйхат ҳарқачон бўлаверади. Ахир, одамларга колхоз тушишдан мақсад нималигини тушунтирилганми?

— Жуда тушунтирилган. Мана ўзлари айтсин, — деб Абдурасул ўтирганларга қаради. — Ўзлари тез бўл, деб қўйишмаёпти. Ҳаммаси тушуниб олган тоза!

— Тушунганмиз, тушунганмиз! — дейишди ҳархил овозлар.

— Тушунишга тушунганмиз, — деб такрорлади Мелиполвон, — лекин бизга шунисини айтсангиз райком ака: бизнинг бу ерларга қачон трактор чиқар экан?

— Аввал колхоз тузиб, ерларни белгилаб олинларчи, тракторга умумлашган катта ер керак-да...

— Сиздан яна бир сўроқ райком ака, — деди Сотиволди, — колхозга қўшчўнтаклар ҳам кираверармикан?

— Масалан?

— Масалан, ўзининг икки қўли чўнтагида-ю, меҳнатни бировга қилдирадиганлар...

— Ана, кўрдингизми? Нима деяпти бу ўртоғимиз? — деб райком юзини Абдурасулга ўгирди, — худди мана шу масалада эҳтиёт бўлиш керак, — деди ва яна Сотиволдига тўғри қараб қаттиқ овоз блан жавоб берди:

— Йўқ, колхозга қўшчўнтаклар асло яқин йўламаслиги керак. Колхозга фақат ўз пешонасининг терини тўкиб, ўз билагининг кучи блан ишлайдиганларгина киради. Йилдан-йил кўп-кўп пахта ҳосили олиб, совет мамлакатини бой ва бақувват қиламан, деган мардлар киради. Тушундингизми?

— Бунисини тушундим. Энди яна битта тушунмаган жойим бор, — деди Сотиволди.

— Хўш?

— Тушунмаган жойим шуки, қани, сиз тракторга катта ерлар керак дедингиз. Энди, ҳалиги колхозга кирмайдиган қўш чўнтакларнинг ери умумлашган ерларнинг ўртасида янги чопонга тушган эски ямоқдай олатўғаноқ бўлиб турса, унда қандай бўлади?

— Ҳа, бундан келинг, трактор қўш эмаски, бир ердан бир

ерга учиб ўтса, чигиртка эмаски сакраб юрса. Бас трактор бундай ерларнинг увот ва марзаларини, деволларини пайхон қилиб ўлириб кетаверади-да. Демак, трактор тушган ер колхозники бўлади. Хўш, қўшчўнтакларнинг ўзларига келсак, улар ҳам оч-яланғоч қолишмас. Пешонадан тер чиқариб тирикчилик қилиш йўлини кўрсатармиз, ахир. Хўш, яна нима гап?

Бошқа саволлар бўлмагач Мавланов яна Абдуракулга тайинлади:

— Шундай, колхоз тузишдан илгари одамларга яхшилаб тушунтиринглар. Мақсад давлатга кўп-кўп оқ олтин бериш эканини тушунтиринглар. Ундан кейин колхозни бундай бетартиб тузманглар, ахир. Аввал, правление сайлаш керак, сўнгра ҳарбир киши колхозга нима мақсадда, қанча ер, қандай от-уловлар, қандай асбоб-анжомлар блан кираётганини кўрсатиб ариза бериш, ахир...

— Яхши ўртоқ Мавлонов, энди шундай қиламиз, эртага мажлисни бошқатдан қиламиз, — деди Абдуракул.

— Ҳа, шундай бўлсин. Мажлисни катта қилинглари. Қани аёллар? Аёлларни ҳам чақириш керак, балки ёрдам учун райондан одам ҳам чақирармиз...

Райком шу хилдаги бирқанча йўл-йўриқлардан кейин ўрнидан турди. У кунни бўйи худди шу муҳим масала юзасидан қишлоқларни айланиб, энди районга қайтаётган экан. Бирқанчалари уни ўзатишиб ташқарига чиқдилар. Тим қоронғу ташқарида, отга томон бораётиб, Мавлонов Холмуроднинг қўлтиғидан тутди-да:

— Қалай, ўртоқ муаллим, қийналмасдан юрибсизми? Муҳтожлик кўраётганингиз йўқми? Менинг айтганларимни қилаётибдиларми? — деб бирдан сўраб қолди.

Холмурод саволларнинг мазмунини дарров англаб, раҳбарнинг бунчалик одампарварлиги ва зийраклигидан жуда қойил бўлди: Мавлонов янги мактаб очилган кезларда тўсатдан синфга кириб келган ва орқадаги бир партага ўтириб, Холмуроднинг дарс бериш методига зеҳн солган, дарсдан кейин Холмурод блан анча суҳбатлашиб, унинг қаерда ётиб, қандай кун кечираётгани тўғрисида жуда одамшавандалик блан сўраб-суриштирган, сўнгра совет раиси Тожибоевни чақириб:

— „Муаллим уйма-уй юриб меҳмондорчилик блан кун кечираолмайди, оқсоқол. Бу кишининг турадиган жойига эрталаб сутқаймоқ, тушда иссиқ овқат етказиб бериб турилсин“ — деб қаттиқ тайинлаб кетган эди.

Мана энди, орадан қанча вақтлар ўтгандан кейин райком секретари яна ўша бир кичкина масалани эсга олиб, ўз буйруғининг қандай бажарилганини суриштирмоқда эди.

— Э'тиборингиз учун жуда раҳмат, ўртоқ Мавлонов, аҳволим кўнглидагидан ҳам зиёда, — деди Холмурод.

Мавлонов ўзини ўзатиб чиққанларнинг ҳаммаси блан иссиқ-иссиқ хайрлашди-да отга минди.

Унинг кўк йўрғаси қоронгини ёриб сузабошлади. Холмурод унинг кўк от устига қуйиб қўйилгандай коматига жуда муҳаббат

блан тикилиб: „ҳар қанча ҳурматга сазовор асл большевик мана шу...“ деб кўнглидан кечирди.

Эртаси кун иш қайтадан бошланиб, Қамишқапада биринчи мартаба қирқ беш хўжалиқдан иборат „Олтин қадам“ номида колхоз тузилди. Абдурасул правленияга раис қилиб сайланди. Холмурод колхозчиларнинг мажлис қарорларини жуда чиройлик ифодалар блан ёзиб берди.

Қатор-қатор турналар кўм-кўк осмонда қағиллашиб, шимолга учиб ўтабошлаган кезларда, „Олтин қадам“ саккиз қўш блан Қамишқапанинг ғарбидаги Чорвоқ даласига, шарқдаги бўзликка ва лолмикор адрга қўш чиқарди.

Бу ерлар қадимда Мадамин блан Олахўжабойга қарашли эди. Юз йиллар давомида кўп кишиларни қон қақшатган бой ота-боболар давлатининг асоси бўлган бу ерларнинг анчаси совет замонида ўтказилган ер ислоҳатида батрак-камбағалларга бўлиб берилган бўлса ҳам, ўзини „асл совет дўсти ҳисоблаган“ Мадамин блан Олахўжа бу ерлардан сра умид узгиси келмас эди. Бу ерларни ҳар кўрган сайин уларнинг кўнгли орзиқиб, кўзлари камашар эди.

XII

Эски ота-боболар расмига мувофиқ эрга берилиб, бир марта ба ҳақорат қилинган ва шу туфайли дилида хўрлик аламининг ҳеч ўчмас тамғаси қолган Гулсум, энди, ўзига тамом бир бошқа ҳаёт йўлини қидиради. У шаҳарга кетишни, кишининг дилини, ақлини, юриш-туришини тамом бўлакча қилиб қўядиган мактабда ўқишни истарди. Броқ у ўзига ёрдамчи тополмасди.

У ҳар вақт отаси бозорга кетган боладай узоқ йўлга телмурарди. Шаҳардан чиққан ҳарбир янги формалик одам унда бе-ниҳоя қувонч туғдиради. У бундай одамларга ўз дардини очиб ҳасрат қилишни, ундан ўзига ёрдам сўрашни истайди. Ҳарбир формалик кимсани ҳукумат одами деб ўйлаб, унга ўз акасидай ишонч ва самимият блан қарайди. Броқ, қишлоққа ундай одамлардан кўпи келиб-кетар, унинг дарди эса ичида қолаберар, Гулсум уларга яқинлашаолмас, гўё орани қандайдир пахса деволлар тўсиб турарди.

Агар у янглишмаса ўз кўнглидаги кимсани энди топди. У муаллим Холмурод эди. Гулсум унинг биринчи келган кунларида-ноқ унга катта умид блан қаради. Броқ, у ўз умиди ва дардини ўз дилида маҳкам сақлади. У, ўз тилагини фақат муаллимнинг ўзига айтишни истар, броқ бунга қулай бир пайт топмасди. Холмурод унинг хаёлидан кетмас, унинг тўғрисида доим ўйлар, уни ҳарвақт кўришни истарди. Унинг мактабга ўтиш ва қайтиш пайтларида дам-бадам эшик тирқишидан мўралар эди. У кўпинча Холмуродни кўрар, Холмурод эса уни кўрмасди. Гулсум, энди, дастлабки кунлардагидек унга эшикни барала очиб қарашга жур'ат қилолмас, нечикдир, ундан уяладиган бўлиб қолган эди. Унинг блан яккама-якка куришиб, сўзлашмоқчи бўлар, лекин бунга қандай эришишга ҳам ақли етмасди.

Яхши кунларнинг бирида унинг онаси бир ёққа кетди. Уйда ёлғиз қолган Гулсум ҳовли эшигидан тез-тез мўралаб Холмуроднинг қайтишини кутабошлади. Агар у ёлғиз узи ўтса эшикни очиб қарамоқчи, агар эвини топса уйга таклиф қилиб чой қуйиб бермоқчи бўлди, чунки онаси кўшни қишлоқдаги қариндошлариникига кетган бўлиб, ҳали-вери қайтмас эди.

Ана, худди тилакдагидай, Холмурод кўчадан ёлғиз ўтаберди. Гулсум секингина эшикни очиб, бошини чиқарди.

— Ҳорманг, энди қайтаётибсизми? — деди Гулсум.

— Ҳа, бор бўлинг, ойим қиз, — деди Холмурод ва тўхталди. — Ўз ишларингиз қалай, ҳеч кўринмайсиз?

— Чарчагандирсиз, — деди Гулсум ва уни уйга таклиф қилишдан илгари бўйини чўзиб, кўчанинг ўёқ-буёғига кўз югуртган эдики, маҳкама олдида Тожибой оқсоқолнинг кеккайиб ба'зур тамоша қилиб турганини кўриб капалаги учди. „Вой қуриб кет!“ деб ўзини ичкарига тортиб, эшикни ёпиб олди.

Холмурод кўпдан муддао қилинган ва лекин эндигина бошланган музокарага мони бўлган Тожибойдан кўп хафа бўлиб, йўлида давом этди. Унинг ҳам Гулсумга жазмандлиги тўғрисидаги гапларни ўйлаб табиати яна ҳам хира бўлди.

Чиндан ҳам Тожибойнинг уч болалик ўз хотинини қўйиб юбориб, Гулсумга уйланиш тилагида эканини сўзлар эдилар. Шу муносабат блан унинг ҳар замонда ойнага тикилиб, мўйчинак блан сочи ва мўйловига тушган оқларни теришга киришгани бутун қишлоқда ҳангама эди. Оқсоқол устида фақат шу жиҳатдангина эмас, бошқа жиҳатлардан ҳам гаплар бўлиб турарди. Тожибой блан Абдурасул ўртасида яширин душманлик борлиги, лекин улар бу душманликни бир-бирларига билдирмай, пайт пойлашиб юришганини ҳам сўзлашар эдилар. Тожибой камбағаллардан чиққан бўлса ҳам барибир, бой тоғаси Олахўжага тортар. унинг дастурхони устида тиз чўкиб, у блан ҳамтовоқлик қиларди. Абдурасул уни худди шу жиҳатдан ёмон кўрар, бир иложини топиб уни ишдан кўтариб ташлаш фикрини кўнглига тугиб юрарди. Аммо Тожибой Абдурасулни сра менсимасди. У ўринли-ўринсиз: „менинг фуқорам“, „бу халойиқнинг боши мен бўламан“ дейиш блан ўз-даражасининг ҳаммадан баланд эканини ифодаламоқчи бўларди. Икки орадаги зиддиятни яхши фаҳмлаган Олахўжа каби одамлар эса: „Қайсибири катта: райисполкомми, райкомми?“ — деган масалани муҳокама қилиш блан анча бош қотирдилар.

Сўнгги вақтларда ба'зи бировлар унинг номини бир-бирларига „Гулдургуф“ деб ишора қиладиган бўлиб қолдилар. Шундай қилиб Тожибой оқсоқол тобора турли хил гапларнинг умумий нишони бўлмоқда ва унга нисбатан жамоатнинг фикри кун сайин ўзгармоқда эди.

Тожибой, Холмурод блан Гулсумнинг бир-бирларига имо-ишора қилишганларини кўрди. Албатта бу нарса унинг айниқса кайфи бор бир чоқда жоҳилона туйғуларини қитиқлади. „Кимсан — Тожибой оқсоқол!“ бўлиб туриб, шундай бир ҳурлиқони бегонага

илдириб қараб қолаберадими? Йўқ, бу қишлоқда унинг пўлини ҳечким кесиб ўтаолмаслиги, ҳарким унга бўйсунмоғи, унинг айтганини қилмоғи керак... Холмурод муйлишдан бурилиб кетиши блан, Тожибой катта-катта босиб, тўппа-тўғри Гулсумнинг эшигига келди.

Гулсум ҳовли эшигининг занжирини илмаган эди. Тожибой оқсоқол эшикни очиб тўппа-тўғри кириб келаберди. Ҳарқандай жойга сўрамай-нетмай кириб боравериш оқсоқолга одат бўлиб қолган эди.

Гулсум ичкари уйда эди. Оқсоқолни кўриб унинг қути ўчди. Ичкари кирмасин деб югуриб эшик олдига чиқиб кўндаланг турди. Чунки у оқсоқолнинг вақт-бевақт ичиб юриши ва ҳатто ташналик чоғида ўз хотинининг машина қутисида бекитиб юрган бир шиша атирини ҳам ичиб қўйганини эшитган эди. Шунингдек унинг, айниқса ичиб олгандан кейин ба'зибир қиз-жувонларга тегишиб, билагидан ушламоққа кўп ишқибоз эканини билар ва шунинг учун ҳам унинг қорасидан кўрқиб доим қочиб юрар эди. Мана кириб келди фалокат!

— Ойим уйда йўқлар, — деди Гулсум, эшикни қия ёпиб.

Оқсоқол парво қилмай гапирди:

— Бай, бай!.. Юрак куйиб кетди. Бир пиёла муздак сувдан борми?

Гулсум югуриб ошхонага кирди ва бир пиёла муздек сув олиб чиқди.

Тожибой пиёлани икки қўллаб тутди-да сувни смирди. Пиёлани қайтарди, лекин ўзи орқасига қайтмай яна ичкарига интилди.

— Онангиз бўлмаса ўзингизда, жонидан, — деди Тожибой, — қани ичкари кирайликчи. Гап бор!

Гулсум ҳовли юзида туриб қолди:

— Гапингизни онамга айтарсиз. Мен сиз блан гаплашаолмайман, — деди у ва ўзини четга тортди.

Тожибой қайтиб бориб Гулсумнинг билагидан тутиб ичкарига тортди.

— Э, от тепсин сени, онанг бўлса ичкари кир экану, булмаса йўқ экан-да!

Унинг кўзлари бежо, кайфи зўр эди. Гулсумнинг бутун вужуди титради.

— Қўйиб юборинг, қўйиб юборинг, бўлмаса „дод!“ дейман, — деди у йиғламсираб ва бор кучи блан тиришиб оқсоқолнинг қўлидан бир амаллаб билагини бўшатдию ҳовли эшигига томон қочди. Ҳовли эшигидан чиқаётиб: — „ҳозир муаллимнинг олдига бораман. Ҳаммасини айтаман... ариза ёздираман. Бунима қилиқ... Шундай иш оқсоқолдек одамга муносиб эканми?“ дея ўз-ўзича гапирди. Шундай қат'ийи фикрлар блан Холмурод турадиган ҳовлига қараб югураберди. Бўлган воқияни унга арз қилмоқчи, ҳасрат қилмоқчи, йиғламоқчи бўлди. Броқ унинг ҳужрасига кириб, рўпарасига ўтиргач арзини айталмай қолди. Фақат юзини пастга қилиб йиғлайберди.

Холмурод унинг кутилмаган равишда кириб келишидан ва негадир йиғлай беришидан ҳаяжон ичида қолди. Ўрнидан туриб бориб, унинг елкасига қўлини қўйди-да, қандайдир хушбўй совун ҳиди келаётган чиройлик юзига яқин энгашиб сўради:

— Нима бўлди сизга, онангиз урушдими? Нега йиғлайсиз?

— Мен бахти қораман, — деди Гулсум пих-пих йиғлаб.

Холмурод унинг бу гапни нима учун айтганини фаҳмлаб олди. У, бу гап блан ўз бошидан ўтган эрга берилиш можаросини ишора қилмоқчи эди.

— Нега ундай дейсиз, қўйинг йиғламанг, — деди Холмурод ва краватга ўтиб ўтирди-да яна сўради, — хўш, нима гап ўзи?

Гулсум ўзини хийла босиб олиб гапирди:

— Сизга айтадиган бир гапим бор эди.

— Ҳа, — деди Холмурод, — айтгандай, менга бир гап айтмоқчи бўласизку, лекин айтмайсиз. Нима гап экан ўзи? Қани? Мен сизнинг ўша айтмоқчи бўлганингизни эшитгим келади.

— Гапим шуки, — деди Гулсум ерга қараган куйи, — мен сизнинг қиёматлик синглингиз бўлай, сиз менинг акам бўлинг. Нимаики юмушингиз бўлса қилай. Фақат сиз шаҳар қайтганингизда мени ҳам олиб кетинг. Аёллар ўқийдиган мактабга жойлаб қўйинг. Менинг айтадиган гапим шу...

Холмурод ҳаяжон ичида яна ўрнидан турди-да букчайиб столга эгилиб ўтирган Гулсумнинг ёнига борди. Қўлини унинг елкасига қўйди ва юзини унинг қулоғига яқин олиб бориб:

— Ҳеч хафа бўлманг, ҳеч... — деди ва шу вақт кимдир бировнинг ҳовлида қаҳиллаб нос тупуриб келаётганини эшитиб сесканиб тушди ва бошини кўтарди. Гулсум ирғиб ўрнидан турди ва эшикдан кириб келган оқсоқолнинг ёнидан лип этиб ўтиб, ташқарига чиқиб кетди. Тожибой унга бир кўз олайтириб қараб олди. Холмурод бу кишининг ҳам бемаҳалда тўсатдан кириб келишидан ҳайрон ва хижолатда қолди. Ҳатто, ғализ гаплар чиқмаса эди, деб чўчиди. Курси кўрсатиб оқсоқолни ўтиришга таклиф қилди.

— Нима дейди ҳалиги? — деб сўради Тожибой курсига ўтираётиб.

— Ҳечнарс дегани йўқ, ўзи эндигина кириб турган эди, — деб жавоб берди Холмурод.

Тожибой бир энтикиб енгилгина нафас олди ва жилмайиб туриб деди:

— Сизни шунга уйлантириб қўяйми. Ўзи ҳам паридек жувонда. Ўзи сизга ошиқ бўлиб қолганга ўхшайди.

— Йўғе, — деди Холмурод қизариб.

— Ўзичи, эй, — деди оқсоқол секингина сирли овоз блан пичирлаб, — бир эрга тегиб чиққан бўлса ҳам қиз... ҳе-хе... ҳе... Бунинг тарихини мен яхши биламан!

Холмурод унинг гапларини эшитишга тоқат қилаолмай ёни-верига аланглаб ва ўрнидан туриб, китоблар тахлаган такча олдига борди.

Тожибойнинг бу уйга Холмурод келгандан бери биринчи кириши эди. Гулсум туфайли бирар нарсадан хавотирланмаса бугун ҳам келмас эди. Унинг кўзи такчалардаги тахлоғлиқ китобларга тушди ва тангирқаб сўради:

— Шунча китоб бир ўзингизникими?

— Ҳа... — деди Холмурод.

— Барисини ўқуйсизми?

— Албатта.

— Бир ўзингиз-а?

— Бўлмаса-чи.

Оқсоқол бошини чайқади.

— Айтганча нега сиз ўқишга қатнамайсиз? — деб сўради Холмурод.

— Ўзингиз биласиз! — деди Тожибой. — Узимга яраша обруйим, мансабим бор, энди уларнинг орасига кириб — „сен-мен“ қилиб, юрсам тўғри келадими?.. Туни қўлилгиз бўшаганда хоҳланг меникида, хоҳланг бошқа жойда... Ишқилиб эл-юртдан холироқ жойда ўқитмасангиз ўқий олмайман...

Холмурод, шундай бир одам блан камтарлик тўғрисида мунозара қилиб ўтиришни ма'носиз санади. Шундай бўлса ҳам нақадар кибр ва гурур одамнинг ўз олдида, энди нечикдир, бўшашиб қолганини кўриб мамнун бўлди, яхшиликча жавоб беришга тиришиб деди:

— Агар ундай бўлса, мен сизникига қатнай олмайман... ўзингиз меникига келишингиз мумкин!..

Тожибой бунга рози бўлди, лекин „қўл тегмайди“ деган баҳона блан ва'дага вафо қилмади. Холмурод унинг ва'дага вафо қилмаганидан эмас, балки ўша куни, Гулсум блан бошланган суҳбатни икки мартаба бузганидан кўп хафа бўлиб юрди. Ўша бузилган суҳбатни қандай қилиб янгидан давом этдириш иложини ўйлайдиган бўлиб қолди. Гулсумнинг қай тариқа тўсатдан уйга кириб келганини, ўз қаршисида қай тарзда ўтирганини ширин-ширин хаёлдан кечирди. Нечук шундай бўлди? Нега у йиғлади?.. Яна бир кириб келсачи... Айтгандай, ўшанда нима дея бошлаган эди у? У, ўзини шаҳарга олиб кетишни аёллар мактабига жойлаб қўйишни сўради. Ажаб! Афсуски, Холмурод унга: „Жоним блан олиб кетаман, ўзим ўқишингизга ёрдам бераман“ деб жавоб беролмади. Оқсоқоли қўрғур ишни бузди. Энди, уни кўриб, гаплашган жойида худди шу айтолмай қолган жавобни баён қилиши керак... Агар уни шаҳарга олиб кетса, унинг ўқиб билимли бир аёл бўлишига ёрдам берса бунинг савобига ким етади. Хайрли бўлсин!

Холмурод шундай юксак фикрлар блан уни қулай бир шароитда учратиш иштиёқида маҳтал бўлиб юрди. Брок, кунлар ўтар, унинг тилаги рўёбга чиқмас эди. Гулсумни ҳечбир — на узоқдан, на яқиндан кўриб бўлмасди. „Нима яна? Оқсоқол амалидан фойдаланиб ишни пачава қилган бўлмаса яхши эди“ — деди Холмурод ўзича. Чиндан ҳам оқсоқол гарчи нодон бўлса ҳам жуда зўр ва ҳатто хатарли бўлиб туюлди. Совет замонида

Ўзини қадимги уруғ-аймоқчилик жамиятининг бошлиғидек ҳис қиладиган ва агар имкон берилса кичкина бир истибдодга айланиб кетаберадиган бир шахсдан нималар кутмаслик мумкин? Хотин қўйиб, хотин олиш писандми унга?

Бу фикрлар Холмуродни яна ҳам безовта қилди. У, бу тўғрида бирортаси блан маслаҳатлашмоқчи, унинг ёрдами блан Гулсумни ўз олдига чақиртирмоқчи ва уни Тожибой хавфига қарши пишиқтириб қўймоқчи бўлди. Брок, ўз дардини кимнинг олдига тўкишни билмади. Номус кучи голиб келди.

(Давоми бор).

ВЛАДИМИР МИЛЬЧАКОВ

ВАТАН

Мен солдатлар йиғлашин кўрдим неча бор,
Ўт кетган қишлоқлардан ўтган чоғида,
Кўз ёшидан бўларди баттар қасоскор.
Мунча кўп ёнган қишлоқ рус тупроғида!..

Ватаннинг чегараси муқаддас ўрин.
Ватанга фидо ҳаёт, жон аярди ким...
Жангда толиққан солдат ҳордиқдан бурхун
Брест тошларин олиб ўпганин кўрдим.

Мен кўрдим, яраланмиш Донбассли йигит,
Усти-боши қорақон ва тупуриб қон,
Қўлида, қўл деганим-ёнган парча эт,
Зўр блан сўнгги ўқин отди ёв томон.

Тўғри „Тигир“га тегди бориб сўнгги ўқ,
Нимжон, лекин, бехато урди... ўзи ҳам —
Қотди қурол ёнида, ортиқ ҳаёт йўқ,
Ғарбга боқарди сўнмиш очиқ қузи ҳам.

Учбор мина ўқидан тамом ярадор
Батальон командири, дардин ютиб жим,
Ўзини зўрға тутиб, ҳарқалай илк бор
Берлинга мардонавор кирганин кўрдим.

Бирга эдим фалокат пайтлари бутун,
Совуқда, ёнғинларда узун йўл ўтдим.
Муқаддас Ватан учун, Озодлик учун,
Ва ўқ тешган байроқлар учун йўл ўтдим.

Йўлимиз мушкул эди, ўлчаш ҳам мушкул,
Дўстларнинг қони ҳаққи — ичамиз қасам,
Ишонсин улуғ Ватан, ишонсин буткул,
Шу йўллардан ўтишга тайёرمىз ҳар дам...

МИРТЕМИР таржимаси.

СОДИҚ ҚАЛАНДАРОВ

БИЗ УРАЛДА

Повесть

Биринчи бўлим

I

Ёзнинг мусаффо бир тонги. Кўкдаги сўнгги юлдузлар ҳам сўниб, уфқ борган сари оқариб бормоқда.

Кичкина оқ уйдан айвонга югуриб чиққан қиз, ёруғликдан кўзи қамашгандай бирдан тўхтаб қолди. У, бошини салгина орқага ташлаб, кулимсираб, ҳаётбахш тонг музикасига қулоқ солгандай тикка турар; фақат қоп-қоро қошининг устию, қисилган кўзларигина хиял пирпирар эди.

Қиз, кўзлари ёруққа ўргангач, боққа томон синчиклаб қаради. Ҳовуз бўйидаги дарахтлар, эгилиб турган буталар ости ҳануз гира-шира эди. Дарахтлар орасидан боғнинг нариги тўридаги девори ва кичкинагина бир эшикча кўриниб турар эди. Девор орқасидаги дарахтларнинг бирида ғуррак ғуруллар эди. „Чақираяпти... шеригини чақираяпти...“ ўйлади ва қаердадир „тўп“ этиб узилиб тушган олмадан қиз чўчиб тушди. У, айвондан чопқиллаб тушди-да, йўргалаганича боққа кириб кетди. Қаршидан эсан тонг шабодаси атлас кўйлагини баданига ёпиштирди.

Қиз боғ ўртасидаги ҳовуз бўйига келиб тўхтади. Зумраддай тиниқ сувга қараб, унда ўз аксини кўрдию, жилмайиб қўйди. Сувга энгашди, икки ўрим сочи елкасидан ошиб тушди, учи сувга тегди. У сочини орқага ташлади-да, юз-қўлини ювди. Сўнгра барқут желаткасининг чўнтагидан оқ дастрўмолини олиб юзини артди ва супага ўтириб сочини тарари. У, сочини тарар экан, ҳалиги кичкина эшикчага, бир нарсадан ҳовлиққандай бирикки қараб қўйди. Қиз афтидан кимнидир кутар; кутган кишиси соч тараётгани устига келиб қолишидан шошилар, унинг буғдойранг бармоқлари қоп-қора сочлари орасида тез-тез қимирлар эди.

Ғуррак энди жуда ҳам яқинроқда, шафтоли дарахти устида

ғуриллар эди. Шу вақтда узилиб тушган икки, ёки уч донна шафтоли навдаларга ўрилиб-ўрилиб, ерга тушди. У, қип-қизил шафтолиларнинг зарб блан тушиб эзилиб кетганини кўриб ачинди. Лекин чиройли ва хуркак қушчани чўчитишга кўнгли бўлмади, қимирламади-ю, фақат кўзлари блангина барглар орасидан уни излади. Сочларини тараб турган қўллари ҳам бир нафас тек қолди.

Ҳарқандай бўлса ҳамки одам шарпасини сизди, чиройли қанотларини қоқиб учиб кетди.

Қиз сочларини ўриб бўлгач, бошига бахмал зар дўпписини жийди ва гулларга қараганича бирпас ўйлаб қолди. Ҳовузга сув тушадиган ариқчанинг ҳар икки томонидаги кичкина-кичкина полчаларда қизил ва оқ гуллар чирайли бўлиб очилиб ётар эди.

Унинг юзларига борган сари қон югуриб, кўзлари қандайдир бир хаёл блан бир нуқтага тикилган эди.

...Бу ерда биз тинч, беҳавотир, — ўйларди қиз, — бу ердан қанча-қанча минг чақрим узоқларда нималар бўлмоқда? У ерларда оловлар ёниб, ерлар гумбурлаб зилзилага келаётгандир... ҳарнафасда, аҳтимол, мана ҳозир ҳам, шовқун-суронли ваҳималар ичида кўкрагидан, ёки қорнидан ўқ еган бечора жангчининг кўз олдидан қавму-қариндошлари, ўзи ўйнаб ва меҳнат қилиб улғайган далалари, боғ-қирлари бир-бир ўтаётгандир...

Қиз бир хўрсиндию, кўзларини катта очиб, атрофга қаради ва ирғиб ўрнидан турди, секин юриб гуллар ёнига бориб чўққайиб ўтирди. Эндигина очилиб келаётган қизил гул ғунчаларидан иккитасини узди.

— Тўфaxon!..

Қиз чўчиб тушди. Тўғрисидаги боғ эшигига қаради. Аммо эшикча аввалгидай берк эди. Юраги уриб кетди. Ўрнидан туриб боғнинг ҳар тарафига аланглади. Деворнинг уч-тўрт қулоч жойини қоплаб ётган қалин анжир барглари орасидан таниш бир юз унга қараб кулиб турар эди.

— Вой, Ботир ака!.. — Ихтиёрсиз қиз ва ҳар маҳал онасининг эшикдан чиқиб қолиши аҳтимоли бўлган уй ёққа қарашни ҳам унитиб, йигитга томон юриб кетди. Пастаккина деворнинг орқасида тикка турган ёш йигит, қиз яқинлашиши блан қўлларини чўзиб, анжирнинг узун бир навдасини пастга эгди.

— Яхшимисиз? — деди йигит ва анжир барглари орасини каттароқ очиб, қизга қўлини узатди.

— Шукр, — деди қиз уялиб ва йигитга қўлини узатар экан энтикиб сўради, — ўзингиз тинчмисиз?..

— Жуда яхши!

— Кеча военкоматга бордингизми?

— Ҳа, бордик.

Қиз бундан кейинги саволни беришга ўнғайсизланар эди, йигит бўлса гапни қандай қилиб давом этдиришини билмай, фақат кулиб турар эди. Охири Тўфaxon „хўш, нима бўлди?“ дея шошилиб сўради.

— Нима бўлар эди, ишимиз битди.. — деди йигит.

— Демак, сиз... кетасиз? — бирдан ерга қаради қиз, унинг кўзлари жиққа ёшга тўлган эди.

Йигит бир нафас жим тургач, девордан бир сакраб бу томонга тушди-да, қизнинг билагидан секин ушлади:

— Сизга нима бўлди? Тўфахон?.. Қўйинг, менга қаранг, менга ҳам осон эмаску?..

Қиз дастрўмоли блан кўзларини артди, лекин бошини кўтариб қарамас ва нима дейишини ҳам билмас эди. Йигит уни юпатиб, яна давом этди:

— Бу ҳаммага келган тўй. Бизнинг колхоздан ўн ики киши. Жура, Холиқ, Йўлдош, Турғун сартарош, Раҳим, ака-ука Қодир блан Акбарлар ҳам кетишяпти. Бугун эмас, эртадан кейин, шанба куни кетсак керак.

Тўфахон бироз ўзини тутиб олгач, бошини кўтариб йигитга қаради ва негадир яна ундан кўзини олиб ўйлаб кетди: унинг кўз олдида яна аланггалар, тўпларнинг гумбурлаган овозлари, ёприлиб босиб бораётган жангчилар ва бир чекада Ватан учун, халқ учун жон бераётган ҳалиги солдат келиб турди. Аммо бу нома'лум солдат энди ботир бўлиб кўринган эди.

— Шанба куни кетасизларми? — кўзларини жовдиратиб Ботирга термулди. Йигитнинг юзларида жиддийлик кўргач, — менинг йиғлаганимдан хафа бўлдингизми? Ботир ака, энди йиғламайман... Унинг лабларида билинар-билимас кўринган кулги яна бирдан йўқолди, сўзини тамом қилолмади. Кўзларига яна ёш келган эди. Лекин бу сафар ўзини тез тутиб олди, дастрўмолини олиб фақат кўзини эмас, юзларини ҳам артди. Бир нафас жим тургач, кескин равишда, — ўзингизга эҳтиёт бўлинг! Мен сизни кутаман! — деди.

— Мендан хотиржам бўлинг! — деди гурур блан Ботир ва икки қўлининг бош бармоғини белбоғининг ичидан ўтказиб, кўкрагини ростлади, — аммо сиздан...

Тўфахон ялт этиб Ботирга қаради. Йигитнинг кўзларида қандайдир сирли бир ма'но бор эдики, қиз буни дарров пайқади.

— Ҳа, тушундим, сиз Қодиралини ўйлаяпсиз... У ҳеч нарса ҳам қилалмайди. Ихтиёр ҳаркимнинг ўзида. Менинг ҳам жоним бор. — Бироз жим тургач қўшиб қўйди. — уни хаёлингизга келтирманг, Ботир ака, мен хафа бўламан.

Тўфахон, қўлида ўйнаб турган гунчаларни Ботирга атаб узгани эсига тушди ва уларни икки қўллаб Ботирга узатди.

Ботир гунчаларни унинг қўлидан олиб, қўйлагининг чап томонидаги чўнтагига кўринарли қилиб солиб қўйди ва Тўфахонга биринчи мартаба „сен“ деб гапирди.

— Бу эсдаликларингни жонимдай сақлайман. Соғ бўлсам, яна ўзим блан олиб қайтаман.

Ботир бу гапларни гапирар экан, ихтиёрсиз қизнинг қўлларини ушлаб, кўзларига термулди. Тўфахон уялганидан қизариб ерга қаради.

— Тўфахон, Тўфахон! — уй томондан онасининг овози эшитилди.

Тўфахон йигитнинг ҳароратли, катта қўллари орасидан ўз қўлларини бирдан тортиб олди ва Ботирга қараб бир чиррайли жилмайдида, бошқа ҳеч нарса демай, уйга томон югуриб кетди.

II

Қодирали ярим кечада, жуда маст ҳолда, уйга кириб келди. Онаси унга эшик очгани чиққан эди, у ғазаб блан эшикни бир тепди, занжири узилиб кетди.

— Мен Қодирали бўламан... донгдор бригадир. Менинг ундан нима кам? Давлатим Ботирнинг отасиникидан ҳам кўп! Барибир мақсадимга етмай қўймайман.

Қодирали гандираклаб уйга кирди. Эғнидаги жомакори ва этиги блан онаси тўшаб қўйган жой устига чалқанча тушиб ётди. У, ўз-ўзича сўкинар эди. Онаси оёғидан этигини ечди ва пайтаваларини ичига тикиб ёнига қўйди. Ҳаял ўтмай ухлаб кетди.

Бир уйқини олгач, Қодирали бирдан уйғонди, чангқаб қолди-ми, ёки ҳарқуни бир вақтда туришга одатланганиданми, уйқиси бутунлай қочди. Лекин тонг ҳали оқармаган эди. Қодирали сатин белбоғини бошига чамбар қилиб уйдан чиқди. Кеча ойдин ва атроф жимжит эди. Ойнинг тиниқ нурлари ток барглари ва осилиб ётган узум бошларига тушиб жилоланарди. Қодирали йўлакка томон юрди, эшикни очиб кўчага чиқди, эшикни зарб блан тортиб беркитди.

Икки соатлар чамаси вақт ўтди. Тонг ҳам оқарди. Қуруқ беда ортилган икки арава Тўфахонлар эшиги олдига келиб тўхтади. Олдиндаги арава устида қора кўйлакли, сатин белбоғини пешанасига танғиб олган Қодирали бор эди. Унинг ҳўмрайган чўтир қора юзлари кескин ва ғазабли эди.

— Ҳа, нима булди, ўртоқ Шарапов, нега тўхтадингиз? — ёқимлироқ товуш чиқаришга тиришиб, сўради бригадирдан орқадаги аравада ўтирган кексароқ колхозчи. Қодирали унга жавоб бермади, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Арава устида тикка туриб, девор устидан ҳовлига қарай бошлади. Ҳовлида ҳечким йўқ эди.

— Хайри опа, о, Хайри опа! — секин-секин чақирди Қодирали.

Уй эшиги очилиб, ундан оқ дака рўмол ўраган, узун бўйли кекса бир аёл чиқди.

— Қалайсиз, Хайри опа, омон-эсон, бақувватгина юрибсизми? Бевақт сизларга ташвиш бердим, бу ҳам шунинг хурсандчилигики, бугун колхозимизда тантанали йиғилиш бор. Беш-олтита йигитларни фронтга жўнатамиз... — Шу гапларни гапирар экан, унинг кичкина маккор кўзлари ҳовли атрофига ва қия очилиб қолган уй эшиги томонга аланглар, яна кимнидир қидирар эди, — шунинг учун бугун қуриган бедаларни тезроқ йиғиштириб олайлик дедим. Мана йўлдан ташаб кетай деб сизга ҳам бир-икки боғ шундан олиб келган эдим.

— Барака топинг ўғлим, раҳмат. Ўзим ҳам ишларимни вақтли-

роқ саранжомлаб, йиғилишларингга ёрдамлашгани борарман деб уйлаган эдим.

— Албатта-албатта. Сиз бормасангиз бўладими, — Қодирали арқонни беда тагидан икки қўллаб тортиб суғурабошлади.

— Қодирали ўғлим, бедамиз бор эдику, — деди чўзиб аёл ва ўз гапидан ўнғайсизланиб бош бармоғининг орқаси блан ўнг кўзини силаган бўлиб ерга қаради, — азонда омон бўлгур Ботирали бир арава қилиб ҳўл бедадан ташлаб кетган эди. Моллар ҳозир қуруқ бедани емайди ҳам.

— Биладан емаслигини, — деди Қодирали, — олдингиз куз. Бир кун керак бўлиб қолар. Ким сизга аравалаб беда ташиб беради. Қизингизни-ку, ҳеч фойдаси тегмайди. Хайронман сизга...

— Нега фойдаси тегмас экан, кунимга яраятган ўшаку. Звеносида пахталари очилиб қолиб, анча шошилтираяпти. Бугун ҳам тонг отмасдан далага чиқиб кетди.

Қодирали ўсал бўлганидан жуда хижолатда эди. Хайриопанинг кейинги сўзларини яхши эшитмаган бўлса-да, кўзлари ҳўм-райиб, юзлари баттар қорайиб кетган эди. У, Хайриопа блан хайрлашмайча отларини зарда блан қамчилаб жўнаб кетди.

III

Қуёш ўзининг ёзги узоқ йўлини тамомлаб уфққа бош қўйди. Унинг сўнги нурлари колхоз саройининг деворларига ва унинг ланг очиқ турган катта дарвозаси орқаси кенг ҳовлига тушиб турар эди. Шафақ қизиллиги, айниқса, сарой дарвозаси устидаги „Сталин колхоз“ деб ҳал блан ёзилган вивескага тушиб, жил-валанмоқда. Бунда ёзилган шу икки сўз ҳарбир катта-кичик колхозчига эскидан таниш бўлишига қарамай, ҳовлига киручи беихтиёр бошини кўтариб, қуёш нурида ялтираб турган шу ҳал ёзувни яна бир мартаба ўқиб ичкарига кирар эди.

Саройнинг данғиллама айвонлари тагида ҳархил қишлоқ хўжалик асбоблари, трактор, плуг, сеялка, молотилка ва бошқа шу каби нарсалар тартиб блан терилиб қўйилган эди. Шиприлиб сув сепилган катта ҳовлининг ўртасидаги супаларга қалин гиламлар тўшалган.

Саройда одатдан ташқари жонли ҳаёт қайнамоқда. Унда янги кийимлар кийиб олишган беш-олти эркак ва бир-иккита хотинларнинг ҳаракатларидан катта бир ма'ракага тайёргарлик бораётганлиги кўриниб турар эди. Нурмат ота бошлиқ бу кишилар уёқдан-буёққа югуришиб меҳмонларга жой тайёрламоқдалар. Ба'зилари сада тагидаги столларга оқ дастурхонлар ёзмақда, ба'зилар катта супанинг чекаларига кўрпачалар тўшаб, ояпоқ парёстикларни дам у ерга, дам бу ёрга олиб қўйишар эди. Нурмат отанинг ўзи эса, ҳовлининг ҳар томонига югуриб, иш бошқармоқда. Олтмиш ёшларида бўлишига қарамай, унинг узун ва тик гавдаси тетик кўринар эди. У дам сува чекасига тиззаси блан чўкиб, қийшайиб турган ёстикларни тўғрилар, дам стуллар атрофида териб қўйилган стулларни қўзғатиб қўяр, дам колхоз чой-

хонасидан келтирилган, ҳарбирига тўрт челақдан сув хетадиган самоварлар ёнига бориб қолар, дам яна супа ёнига келиб одамларнинг қўлидан паднусларни олиб дастурхон безатаётганларга ёрдам берар ва уларга алланарсаларни уқдирар эди.

Нурмат ота самоварчининг ёнидан уч-тўрт қадам нари юриб боратуриб, бирдан бир нарса эсига тушгандай ғирра орқасига қайтди, тўғри бориб, деразалардан тутун бурқсиб турган ошхонага кириб келди.

Ошхонада икки йигит сабзи тўғрамоқда, ёғи доғ бўлаётган катта қозон ёнида қўлида кафғирини ушлаб, олдига қоп тутиб олган ошпаз турибди.

— Отахон, тайёр бўлиб қолдимиз? — Нурмат ота ялт этиб орқасига қаради, деразадан колхоз раиси Карим ака Жалиловни кўрди.

— Ҳа, қариб тайёр бўлиб қолди, хотиржам бўлсинлар, одоб блан деди чол.

— Яхши-яхши отахон, мен сиздан миннатдорман, сиз даламизнинг агрономи, хўжалигимизнинг маслаҳатчиси, тўйларимизнинг мутасаддисисиз, сиз қаерда бўлсангиз, мен ўша ердан хотиржамман, — деди раис.

Чол сал хижолат тортгандай бўлди.

— Менга эмас, бу миннатдорчиликни мана бу ўғилларимизга айтинг. Ишнинг ҳаммасини шулар қилаяпти, — дер экан қовунлар қўлтиқлаб супа томонга ўтаётган кексалар блан бош эгиб саломлашди.

Нурмат ота ҳовлига чиқди. Шу пайтда дарвозада етти-саккизта ёш йигитлар кўринди. Булар олдинма-кетин бўлиб саройга кириб келмоқда эдилар. Буларнинг бир хиллари оқ шоҳидан кўйлак, бир хиллари енгил оқ яхтақлар кийиб олишган.

Колхоз раиси ва Ботирнинг отаси Сабир ака, булар блан сўрашгандан сўнг стуллардан жой кўрсатишди.

— Отахон, — Нурмат отага мурожаат қилди раис ва Ботирни қўлтиқлаб унинг яқинига борди, — бугун буларнинг ҳаммасини, хусусан, мана буни алоҳида хурсанд қиласиз — деди раис Ботирни кўрсатиб ва Нурмат отага яна бир қатор ишларни тайинлаб, Ботир блан супа томонга юрабошлади.

Шу вақтда дарвозадан машина кириб келиб қолди. Унинг ичидан биринчи бўлиб, тўлароқ, узун бўйли бир йигит чиқди. Оёғидаги қора хиром этиги, сарғич галифе шими ва ўзига мослаб тикилган гимнастёркаси унинг жуссасини силлиқ ва ихчам қилиб кўрсатиб турибди. Бу район партия комитетининг секретари эди, унинг орқасидан икки эркак ва бир хотин чиқди. Хотиннинг бошида чирайли тикилган фарғонача янги дўпписи бор эди.

— Салом, Карим ака! Ҳорманг ишлар блан? Сизни бирнеча муваффақият блан бирдан табриклашга тўғри келади, — раиснинг қўлини сиқиб кўришар экан давом этди райком секретари, — пахталарингизнинг очилиши блан, гидростанциянгизнинг ишга тушиши блан...

— Раҳмат-раҳмат, — фаҳрланиб кулди Жалилов, — булар ҳали ишимизнинг бошланиши.

Меҳмонлар блан бирнеча колхозчи келиб кўришди.

— Мана, отахон, чақирмасангиз ҳам ўзимиз келдик, — Нурмат ота блан кўришар экан деди райком секретари ва шериклари блан бир-бир таништирди. Фарғонача туппи кийган хотинни кўрсатар экан, у шундай деди:

— Бу киши Матлубахон, СССР Олий Советининг депутати. Биз бу киши блан бутун Фарғона водиясини айландик. Мана бутун бу кишини сизнинг колхозингизга олиб келдим. Қани Карям ака, йиғилишга ҳали вақт борга ўхшайди, қишлоғингизни бир айланиб чиқайлик.

Жалилов ва уч-тўртта кекса колхозчи меҳмонлар блан қизгин гаплашиб саройдан чиқишди. Булар энг олдин иккинчи бригаданинг ерлари бошига чиқдилар. Кенг пахтазорни кезиб, бирин-кетин очилиб келаётган пахта чаноқларини узиб, ҳар кўсакдан чиққан пахтани салмоқлаб ҳам кўришди. Шу йил чиқарилган ва тўлиб сув оқаётган бир ариқни ёқалаб боргач, катта боғни айланиб ўтиб, тўғри колхознинг гидростанциясига қараб юрдилар. Ундан чиқиб тегирмон ва темирчилик ишхонасини ҳам кўришди. Хуллас колхозчиларнинг ихлос блан қилган меҳнатлари орқасида барпо қилинган ва колхознинг донғини чиқарган ҳамма нарсасини бир-бир тамоша қилдилар.

Улар қайтиб келганларида аллақачон кеч кириб, кўчаларда, уйларда ва сарой ичида электрлар ёнган эди.

Хайри опа ҳовлига кириб келган одамлар орасидан эрини имо қилиб, ўзига томон чақирди.

— Бунча кечикдиларинг, ош ланж бўлиб кетди, — деди секин Хайри опа.

Нурмат ота ўзини айбдор сезгандай, хотинига бир қаради-да, индамай шошилиб, яна одамлар тўпига қараб кетди. Унинг орқасидан қараб турган Хайри опа, эрининг колхоз раиси ёнига бориб унинг қулоғига пичирлаганини кўрди. Жалилов чол ёнидан узоқлашмай, икки қўлини сал кўтариб кўпчиликка мурожаат қилди:

— Қани, меҳмонлар, шу томонга марҳамат қилинлар, — у қўли блан супа ва стуллар устидаги дастурхонларни кўрсатар эди. Ҳамма секин-секин юриб бориб, жой-жойларига ўтиришди.

Ажойиб қилиб безатилган бу дастурхонлар устида ўлканинг ҳамма нозу-неъматларидан бор эди: қизил ва оқ олмалар, пўсти ажралиб турган қизил шафтолилар, ҳархил чирайли идишларга солинган данак аралаш мағизлар, катта-катта ноклар, эзилиб пишган сапсариқ анжирлар, қовунлар, тарвузлар оппоқ буғдой нонлар, патирлар, сомсалар ва ҳоказо-ва ҳоказолар...

Дастурхонларнинг у бошидан, бу бошигача ҳар қаер-ҳар қаерда қўйилган колхознинг қўлбола виноси блан тўлдирилган графинлар ҳам бор эди. Меҳмонлар ёнларидаги шериклари блан гаплашиб, кулишиб овқат ейишга бошладилар. Музикачилар шўх бир куйни бошлаб юборишди.

Жалилов бир нарса эсига тушгандай бирдан ўрнидан туриб, белбоғ ва яхтагини тузатди-да супа томонга борди ва супанинг бир бурчагида кексалар ичида ўтирган Нурмат отанинг тепасида тикка туриб, музиканинг тўхташини кутиб турди. Машқ тамом бўлиши блан. у кўпчиликка муурожаат қилди:

— Мен, бугунги йиғилишимизда Нурмат ота раис бўлсин, деб таклиф қиламан.

— Тўғри-тўғри! — ҳамманинг мақуллаган овози ва қарсақлар эшитилди.

Нурмат ота секин ўрнидан турди ва оғир қадам ташлаб, стол ёнига борди, қоматини ростлаб юқорига қаради. Иккита катта электр лампочкаси ёниб турган столбанинг тепасида қизил байроқ аста ҳилпирамоқда эди. Икки табақаси ҳам очиқ турган сарой дарвозасидан кўча томонга қаради: узоқ ва яқиндаги чироқлари ярқираб ёниб турган уйлارга кўзи тушди. У салмоқли қилиб гап бошлади:

— Мана, қоронғу кечаларимиз равшан бўлди. Кўнглимиз ундан ҳам равшан. Аммо, болаларим, бизни бу ёруқ кунларга ким етказди?.. унга биз нима блан ўз миннатдорчилигимизни билдираоламиз? — Уртарақдаги столнинг икки томонида терилиб ўтиришган ясанган йигитларнинг хурсанд юзларига бир қараб чиққач, яна давом этди, — қани айтинг, қандай қилиб унга миннатдорчилигимизни билдираоламиз? Кеча унинг бизга қараб айтган гапларини газетадан эшитдик. У биздан ҳечқандай миннатдорлик талаб қилмайди. У бизни босиб келаётган ёвга қарши отланишга чақиради. Энди ўзимизнинг бахт-саодатимизни ўзимиз сақлаб қолишимиз керак. Мана бу унга лойиқ миннатдорчилик бўлади!.. Йўқ, босқинчилар бизнинг бу жаннатдай юртимизга эга бўлалмайдилар!

Нурмат ота жим бўлиб ерга қаради. У гапини энди нимадан бошлашини билмай қийналар эди. Жалилов шу пайтда унга қизил вино тўла пиёла тутди.

— Оғайнилар! — пиёлани олар экан, қаттиқроқ қичқирди Нурмат ота, — ўша меҳрибон одамнинг соғлиғи учун ичайлик!

Ҳамма ўрнидан туриб, бир-бирлари блан пиёлаларини уриштириб ичишганларидан сўнг яна ўз жойларига ўтиришди.

— Менинг ёшим олтмишдан ошди, — дадилланиб сўзида давом этди Нурмат ота, — сардоримиз Сталин блан тенг ёшдаман. Мен оғир турмушни ўз кўзим блан кўрганман. Ёшлигимнинг қандай ўтганини билмадим. Хўжайинлар йигитлик гаштини суришга қўймадилар. Эски турмушнинг азоб-уқубатини биз кўрганмиз. Оғир меҳнатни биз қилар эдик, роҳатини хўжайинлар кўрар эди. Биз нима топсак, эгаси ўшалар эди... Мана шу ерлар чолдевор уйлардан иборат қишлоқ эди. Ўз қишлоғимизда ҳеч нарсага ҳадди сиғмаган бегонадай эдик. Кенг дала кўзимизга тор бўлиб кўринар эди...

Чол, юзларига беихтиёр оқиб тушган ёшини енгининг учи блан артди. Ўртадаги столда ўртоқлари блан ўтирган Ботир ҳаяжон ичида супага онаси блан ёнма-ён ўтирган Тўфахолга

қараб қўйди. Уларнинг қараши, бир-бирига дуч келмаса-да, Туфахон Ботирнинг қандай қараётганини сезиб турар эди.

Туфахон онаси томонга аста эгилиб унинг қулогига пичирлади:

— Отам юрагидаги бор-йўғини бунча гапирмаса?

— Қўявер, қизим, гапириб олсин. Урушга кетаётган йигитларга ҳам фанди-насиҳат бўлади.

Чол овозини секинлатди, ҳоври анча босилган эди:

— Шундай, биродарлар, мен буни сизга нима учун айтаяпман. Яна ўша жафоқаш турмуш қайтиб келмасин десак, бугун жонимизни ҳам аямаслигимиз керак...

Ўртага жимлик чўкди. Нурмаг ота секин бориб ўз жойига ўтирди. Пастдан ашула кўтарилди.

Ашула тугаши блан яна гурунг гап бошланди. Ҳаял ўтмай чилдирма таранглагани эшитилди. Ҳамма бирдан шу томонга қаради. Ҳовли ўртасида бир ёш йигит ва бир колхозчи қиз дара қилиб ўйинга тушар эди.

Ботир яна супа томонга қаради, бу сафар фақат Хайри она-нинг ўзинигина кўрди. Унинг ёнида ўтирган Туфахон йўқ эди. Ботир тўрдаги столга кўз ташлади. Меҳмонлар ичига бориб суқилган Қодиралини кўрди. Қодирали эса, қип-қизариб кетган қўлида вино тўла пиёлани тутгани ҳолда, райком секретари блан бирга келган бир меҳмонга алланарсаларни уқдириб гапирмоқда.

Супа устидан яна ашулачиларнинг овози кўтарилди. Кимнингдир уста бармоқлари блан чертилаётган дутор ашулага жўр бўлиб ёқимли тиригламоқда эди.

Меҳмонларга қовурма тортилди. Пиёлалар қип-қизил вино блан яна тўлди. Йигитларнинг „сиз ҳам бирон нарса демасизми?“ деган ма'нодаги қайта-қайта қарашларини аллақачон пайқаб ўтирган Жалилов, ашула тўхташи блан пиёлани кўтариб ўрнидан турди ва райком секретарига, ундан сўнг бошқа ўтирган одамларга бир-бир қараб чиқди. Кишилар олдида эндигина тортилган қовурмаларнинг буғи кўтарилмоқда эди.

— Ўртоқлар! — деди у, — ҳамма бирдан жим бўлди, — бу йиғилишимиз узоқ вақтгача ҳеч биримизнинг эсимиздан чиқмайди. Биз бугун уч хурсандчиликнинг шарафига бу ўтиришни уюштирдик: пахталаримиз, бошқа колхозларникига қараганда, бу йил эрта очилди, бири бу. Иккинчидан яқинда гидростанция-мизни ишга туширдик. Учинчиси эса, ҳаммадан муҳими — ўн иккита қаҳрамон йигитни армия сафига, Ватанимизга ҳужум қилган босқинчи немисларни тор-мор қилиш учун жангга жўнатмоқдамиз. Биз буларни, мана шу бахт-саодатли турмушимизни йўқ қилиш мақсадида босиб келаётган фашистларга қарши кураш майдонига жўнатмоқдамиз. Қани, дўстлар, шу пиёлани мана шу ёш қаҳрамон йигитларнинг соғлиғи учун, ва душманни енгиб, соғ бориб, саломат келишлари учун ичайлик, — у пиёла тутган қўлларини чўзиб, йигитларнинг ҳаммаси блан бир-бир уриштириб чиқди.

Жалилов гапирётганда тикка туриб унинг сўзларини эшитиб турган йигитлар, раиснинг стол устидан чўзилган қўлидаги пиё-

лага ўз пиёлаларини навбат блан уриштирдилар. Шу вақт булар ичидан Ботир аввал раисга бир қаради-да, сўнгра кўпчиликка эшитиларли қилиб қисқагина шундай деди:

— Топшириқларингни жонимиз блан бажарамиз. Бу ўтиришимизни ва бунда айтилган ҳамма сўзларни доим эсимизда тутамиз. Биз „Сталин“ колхозининг йигитлари эканмиз, сизларни, албатта, ерга қаратмаймиз!..

— Бу йигит сўзи! — қувватлади райком секретари, — қиличининг дами блан тенг. Ота-боболаримиздан қолган бир мақол бор — йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас! Биз ишонамиз, албатта, сизлар ўз сўзларингизнинг устидан чиқасизлар. Ҳамма бирдан пиёла кўтарди.

Яна дутор, чилдирма, танбурга жўр бўлиб ашула бошланди.

IV

Тўфахон даладан бугун вақтлироқ қайтиб келди. У ҳовлига кирар экан, эшикни ёпди ва йўлакдан юриб бориб, уй олдида тўхтади. Қўлидаги пахта терадиган этагини буклаб айвон стунга тагига қўйди. Тўзиган сочларини тузатар экан, боққа томон кириб ўйлаб кетди. Куз қуёшининг сўнги нурлари боғдаги дарахтларнинг учида сариғ япроқларда йилтирамоқда эди. Аста кўзгалиб келаётган кечки шамол блан шитирлашиб узилган япроқлар пириллаб ерга тушмоқда. Боғ тўридаги девор устига ёйилиб тушган анжир навдалари кечки салқинда катта барглари осилтириб, ширин бир учрашувни, гўзал бир тонгни қизнинг кўз ўнгиде жонлантирмоқда эди.

У, „мен энди кетадиган бўлдим...“ деганда мана шу кунларнинг бошимга тушишини сезиб йиғлаб юборган эдим... У, девордан сакраб ўтиб, мени қандай юпатган эди. „Ажралиш менга ҳам енгил эмаску“ деган эди. У ҳам мени шундай соғинаётганмикан? Бўлмаса нега хат ёзмайди? Кетганига мана уч ой бўлиб қолди...“ Хаёл ичида беихтиёр боққа томон юрабошлади. Девор тагларига бориб, бир нарса йўқотган кишидай ерларни қарар эди. У, ўша тонгда босилган изларни топиб, бир кўришни истар эди. Броқ унда у, истаган ҳеч нарса йўқ эди. Фақат ерда сап-сариг катта-катта анжир барглари ётар эди. У учрашувдан сўнг девор тагларигача босиб бирнеча марта сув босгани кейин эсига тушди. Тўфахон ма'юс ҳолда аста-аста уйга томон юриб кетди.

У, уйга кирганда Хайри опа ошхамир кесаётган эди. Бир қарашдаёқ қизининг паришонлигини сезган она унга тикилиб туриб деди:

— Қизим, бугун ишдан эрта қайтибсан, бирор нарса бўлдимиз?

— Йўқ, ойижон, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бугун Зумрад опамларнинг звеносига ёрдамга борган эдик. Иши вақтлироқ тамом бўлди.

— Бўлмаса, нега хафа кўринасан? Бирортаси хафа қилдимиз, ё бирон еринг оғрияптими?

— Йўқ дедим-ку. Ҳечким хафа қилгани йўқ, ҳеч ерим оғ-

приятгани ҳам йўқ. Бугун ҳам ҳаммадан кўп пахта тердим. Карим ака тарозийнинг бошида экан, мени ҳаммага махтади, — бир наст жим бўлгач, яна бирдан сўради, — ойи, дадам қани?

— Колхоз идорасига чақириб кетишди. Тошкентдан қоғоз келибди. Янги завод қурилар эмиш, колхоз ёрдам берсан депти.

— Қанақа янги завод, ойи?

— Қанақа завод бўлар эди, Москваданми, Ленинградданми заводлар кўчиб келаяпти, деб юрмаганмидинг, ўшанақа заводлардан бўлса керак.

— Ҳа, кўчирилиб келтирилган заводларни ўрнатишга ёрдам, — деди ўз-ўзига қиз.

— Даданг ҳали чиқиб кетатуриб, кўпроқ қилиб лағман қилиб қўйинглар деб, тайинлаб кетган эди. Бирор меҳмон блан кириб келиб қоладими. Ўчоқнинг олови ўчмасин, қизим. Бир-иккита ўтин қалаб қўй.

Тўфaxon югуриб ҳовлига чиқди. Ўчоқнинг алангаси пасайиб қолган ўтинини қўзғатиб унинг устига иккита кичкина тараша қўйди ва бир пуфлаб ёндириб юборди. Жомакор камзулини ечиб ювингани ҳовузга югурди.

Ҳовузга энгашиши блан сув ичида ўз аксини кўрди. Яна, ўша Ботир блан учрашган тонг эсига тушди. Тўфaxon яна чуқур хаёлга чўмиб кетди...

Анча вақтдан кейин ўзига келди. Ой уфқдан терак бўйи кўтарилган эди. У бирдан ихтиёрсиз „уф!“ деб юборди. Ўз овозидан чўчигандай атрофига қаради. Орқасида челақ кўтариб онаси турар эди. У, ҳеч нарса билмаган киши бўлиб ювинабошлади. У ювиниб бўлганга қадар онаси унинг тепасида челагини кўтарганича қотиб туриб қолди. Қизининг бундай аҳволда бирнеча марта кўрган Хайри опа бу сафар жуда қаттиқ таъсирланди, лекин нима қилишини билмас эди. Қизининг Ботир блан бўлган муносабатини оз-моз сезиб юрган бўлса-да, броқ бунчалик бўлишини, хусусан Ботир кетгандан бери қизининг бунчалик куйишини ҳеч ўйламаган эди. Бугун ишдан маъюсланиб қайтгани, айниқса ҳозирги жуда қаттиқ алам ўтган кишидай юрагидан „уф“ тортиши Хайри опани эсанкиратиб қўйди.

— Сенга нима бўлди, қизим, юрагингдагини менга очиқ айт!

— Нимани айтай, — дея Тўфaxon онасига қайрилиб кулиб қаради, ҳеч нарса сездирмасликка тиришди, лекин бунинг уддасидан чиқолмади, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— ...Уни соғиндингми? — деди Хайри опа. Тўфaxon онасининг бу гапидан уялдими, ёки кўнгли тўлиб кетдими, бирдан онасига ташланди ва юзларини унинг кўкрагига қўйиб, пиқ-пиқ йиғлайбошлади.

— Юрагим шу кунларда жуда сиқиядиган бўлибти... — деди Тўфaxon, — кетгим келади...

Хайри опанинг авзойи бирдан ўзгариб кетди, чунки қизининг бу гапидан жуда қўрқиб кетган эди.

— Нима деясан, қаерга кетмоқчисан?

Онасинининг авзойи бузилиб, жаҳли чиққанини пайқаган Тўфaxon гапини бошқа бир оҳангда давом этдирди:

— Фарғонага, холамларникига бир бориб келсам нима қилади?

Шу пайтда кўчадан эркакларнинг овози эшитилди.

— Дадамлар келишяпти, — деди шошилиб Тўфaxon ва онасининг қўлидан челақни олиб ҳовузга энгашди. Хайри опа эса, уйга югурди.

Эшик очилиб, биринчи Нурмат ота кирди ва бир қули блан эшикни ушлаб тургани ҳолда, иккинчи қули блан ичкарини кўрсатиб?

— Марҳамат, марҳамат, — деди.

Олдин Жалилов сўнгра Собир ака кирди. Булар Нурмат отанинг боғини махтай-махтай айвондан уйга киришди. Жиҳозлари тартибли равишда йиғиштирилиб „ойнадай“ қилиб қўйилган уйда электр ёниб турар эди.

Хайри опа меҳмонлар блан „хуш келибсизлар“ қилгач, ўртага гуллик дастурхон ёзди, сўнгра Тўфaxon икки қўллаб келтириб бериб турган мева-чеваларни меҳмонлар олдига қўя бошлади. Тўфaxon париллаб буғи чиқиб турган оқ самовар блан учтўртта пиёлани дадасининг олдига келтириб қўйиб кетди.

Тўфaxonнинг чаққонлик блан рўзгор ишларини бажараётганига разм солиб турган Жалилов, у чиқиб кетиши блан:

— Омон бўлгур ялчийдиган қизларинг бор-да. Дала ишигами десам, уй ишига ҳам яхши уқуви борга ўхшайди, — деди.

— Қариган чоғимда менга мадад бўлиб турган шу. Бундан ўзим ҳам хурсандман, — деди Нурмат ота.

— Ҳаммамиз ҳам хурсандмиз, — деди раис, — шундай эмасми Собир ака, биласизми далада пахтанинг сийрак бўлиб қолишига қарамасдан, бугун бир ўзи тўрт нормани бажарди.

Булар чой ичиши правления мажлисига қўйиладиган ҳалиги масалани — кимларни Тошкентга юбориш ва кимларни бу ерда қолдириш масаласини ҳал қилгунларича Хайри опанинг лағмани ҳам тайёр бўлди. Хайри опа охириги лаганини сузиб дастурхонга келтириб қўйиб кетаётган эди, Жалилов уни тўхтатди.

— Хайри опа, қани ўзларинг келмайсизларми?

— Бемалол олаверинглар, бизга буёқда бор.

— Тўфaxon қани?

— Шу ерда.

— Чақиринг, унга менинг бир зарур ишим бор эди. Эсимдан чиқай деган экан.

Нариги уйга чиқиб кетган Хайри опа тезгина қизи блан яна қайтиб кирди. Тўфaxon эғнида сариқ атлас кўйлак ва унинг устидан қизил духоба нимча кийган эди. Жалилов уни шу кўринишда Ботирни армияга жўнатган куни кўрганини эслади. Қиз „менда нима ишингиз бор эди?“ дегандай қилиб унга қараб турар эди.

— Бугун қандай туш кўрган эдинг, — деди раис.

— Туш?! — қизариб кетди қиз.

— Ҳа, туш, — Жалилов овозини баланд олиб, узини жиддий тутишга тиришса ҳам аммо унинг товушидан ҳазиллашаётганлиги билиниб турар эди, — ҳа, нега индамайсан, бугун қандай туш курган эдинг, деяпман?

— Туш кўрганим йўқ, — ҳеч нарса тушунмагандай уялиб жавоб берди қиз.

— Бўлмаса, сенга бир қимматли савғо келтирган эдим, шуни берай, — деди Жалилов ва яхтагининг чўнтагини кавлайбошлади. Туфaxon кўзларини раиснинг қўлларига тиккани ҳолда оппоқ оқариб тикка турар эди; оёқлари қалтираб ерга йиқилиб кетгудай эди.

— Ма, — деди Жалилов чўнтагидан бир хат чиқариб Туфaxonга узатди.

Қизнинг бутун қони бошига югурди. Ранги шундай қизариб кетган эдики, буни ҳаммадан олдин пайқаган онаси қизидан кўзини олиб ерга қаради. Туфaxon беихтиёр, лекин жуда чаққонлик блан, раиснинг қўлидан хатни олди ва унинг кўзлари кўк конверт устидаги таниш ёзувга тушди. Бу хат Ботирдан эди. Қиз хурсанд бўлганидан раҳмат айтишни ҳам унутиб, нариги уйга югурганича чиқиб кетди.

(Давоми бор).

РОЗИЯ ОЗОД

ҒАЛАБА БАЙРАМИ

Ай, гўзал Ватаннинг ғолиб аскарлари,
Озодлик, илму фан ва бахт лашкари,
Сен блан биргадир меҳрибон халқинг,
Мамлакат боради зафарлар сари.
Доҳиймиз яшасин ва бўлсин омон,
Шуҳратимиз блан тўлди кенг жаҳон.

Ленин ва Сталин халқлари тонгда
Берлинга тиклади зафар байроғин,
Тарихда мислсиз даҳшатли жангда
Шарафлар қоплади совет яроғин.
Доҳиймиз яшасин ва бўлсин омон,
Шуҳратимиз блан тўлди кенг жаҳон.

Ватан деб жон фидо қилган баҳодир
Йигитлар номини олайлик тилга,
Синовлар мушкулу жанг эди оғир,
Ботирлар озодлик келтирди элга.
Доҳиймиз яшасин ва бўлсин омон,
Шуҳратимиз блан тўлди кенг жаҳон.

Душманни енгдик биз. Битар ғам-доғлар
Ҳақиқат йўлида партия раҳбар.
Яна обод бўлар водилар, тоғлар
Эллар шу қўшиқни куйлар ҳар саҳар:
Доҳиймиз яшасин ва бўлсин омон,
Шуҳратимиз блан тўлди кенг жаҳон.

Ёр қайтди ёрига юзида ханда,
Қаҳрамон халқимиз озод, бахтиёр,
Бинолар қурилар улуғ Ватанда,
Далани гуллатар ишчан пахтакор.
Доҳиймиз яшасин ва бўлсин омон,
Шуҳратимиз блан тўлди кенг жаҳон.

КУТИБ ОЛГАНДА

Кутиб олинг қувонч блан ёронлар келар,
Фронтларда зафар қучган ўғлонлар келар.
Поездларнинг йўлларига гуллар сочингиз,
Ўз шаҳари, қишлоғига лосбонлар келар.
Бу учрашув элимизнинг муборакбоди,
Нишондорлар, медальдорлар асронлар келар,
Майдонлардан қайтиб яна ўз манзилига,
Зур жангларда шоя қозонган шодмонлар келар.
Ўз элига ҳадя қилиб жангномаларни,
Мард йигитлар, паҳлавонлар, жононлар келар.
Қаҳрамонлар номларига ёзайлик дoston,
Ўлкамизни гуллатучи боғбонлар келар.
Ҳар томонда гурилласин ғалаба тўйи
Уйимизга гвардиячи полвонлар келар.

Тажикчадан АШИРМАТ таржимаси.

ШУКРУЛЛА

МОСКВА

(„Москва“ циклидан)

Москва! Москва, қаҳрамон шаҳар,
Кўрдим қуёшдан зўр салобатингни.
Бирор миллат борми кўрмаган бўлсин,
Шафқату, адолат, саховатингни.
Халқларнинг абадий муқаддас юрти
Десам заррача қилмасман хато.
Ленин хоки ётган азият тупроққа,
Жаҳону, қуёшни олмайман ҳатто.
Бутун меҳрим сенга Москва — қалбим!
Демак қалбсиз яшаш мумкинмас зинҳор.
Жаҳонда бахтиёр умр кўраман
Қалбим бор, абадий севги бор — сен бор.

Ю Л Д У З

Москва тонгини кутаман бедор,
Осмонда юлдузлар ёнур бесаноқ.
Азамат бинолар бош урмиш кўкка,
Фарқ қилаолмайсан юлдузми, чироқ.

Москва тонгини кутаман бедор,
Балқиди кундузнинг маш'али — офтоб.
Кўк — гумбаздан юлдуз каптардек учди,
Қуёш найзасига бералмасдан тоб.

Ой ботиб, тонг отиб — кун балқиса ҳам,
Аммо порлар эди бир юлдуз якка.
Ҳарбир қиррасида миллион кўз ёниб,
Боқар эди мағрур, хурсанд фалакка.

Ой ботиб, тонг отиб — кун балқиса ҳам
Ҳамон ёнар эди кеча-кундузи.
Асрлар ўтади, йиллар ўтади,
Ўчмас Кремльнинг голиб юлдузи.

САИДА ЗУННУНОВА

СТАЛИНГА

Ҳаёт каби севимлидир кўнгилнинг яйрашида
Муқаддас номинг.
Чаман унган чўллардаги қушларнинг сайрашида
Бордир сенинг мақоминг.
Сен бор учун, улуғ доҳим, ҳаёт шириндир бизга.

Ҳар кўнгилнинг кўзгусида, ҳар тонгнинг отишида
Сенинг ўчмас номинг бор.
Азиз номинг азиз халқнинг мардонавор ишида
Зафарларга жиловдор.
Шунинг учун бўйин сунмас тўлқинлар тушди изга.

Асрларнинг орзуси-ю, йилларнинг мазмуни бор
Ҳар кунги ишимизда.
Ўт ёқмасдан уй исийди, қор қўйнида лозазор
Қаҳратон қишимизда.
Ҳар кунги ҳаётимизнинг ўзи туганмас қисса.

Пахтамизнинг ҳар толаси кўз нуридек муборак,
Чин меҳнатдан нишона.
Ҳисоби йўқ ҳосил блан янги бахтдан бир дарак —
Ўза кўрсатса шона.
Бахтиёрмиз ютуқларга қўша олдик биз ҳисса.

Бу ўлкада одам олтин, одам му'табар, азиз,
Сабабчиси сен ўзинг.
Ҳаёт худди жондек ширин, келажак ундан лазиз,
Худди тонгдай ярқиради кишилиқда бахт-армон.

Қуёш тунда ботар, аммо сен эса тунларда ҳам
Порлагучи бир офтоб.
Сўзларингда олам-олам ма'нолар мазмуни жам
Ҳар жумласи бир китоб.
Бахтимизга узоқ йиллар яшагин, бўлгин омон.

1947 йл.

Анжан.

КУДДУС МУҲАММАДИЙ

СУЛТОНОЙ

Жазирама саратон,
Ҳаво тандирдек қизир
Қуёшнинг нур яллиғи,
Дала тушида сузур.
Чийиллар чегирткалар,
Иссиққа дошт бералмай.
Дарахтлар соясида,
Турар моллар ўтламай.
Юзи ширмон кулчадек,
Бувриқиб бўртиб кетган,
Устида жомакори,
Шалаббо терга ботган:
Султоной ғўза чопар
Ғайрат жўшиб қонида.
Эгати лорсиллайди.
Ҳар кетмон урганида,
Жўяк-тупроқ бўрсиллаб,
Партушакдай билқиллар.
Ниҳоллари чайқалиб,
Ўсар яйраб селкиллар.
Унга кетмон йилпиғич,
Ҳузуржон шаббодаси,
Дил баҳрини ёзади,
Пахта майдон даласи.
Дўстларига дер эди:
Меҳнатсиз роҳат қайда,
Пахтам яшнасин десанг,
Куч тўк саратон ойда!
Майдонида парвона,
Тинмай елиб югуриб
Бир бегона ўт кўрса,
Қуртар дарров юлиб.
Ба'зан тунда ухламас,

Оқ тонггача сув қўяр,
Бир ниҳол ташна қолса,
Юраклари ўртанар.
Иссиқ сувдан қондириб
Яшнатар ниҳолларин,
Кўнгли тинади фақат
Уйганда хирмонларин. •
Чунки ишлаб, пахтадан —
Колхози тўқ бадавлат.
Қатор тушган оқ уйлар,
Кўркем қишлоқ басавлат.
Жазирама саратон
Ҳаво тандирдек қизар.
Кўёшининг нур яллиғи
Дала тўшида сузар.

ТУРОБ ТЎЛА

ЗВЕНО БОШЛИҒИ...

Шарифбой ака „ариза“ деган сўзни ёздию, буёғига келганда ўйлаб қолди...

Бу — ҳамма пахтакор, тажрибакор, дангдор бўлиб кетаяпти, ҳаммининг оғзи қулоғида, айтгани — айтган, дегани — деган, тили узун, обрўйи баланд; уни тенгилар етадиган жойига етиб олди. Бу ҳали ҳам шу Тўқмоқ деган алмисоқи қишлоғида Қирғизбойота — „қирғиз пахта“ деб, Турдибой — „Турди тажрибакор“ деб донг чиқарди. Бир вақтлар у блан беллашиб юрган Тешавой аканинг донги бутун Иттифоқни тутиб кетди. Қурбон ота бўлса ... ҳа, Шарифбой, баҳаи?“ деб кулаётгандай... У, 17 йил бундан муқаддам 16 хўжаликни уюштириб „Ихтиёт“ колхозини тузган вақтда орқа этаги тугилиб юрган болалар юз-юз йигирма центнердан гапиришади, вақти келганда нафсониятга ҳам тегадилар, гаши келади. Ахир ўғли тенги келадиган дарвишхон, „Ғўза яганаси қачон қилинади“ деган содда гапни ҳам савол деб сўраб юрадиган Абдуллажонлар ўзиб кетишяпти. Шарифбой ака бўлса ҳали ҳам дала мудирини, ҳаммининг иши кўринадию, унинг иши кўринмайди. Кўринса ҳам колхоздан нарига чиқмайди. Унга алам қиладиган жойи мана шу.

Унинг хаёли чувалашиб кетди, калаванинг учини йўқотиб қўйди. Ахир дала мудирлик ҳам чакки иш эмас-ку, ҳамма иш унинг қўлида-ку. Колхознинг шарафи — унинг шарафи, Дарвишхон ёки Абдуллажонларнинг обрўси — уники эмасми!

— Йўқ, меники эмас!.. Мен бунини да'во қилолмайман, — деб юборди бирдан Шарифбой ака, ўз овозидан ўзи сўчиб ёнверига қараб қўйди. Мош-гуруч мўйлабининг учидан икки-уч бураб, чуқ дупписини бир айлантириб қўйди.

Тўғри, дўппи айлангунча замон ўтиб кетаяпти, у, орқада қолляпти; Шариф ака ҳақ, бировларнинг шуҳратига шерик бўлолмайди, номуси йўл бермайди. Кеча кимдир правления мажлисида „эски тажрибакорларнинг умри бекор ўтаяпти“ деб пичинг ҳам қилди. Бу гапни кимга қараб гапирди? Шариф ака ўша вақтда ялт этиб ёнидагиларга қаради, ўтирганларнинг ҳаммаси деярлик

ёшлар эди, қизариб, нафаси ичига тушиб кетди, дарров эсига бир вақтлар олган „Хурмат белгиси“ ордени блан „Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун“ деган медали тушди. Шуни рўкоч қилмоқчи ҳам эди, лекин бўлмади, биров „бу — эски гап“ дейдигандай, оғзини йиғиштириб олди, ақлдан бўлмасликни тушинди, ҳарҳолда бу гап ҳам „унинг адресига бўлса-бўлмаса“ қаттиқ тегди, дилини оғритди, „Қачонгача маслаҳатгўйлик қиласан, ўзингни бундоқ ишда ҳам кўрсатда, кетмон чопиб кўр, ёки, эсингдан чиқиб кетдими?“ дегандай бўлди.

Бу гап уйига келди ҳамкий, бошидан кетмади, ари ини бузилдию, унинг атрофида айланиб қолди.

Эрталаб барвақт турди. Қараса, қандайдир файзли тонг... кўкрагини тўлғизиб нафас олди, чопонини елкасига ташлаганича эшикка чиқди. Дала томондан келаётган шаббода эрта кўк-ламини эслатди, худди биров қақиргандай ялт этиб ҳовлисидаги бодамга қаради. Бодам куртак очипти. Юраги аллақандай бўлиб кетди, шошиб уйга кирди ва икки эллик оқ қоғоз блан битта қалам олиб, столга ўтирди... ўтирдию, анча вақт хаёл суриб қолди. Хотинининг нонуштага қақиргани ҳам, кенжа ўғлининг „ғиншигани“ ҳам қулоғига кирмади, сўнг расмий ҳолатга келиб, жиддий ёзабошлади:

„Наманган район, Дегрезлик қишлоқ советидаги Сталин номили колхознинг раиси, ҳурматли Нуриддин Убайдуллаевга.

Мен ким, дала мудирингиз Шарифбой Ботир ўғлидан.

„А р и з а...“

„Ариза“ деган сўзни ёздию, буёғига келганда уйланиб қолди. Ҳаяллаб ўтирмадида, қоғозни икки буклаб, ён чўнтагига солди-да, далага чиқиб кетди. Ҳаммаёқни айланиб чиқди, далага чиққанда, колхозчилар орасига кирганида, вазифаси нима бўлса, ҳаммасини ўрнига қўйиб бажарди. Кеча раис „қумқўрғондагилар сиздан норози, ҳалигача чигит чиқармапсиз“ деган эди, бир арава ивитилган чигит блан уёққа ҳам чиқиб келди, ҳатто тракторчининг речагини тортиб, ернинг чуқурлигини ўлчаб ҳам кўрди, тракторчини койиган бўлди: „ер чуқур ҳайдалса, кам сув талаб қилади. Биласанки, бу жойлар камсув. Саёз ҳайдаяпсан, сувни қаёқдан етказиб берамиз. Ундан ташқари кам гўнланган, гўзанинг уволуға қоласан-ку, ошна! Қара, оланги ҳайдаяпсан, орқангдан ачанг келиб чопиб берадимиз?! деди, тракторчининг ҳам, ўзининг ҳам дилини сиё қилди. Идорага келди ҳамки, тракторчини ўйлади, тракторчинимас, койиганини ўйлади: Тўғри қилдимиз? Орқасидан сўкмаганмикан? Тракторга миниб кўр, ёки жазирамада бир кетмон чопиб кўр демаганмикин? Дегандир... Жуда бўлмаганда „эсиз тажрибакор, умри ўтиб кетаяпти, эзма бўлиб қолипти“ деб қўйгандир, кўлгандир ҳам...

У, идорада нима қиларини билмай ўтирар экан, қишлоқ мухбирларидан бири кириб келди:

— Раис мени сизга юборди, мени Абдуллажон Ражаббоев бригадасига элтиб қўяр экансиз.

— Нима, менинг бир камим йўл кўрсатучилик эканми? Бора-веринг! — деди.

Мухбир Шариф аканинг бу муомиласидан нима қиларини билмай, хижолатда қолди. Шарифбой ака бу ноўрин гапни ўзи ҳам сезди шекилли, анча бир хил бўлиб кетди, нима қиларини билмай қолди, тезда ўзини тутиб, мухбирнинг кўнглини олишга тутунди, мухбирни бошлаб Абдуллажоннинг олдига олиб борди, таништирди. Лекин, кечирим сўрашга асти бўйни ёр бермади, қайтиб кетди. Умида ҳечкимга бундай бемаза муомила қилмаган эди.

— Тўғри-да, — деди ичида яна у, — тоқайгача шу аҳволда юраман? Ҳатто мухбирлар ҳам мени камситадилар. Нима, пахта-ни Абдуллажондан кам биламанми? Ахир уни вояга етказган пахтакор, тажрибакор қилган мен-ку! Нега мухбирлар менинг олдimgа келишмайди?..

Йўқ, у, бу сўзи блан „Мени газетага ёзишсин!“ демоқчимас! Гап — нафсониятда! Гап — шахсий Шарафда ҳам эмас, одамгарчиликда! Улуғ воқиалар юз бераётган ҳозирги кунлар мажмуасига бирон бир улуш — ҳисса қўшиш керак. Келажакда ўғли ёки қизининг юзи қизармаслиги лозим. Шунинг учун битта „дала мудирлик“ блан иш битақолмайди. Чунки, Шарифбой ака „дала мудирли оиласидан“ тўғилган эмас, „пахтакорлар оиласи“ — дан туғулган, пахта блан суяги қотиб, та'лаги пахта блан кўтарилган. Ҳамма „бу иш қандай бўларкин“ деб ҳардамхаёл бўлиб юрганда, у, тўғри „қўшчилар союзи“га бориб „мен колхоз туздим, отини „Ихтиёр“ қўйдим, и'тиборга олишларингни сўрайман“ деган, ўша йилиёқ 30 гектар ерга пахта экиб, анча дуруст ҳосил олишга муяссар бўлган (бу колхозга кейин Сталин номи берилди). Нега энди ололмайди? Олади! 100 олади!

— Майли, деди идорага киратуриб у ўз-ўзига, — тан бериш керак! Ўзиб кетишдими, қотиришди...

У, кескин қарорга келди, ўтириб аризасини давом этдирди: „...Мен бу йил звено бўламан. Синглим, келиним, укам, икки ўғлим, қизим, бирга бўлишиб 8 киши пахта экамиз. Шунга нима дейсан? Бўптими? 100 центнердан бераман бу йилча. Келаси йилни ўйлашиб кўрамиз. Рухсат беришингни сўрайман. Аризам тамом, имзо чекдим: Шарифбой Ботиров“.

У, аризани шундай ёзди. Кейин бошидан бир ўқиб ҳам чиқди. Аризасининг мазмуни ўзига ҳам ма'қул тушди шекилли, мийиғида кулиб қўйди ва худди ҳозир олиб бормаса, раис кетиб қоладигандай шошиб идорадан чиқди.

У, раиснинг олдига кирганда, раис олдида ҳечким йўқ эди, раисни ҳоли топканига севинди, худди аризани бериши блан „табриклайман, майли“ деб юборадигандай, юраги уриб кетди, аста унинг қаршисига ўтирди. Раис телефонда аллақандай бир каттароқ киши блан сўзлашаётган эди. У, сўзини тугатиб, труб-

кани ўрнига қўяр экан, Шарифбой ака ўридан турди. Раис у блан жуда иссиқ кўришди, ўтиришга таклиф қилди.

— Хўш, Шарифбой ака, дала қалай? Кечаги вазифалар...

— Ҳаммаси жойида!

— Ҳа-ҳа... авзойингиз бошқачароқ кўринади букун...

Шарифбой ака тошиб қолди ва шу ўнғайсиз ҳолатдан оз бўлса ҳам қутилиб туриш учун тезда аризани узатди. Раис аризани кўздан кечириб чиқдию, бир неча дақиқа ҳечнарсга демай туриб қолди. Кейин аста Шарифбой акага кўтарилиб қаради, илжайди:

— Шундайми?

— Шундай, раис. Мен, ҳалиги...

— Биламан... яхши ташаббус лекин, сизнинг ишингизни ким қилади?.. дала мудирлигини кичкина иш деб ўйлайсизми? Бу ишни ҳозирча ҳечким қилолмайди. Чунки, колхозимизда сизчалик ер тилини биладиган киши йўқ, Шарифбой ака, „қуш тилини — қуш билади“ дейдилар. Колхозимизнинг отахонисиз...

Бу сўзларнинг ҳаммаси ҳам деярлик унинг дилини огритди, тўғри қабул қилмади. Ҳалиги хаёлларнинг тазйиқи бўлса керак, раиснинг гапларини „энди ақлинг кириптида, барибир, энди кеч, уддалай олмайсан“ деган таҳлитда тушинди, аччиғи чиқди: бирдан:

— Қўлимдан келмайдими? — деб юборди. Раиснинг ҳайратда қолганини кўриб, ўзи ҳам сағал қизарди. Кейин гапини тўғрилаган бўлди:

— Йўқ, ундай демоқчимас эдим... майли, уни ҳам, буни ҳам қиламан.

Раис чуқур мулоҳазадан кейин сўради:

— Қийналиб қолмайсизми?

— Йўқ, — деди тўла ишонч блан Шарифбой ака, — қийиналмайман!

— Майли!.. Истаган жойдан талланг, ерни.

— Раҳмат, Нуриддинжон, миннатдорман.

Шарифбой ака идорадан анча енгил тортиб чиқди. Уйига келди-да, кечки дастурхон атрафида ўтирган болаларига бир-бир қараб чиқди ва тўсатдан:

— Мен бир иш қилиб келдим, — деди ва ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди. — Сен — Хожимирза, тракторчисан, сен ўғлим Умархон, кетмончи. Сиз қолганларингиз ҳам колхозда кам обруга эга эмассизлар, ҳаммангиз ҳам пахтакорсизлар! Қисқаси янги гап шу: Биз ҳаммамиз бир звено бўлдик, раис руҳсат берди. Дарвишхон блан маслаҳатлашдим. У, ўз бригадасидан 6 гектар ер берди. Яхши ер. Эртадан бошлаб мен звено боши, сизлар менга а'зо: бу йилча 100 берамиз. Қани, ким нима дейди?

Ҳамма ўтирганларнинг чеҳраси очилиб кетди.

— Ма'лум бўлдики, хурсандсизлар. Лекин, шуни айтиб қўяй, муросачилик бўлмайди. Интизом қаттиқ, ҳамманг топкан-тутганингни, кучингни, тажрибангни, пахта тўғрисида билганингни,

хулласи калом терларингни шу 6 гектар ерга тукасан, олтин ундирамыз. Бу — ҳам ва'да, ҳам қасам!

Шу-шу булдию, Шарифбой ака ишга тушиб кетди. Колхознинг энг яхши тракторчиси деб ҳисобланган укаси Хожимирза ерни бошлаб ҳайдаб берди, ер роса тобига келтирилиб, чигит колхоз бўйича ҳаммадан олдин экилиб, 27-нчи мартдаёк тамоланди. Ҳамма чигит экиш бошлаганда Шарифбой ака звеноси чигит суви берди, ҳамма чигит суви беришни бошлаганда эса, у биринчи чопиққа тушди. Бу звенонинг донги ҳозироқ район чегараларига етиб борди. Куни кеча Шарифбой ака биринчи мухбирни кутиб олди.

АСТАМ КИТАБ

1977

ЕНГИН МИРЗА

БУРГУТ

Очерк

Баҳор келиб далаларга файз кирди...

Қир-адрлар табиат тикиб берган кўк майсадан бичилган сарпосини кийиб ясанмоқда. Қанддек ўрук, тил ёручи шафтоли, кўнгил очар олча, олма, нашвати дарахтлари бўртиб, гунчаланиб қолди.

Ҳамал кирди, амал кирди дейдилар. Далаларнинг султони колхозчилар чавондоздек шайланиб меҳнат пойгасига қўшилди. Тўп ичидан соврунни азот кўтариб олиб чиқиш пайти бошланди.

Қор учқинламасданоқ бир мисқол пахтани гўзапоя чаноғида қолдирмай териб олган колхозчи қишнинг узун ва совуқ кечаларини роҳат қилиб, меҳнат гаштини суриб ўтказди. Ёз бўйи пешанадан тер тўкиб ундирган барака ҳосилининг самарасини тотиб меҳнатдан, колхоз меҳнатидан минг қатла рози ва миннатдор бўлди.

Тонг ёриши блан қуёшнинг тўнғич тиглари барикарам гиёҳларнинг қатига инган марварид шабнамларда олмос тиниқлигида акс этиб жилваланади. Бўлуғ ва ларсиллаган ерлардан ҳовр чиқиб, оқ булутга ўхшаган паға-паға бўғлар кўтарилади. Ёлкасига кетманини ташлаган колхоз аёллари, йигит-чоллари ўз звеноларининг ерларига қараб оқа бошлайдилар.

Ариқларда шилдираб оққан малла сув, ҳаётдан мамнун бўлган ғазалхон саҳархез қушларнинг дилрабо қўшиқлари, табиатнинг латофат ортиши — хуллас унинг латиф манзараси кишида алла нечик ҳис уйғотади. Баҳринг очилиб, чиглинг ёзилади. Меҳнатга ва ҳаётга муҳаббатинг тобора ортади.

Қуёшли республикамиз далаларида саҳардан бошлаб меҳнат тўйи бошланади. Меҳнаткаш колхозчилар она Ватанларини пахтага зориқтирмай ердан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳар кимнинг қалби табаррук ердан олтин ундириш мақсади блан уриб тепади.

Баҳор кечаларининг ҳам кундуз каби наш'у-намози, ўз ҳусни-

камол, гашту-фазилати бўлади. Ҳар колхозда баҳор кечаларини яланғоч далада, мижжа қоқмай ўтказучи, уйқи сезмовчи посбонлар ҳам бўлади. Балки, посбон десам тўғри бўлмас, юраги блан ҳис қилиб, кўзини бир ерга қадаб узун кечани бир ерда туриб ўтказмайди. Балки у, бепоён пахтазор ерларни эринмасдан, қадамлаб санаб чиқиб ўтказади. Тобга келиб етилиб ётган ерларнинг кўнгилдаги муддаосини-бағрини ёриб ундан қиш губорларини бартараф қилиш орузсини рўябга чиқаради. Мурғак, норасида ғўзалар сиқилмасдан ўсиб, камол топсин деб тупроқларни ағдаради. Кесақларни майдалаб кукун қилади.

Қалби меҳрибон она қалби каби меҳри-муҳаббатга тўлиқ, ҳосилга барака тилаб кунларини далада бедор ўтказучи ким? Бу одам ҳаммага таниш ва қадирдон. У қодоқ қўли, иссиқ юзи ва кийим-кечаклари мойга беланган бу азамат эртаю-кеч гуриллатиб пўлат от ҳайдаган сувори — колхоз тракторчисидир. Ҳосил калиди унинг қўлида. Унинг меҳнатини баён этиб қалбини очиш — колхоз истиқболининг кенг дарбозасини бирдан очиб кўриб, унинг ғўзал сатҳига назар солиш блан баробар эмасми?

* * *

Қишлоқ ширин уйқида... Осмонда юлдузлар чарақласа ҳам тўлуной тоғ орқасидан ҳали олтин сочларини ёзиб кўтарилмаган. Даладан қоронғилиқ чодирини йиғилмай, қалқиб туради. Бешолти қадам наридаги кишини пайқаш жуда ҳам амри-маҳол.

Кундузги меҳнат шовқинлари, колхозчи қизларнинг ашулалари фалак пештоқига сингиб кетган. Далада ғала-ғовур йўқ. Фирғир эсан майин баҳор шамоли уватларда, ариқ бўйларида қад кўтарган ялпизларнинг хушбўй ҳидларини далалар кўксига сочиб юрибди.

Шу аснода кеча сукунатини бузган бир ҳайқирик овоз узоқлардан қулоқларга келиб урилади. У, овоз ба'зан баландлашиб, ба'зан пастлашади. Ярим кеча бўлишига қарамай баҳодир тракторчи йигит, лафзини ҳалоллаш учун 5-нчи бригаданинг 20 гектар ерини СТЗ-37 трактори блан ҳайдамоқда. Хаёлга келган чала-пулча ашулаларни ҳечкимдан ҳадиксирамай, ер ҳайдаб, хиргойи қилиб айтаётган норғул йигит — Бургут Хўжахонов эди.

У, кечқурун соат 9 да смена алмашиб, тракторга минди. Мана, олти соатдан бери муттасил кўзига қўнмоқчи бўлган мудроқни қувиб ер ҳайдамоқда. Тракторнинг кейинги катта ғилдирак тишлари ер кўксига михдай қадалар, орқасига тиркалган кўрпус тишлари эса икки қарич-икки қарич ерга ботиб, тупроқни ағдариб, плуг тишлари устидан иргитиб ташлаб бормоқда. Плуг ағдариб ташлаган, лекин майдаланмай қолган кесақларни бўлса плугга уланган сихмола тебраниб, гоҳида сакраб-сакраб майдалаб боради.

Бургутнинг икки қўли тракторнинг рулини бошқариш блан банд. Олғир кўзлари эса ҳамон олдинга қадалар ба'зида атрофга бир аланглаб ҳам қўяр эди.

Ўн икки соат уйқисиз тунда босиб ер ҳайдаш тракторчидан сабот ва зийраклик талаб қилади. Кўзни бироз уйқи элитиб, тракторни бошқаришда ҳаёли бузилдими, албатта тракторга бир шикаст етмай иложи йўқ. Ё бирдан чуқурлиққа тушиб кетиши, ё бўлмаса уватдаги дарахтларга бехостдан уриб олиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун Бургут бутун кучи блан тиришиб ғафлат уйқисини киприкларига қўндирмай, ё ашула айтиб, ё бўлмаса аччиқ-аччиқ махорка тутатиб узоқларга қувади.

Ер сатҳи жуда кенг. Узунлиги ҳам айтишга арзугулик. Трактор ернинг у бошидан, бу бошига икки-уч бориб келганида сувчи Мурод пақирда ариқдан сув олиб келиб, Бургутнинг эгатга яқинлашишини пойлаб туради. Трактор ер чакасига етиб келиб зарб блан бурилганида, дарров бориб мотор олдидаги трубага, совитиш учун, сув қуяди. Трактор яна депсиниб қуйиқ, оппоқ тутун таратиб гуруллаб юриб кетади.

Трактор ернинг қоқ ўртасига бориб тўхтади. Бургут бор овози блан қичқирди:

— Мурод, ҳой Мород!

— Лаббай...

— Дарров банкадаги керосиндан олиб кел!

Бургутнинг овози уфқда акси-садо берди. Шу пайт бригада ерига яқинлашиб қолган бригадир Ғойибберди Раҳманов блан ёнма-ён келаётган бригада механиги Хожибой Тожибоев бирдан Бургутнинг товушини эшитиб ҳовлиқиб қолишди. Иккисининг юрагини ҳам ваҳима ва гумон тирноқлай бошлади. Бригадир „Бургутга бир гап бўлди шекилли“ деб ҳаёл қилса, бригада механиги Хожибой кўнглига „уйқисираб бирар ерини синдириб қўйган бўлмасин тагин“ деган фикр келди. Бригадир отда, механик пиёда Бургут томон чопдилар. Ой бўлса баркашдек бўлиб тўлишиб уфқда ялтирар эди. Трактор қуйиқ тутун чиқариб юришга ошиқиб депсиниб турибди. Ғойибберди ака терлаб-пишиб етиб келди:

— Бургутвой, ўтакамизни ёриб юбордингизку! Нима бўлди бирар ерини синдириб қўйдингизми? Ана халос... Ишимиз ора қада қолмасин тагин?!

— Ўзингизни босинг, Ғойибберди ака. Хотиржамлик,— жавоб берди Бургут.

Шу чоғ Мурод блан бригада механиги Хожибойлар ҳам ҳовлиқиб етиб келишди.

— Бургут ака, мана келтирдим, керосинни...

— Бунча ивирсилайсан ўғлим, — гап қистирди бригадир — биз Бургутнинг овозини қишлоқнинг бир чекасида туриб эшитиб етиб келибмиз-у сен бўлсанг... шу ердан бир челақ керосинни олиб келиш шунча оғир эканми-а?

Бригада механиги тракторнинг атрофини кўздан кечирабошлади. Калидларни олиб бир-икки жойини бураб кўрмоқчи бўлган эди, корбураторга керосин қуяётган Бургут аччиғланган сифат чийрилиб пичинг қилди.

— Отни эгарлаб сен минатан-ку, бошқалар қамчи урмоқчи бўлади-я!

Бу сўз механикка жуда қор қилди. У, Бургутнинг фе'лини яхши билганидан қаттиқ-қуттиқ сўз гапирмай керосин тугай деб қолганини дарров тушинди.

Бригадир бўлса фурсатдан фойдаланиб Бургут ҳайдаб ўтган ердан бир сиқим олиб каптида сиқимлаб кўрди:

— Жойида, барака топ Бургут ука.

Суюниб кетди ва тезроқ тракторни юргизиб юбориш қасдида Бургутга тансиқ гаплар айтиб қочириқ қилди.

— Бургутбой, сиз блан кўнгил ёриб гаплашай деб кечаси келсак ҳам, нима бало, отингиздан тушгингиз келмайди...

— Нима қилай, бир асов отга миниб қолибман, ҳеч тўхтамай ернинг у ёғидан бу ёғига туёғини ерга ботқизиб чопгани-чопган.

Бироз кулги кўтарилди. Фурсатни қўлдан бой бермай Бургут ирғиб тракторга ўтирди.

— Бригадир деган уйга бориб оёғини узатиб ётмайдим. Сиз бўлсангиз икки кундан бери ёнимдан кетмай қўйдингиз. Ё, ёмон ҳайдаётиманми. Ишонмасдан, кўзимни шамғалат қилиб, ерга қўл тиқиб кўрасиз, тупроқни пайпаслайсиз. Хотиржам бўлинг. Бургут бор ерда на хижолат ва на ёлғон гап бўлади.

— Ука кўнглиннга олма, колхозчилик. Ерни чуқур, ё саёз ҳайдалаётганини бир километрдан биламан. Кўзимиз ўлчов бўлиб қолган. Трактор орқасидан плуг ялтираб кўриндими иш ёмон, юза ҳайдалаётгани бўлади, трактор кучаниб юриб, тупроқлар плуг устидан оширилиб юборилаётган бўлса — айни муддао. Сендан, Бургут, бутун колхозимиз рози.

— Тонг ҳам отай деб қолди. Уватга бориб ёнбошлай туринг. Қолган ерни ҳам бирёқли қилай, сўнгра дардлашиш қочмайди.

— Майли окаси жонидан, майли. Қани бўлмаса қора йўрғангни чу деб юбор!

Корпуснинг қия тишлари ерга ботди. Тракторнинг олдинги ва орқа чироғи оғ нурига қоришиб кетди. Бригада механиги блан бригадир Ғойибберди ака уватга ёнбошлаб отамлаша бошладилар.

— Қачон менинг еримни ҳайдаб бўлсангиз, шундагина кўнглим азроқ тинчиб, далада ётишга пахтамо очилгунча барҳам берман.

— Ғойиббердиака қизиқсиз, — сўз бошлади механик Тожибой, — сиз блан бизнинг ётоғимиз шу кенг пахтазор. Барра ўтлар юмшоқ кўрпадек ҳам туйила беради. Ва'да бўйича сизнинг бригадангиздан иш бошладикми, вассалом. Кети ҳам яхши бўлади.

— Чигитлар сараланиб экишга тайёр қилинди. Бу йилги ва'дам ҳам чакана эмас-да, Хожибой ука, — ўтган йил колхозда энг кўп пахтани менинг бригадамберди. 65 центнердан ҳазилакам эмас. Бу йил 70 ва'дам бор. Мамадали бригадаси блан мусобақа ўйнаганман. Иш қилиб қизариб қолмасан бўлгани.

— Эртага кундуз 12 ларга бормаи ерингизни бўлиб тракторларимиз иккинчи бригадага ўтади. Ер яхши, тобига келтириб

ҳайдалди. Энди у ёғи парвариш, меҳнатингизда қолган, Ғойиб-берди ака.

Улар тут тагида бошларини чопонлари ичига олиб, уйқига кетдилар. Бургут эса бир хил тезликда ҳайдашда давом этар, плуг тишлари ерни палахса-палахса қилиб кўтариб ташлар, сихмолатишлари унинг устига санчилиб, майдалаб борар эди. Бригададан қўйилган сувчи Мурод бўлса, тракторга пақирда сув ташиб, баъзан керосин олиб бориб турди.

Тонг ёришабошлади. Саҳар қушлари, тўрғайлар осмонда чарх уриб Бургутнинг бу тунги меҳнат зафарини олқишлагандек ёқимли сайрай бошладилар.

Трактор уват ёнига келиб бурилаётганида баландроқ товуш чиқарган эди, ухлаб ётган бригада механиги Тожибой чўчиб уйғонди. У, ўрнидан сапчиб туриб ариқ сувига ювинди. Артиниб, далага қаради. Бургут ҳамон ашулани тракторнинг мотор овозига жўр қилгандек баралла кўтариб айтиб ер ҳайдамоқда эди. Кўп ўтмай трактор ернинг бу бетига келди.

— Бургут бироз энди мизғиб ол, бу ёғини менъ ҳайдай қолай, — деб сўради бригада механиги.

— Қирқбирга ҳам чидаш керак деган гап бор, дўстим.

— Соат неча бўлди-кан?

— Яқиндагина дачний поезд ўтиб кетди. Соат 8 бўлай деб қолди.

— Ундай бўлса Сидиқнинг ҳам келадиган вақти бўлиб қолибди.

Механик Хожибой сакраб тракторга чиқиб олди. Бургут блан тўрт мартаба ернинг у бошидан бу бошига бориб келган эди ҳамки, Сидиқ етиб келди. Унинг кетидан ёрдамчи тракторчи Туроб ҳам смена қабул қилгани келди. Бригадир Ғойибберди ака уйғониб кўзини ишқалаб ғўнғиллади:

— Қандай бўлди, ухлаб қолибмиз-ку.

Соат роса тўққиз. Сидиқ керосин қўйиладиган бакнинг краинини буради. Мотор тўхтади. Бургут дук этиб ерга сакраб тушди. Керосинга латтани солиб ҳўллаб, тракторни артабошлади. Тракторнинг ҳаммаёғини чиннидек қилиб тозалади. Шу пайтда ҳисобчи Сидиқ Бургутнинг шу кечаси икки корпусли плуг ўрнатилган 37-нчи СТЗ трактори блан тўрт гектар ер ҳайдаганини ва 30 кило керосин иқтисод қилганини табель дафтарига ёзди ва Бургутнинг қўлини қўйдириб олди.

— Туроб мана клучларни бирма бир санаб ол!

— Ўн етти клуч менда, — плугни трактор болтидан ажратаётган механик Хожибой гапирди: — бошқаларни қабул қилиб ола бер.

Кундузги сменада ишловчи ёрдамчи тракторчи Туроб 20 та клучни бирма-бир санаб, тракторнинг ҳамма резба ва винтларига солиб кўриб қабул қилиб олди. Яна бакка керосин тўлатилди. Яна мотор гумбирлаб айланиб кетди. Бургут бўлса ноништа қилиб дам олгани колхоз ётоқхонасига йўл олди.

Тошкент Қорасув районидаги „XVIII парт съезд“ колхоз далаларида 6 та СТЗ ва иккита „Универсаль“ тракторлари ҳайқариб ишламоқда. Колхозда икки участка бўлиб биринчи участкага Ворошилов колхози ва „XVIII парт съезд“ колхозининг бешта пахта бригадасининг ерлари қарайди. Биринчи трактор бригадаси 240 гектар ерни ҳайдаб, чигит экиб, барана қилиб культивация қилиб бериши лозим. Хожибой Тожибоев бригадасининг тракторчилари мавсумда 2 минг гектар ерни ҳайдаб бериш мажбуриятини олдилар.

Тожибоевнинг 21, 37, 38 номерли СТЗ ва 0,16 номерли „Универсаль“ тракторлари сурункасига ишлаб, колхоз ишини олдинга силжитмоқдалар. Айниқса 37-нчи СТЗ тракторининг бош тракторчиси нормасини 200 процентга етказиб бажармоқда. Колхоз ўзининг забардаст ва меҳнат севар уста тракторчиси Бургут блан доимо фахрланади. Ахир колхознинг Ғойибберди, Мамадали, Муҳаммад каби донгдор ва тажрибали бригадирларининг:

— Биз, тракторчиларимиз орқалигина доимо юзимиз ёруғ бўлиб келаяпти. Қанча соз ва чуқур ҳайдасалар, шунча ғўзанинг илдиизи чуқур боради. Ҳосил яхши етилади, — дейишлари бечиз эмас. Бу миннатдорчилик тракторчи Бургутнинг ша'нига ҳам тааллуқлидир.

Бургут 1936 йилдан бери шу 37 сонли тракторда босим ер ҳайдаб келади. У, тракторчи деган шаҳодатномани олиши бланок МТС дан шу тракторни олиб, колхозга миниб келди. Шундан бери 11 йил ўтиптики, шу трактордан тушгани йўқ.

— Мен тракторимни ўз боламдек севаман, гард юқтиргим, шикастлантириб, шамоллатиб қўйгим келмайди. 11 йилдан берли бир жойи ҳам лат егани йўқ. Бўш қолсам ёнидан ажралмайман. Ахир шу туфайли мен йилига 1100 меҳнат куни ишлаб Фаровон турмуш кечираётирман. Шу туфайли янги уйли, сигирли бўлдим. Шу туфайли колхозимиз қилган меҳнатимни қадирлаб ҳар йил 3-4 та қўйни мукофотга деб даланинг ўзида тракторимга ортиб бериб юборган кунлари бўлади, — шодланиб гапирди Бургут Хўжахонов.

Бу йил „XVIII парт съезд“ колхозининг 15 бригадаси 300 гектар пахта майдонига пахта экиб ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун астайидил курашмоқдалар. Тракторчиларнинг тез сур'ат блан ерни чуқур ва сифатли ҳайдашлари бу ғалабанинг та'минлашда калид бўлғуси.

Қорасув район, „XVIII парт съезд“ колхози.

„ТАНЛАНГАН ШЕ’РЛАР“

Ҳасан Пўлат. „Танланган ше’рлар“ редактори Рамз Бобожон. Ҳздавнашр 1946 йил, тиражи 5000.

Марҳум Ҳасан Пўлат узбек совет адабиётига биринчи беш йиллик планлари амалга оширилаётган йиллари кириб келган ёзучиларнинг иккинчи бўғинига мансуб истиододли ва жўшқин шоир эди.

У, 1930 йилда ўзининг юрак армуғонини — „Кунлар қўшиғи“ — деган биринчи ше’рлар тўпламини бостириб китобхон ва ше’р аҳилларига тақдим этиб, зўр имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Халқ хизматиغا бел боғлаган оташин шоирлар сафига келиб қўшилди.

Ҳасан Пўлат замон блан бирга нафасдош бўлди, у, кунлар қўшиғини ёза бошлади. Меҳнат зафарларини куйлаш, бешйиллик туфайли ўлкамизда қад кўтараётган гигантлар — фабрика-завод, комбинатларни тараннум қилиш, коллективлаштириш, меҳнатга ва ҳаётга янги одамларнинг янгича муносабатини ифодалаш шоирнинг изланиш давридаги ше’рларининг тематикаси бўлди. Шунинг учун ҳам унинг „Тоза қон“, „Тоза нафас“ „Пост“ каби дастлабки асарларида қурилиш, техника ва қишлоқ хўжалик тематикаси катта ўрин тутди. Шунинг учун ҳам шоир ижодининг биринчи даврида ҳаётнинг улуғлигини, кишиларнинг ирқдаси ва шижоатини ҳис қилиб илк мисра’ларидагина ҳаяжонланиб ёза олди. Лекин Ҳасан Пўлат бу даврда қуюқ ва ширали-асарлар яратиш остонасида турар эди.

У, адабиётга, ше’рга чин ихлос қўйиб, яхши ният ва муҳаббат блан қалам тебратди. „...Шунинг учун ҳам ше’р деган инжиқ, сердиққат машғулотнинг тошда гул ўстириш каби оғир заҳматига зўр қунт ва азм блан киришди. Илк қоқилишлар, муваффақиятсизлик уни руҳсизлантормади, аксинча шоирни ўз асарлари устида яна жиддий чуқур ўйлашга, катта ҳавас блан ишлашга да’ват этди“.*

* Ойбек — Ҳасан Пўлат „Танланган ше’рлар“ига ёзилган сўз бошидан.

Кунлар унинг қўлидан ушлаб олдинга етаклади. Шоир ҳаётни, воқи'ликни ўз кўзи билан кўриб, қалби билан ҳис қилиб чуқурроқ мушоҳида ва тасаввур қилишга, муносиб, таҳи бузилмаган иборалар, образлар, ташбиҳлар яратишга астойидил қўл билан киришди. Ҳаётни чуқурроқ ва нафис бўёқларда чизиб бера бошлади, мисра'ларга ақл, юрак жойлай бошлади. Ҳасан Пўлат нотикбозлик, ҳайқириқ ше'рлар ёзишдан ҳаёт лирикасига қўл урди.

Ҳасан Пўлат ше'рларининг мундарижаси рангго-рангдир. Унинг ше'рлари совет кишининг ҳаётга, Ватанга, меҳнатга бўлган муҳаббатини, келажак ҳақидаги орзуларини ақс этдиради. Унинг ше'рларида юксак ҳаёллар, турмушдан бўлган мамнуният ҳиссиёти жилва қилади.

Яқинда Ўзбекистон Давлат Нашриёти томонидан босиб чиқарилган Ҳасан Пўлатнинг „Танланган ше'рлар“ини қўлга олиб меҳр билан варақлар экансиз, кўз олдингизда ҳаёл ва тасаввур уфқи кенг, тасвирлари самимий, жўшқин ва рангдор, Сталин замонининг ғояларини бақувват шоир сифатида талқин қила олган ғоявий тетик, қувноқ, порлоқ совет ҳаётининг куйчиси сифатида гавдаланади.

Бахтиёр ёшлик куйчиси Ҳасан Пўлат кун ишлаб, ғарб, рус ва ўзбек адабиётининг бой меросига назар ташлаб улардан изчиллик билан дурустгина ўқиб ўрганди. „Бадий сўз мастерлигининг зарурий ва қийин давонларини ошиб кўз олдимизда вояга етди“.

Ҳасан Пўлат ўз ше'рларини халқига манзур қилиш ва англашиларли бўлиши учун фолклордан фойдаланиб жуда раво ва ёдда ёзди. Мисра'лар сафида чет сўзларга ўрин бермай, ўзбек сўзи билан фикрларни чиройли ва нафис қилиб баён эта олди.

Шоир Ҳасан Пўлат дастлаб совет мактабида, бўйнига қизил галстук тақиб, партада ўтириб сабоқ тинглаганида ўзига бахт ва саодат берган Ленин ва Сталин эканлигини англади. Унинг юрагида Ленин ва Сталинга бўлган муҳаббат куртаги барг ёзди. У, комсомол сафига ўтиб „КИМ“ нишонини таққанида шунча ақл, шунча эрк ва бахт бериб бошини ўз онасидек силаб тарбиялаган Ватан эканлигини билди. Вояга етганида Ватанга садоқатли лойиқ фарзанд бўлиб ўз онасини азизлаш фарз эканлигини кўнглидан ўтказди. Қўлига қалам олиб ше'р ёза бошлаган кундан бошлаб бахтиёр ҳаётимизга оташин севгисини, бир Ватанпарвар ва жўшқин куйчи сифатида ифодалади:

Гул лолалар поёндоз менга,
Ҳатто қиш ҳам худди ёз менга,
Ватан берди синмас сўз менга,
Айтинг яна нима оз менга?

Мен дун'ёда энг озод одам
Сталиндир қадрдон дадам
Мен мардона ташлайман қадам
Коммунизм сари дам-бадам.

(,Мен бахтиёр' ше'ридан)

Шоир бу мисра'ларни ёзар экан, ўз халқини, ўз Ватанини қаттиқ севганини кўрамиз. Ватан ва халқ севгисини ҳамма нарсадан афзал кўриб юксак баҳолаганини тушинамиз.

Ҳасан Пўлат ўзининг энг ҳароратли, энг рангин мисра'ларини улуғ Ленин блан Сталинга бағишлади. Бу мисра'лар орқали шоирнинг қувончи нақадар зўрлигини, замоннинг тоза ва эркин ҳавосидан баҳраманд бўлиб тўйиб-тўйиб нафас олиб, қувана-қувана бахтимизни, эркимизни, ҳаётимизни куйлаганини ҳис қиламиз.

Сталиннинг содиқ ўғли бўлганимга вақтим чоғ
Кўкламларга йўллар очиб юрганимга вақтим чоғ,
Гуллар очиб, нурлар сочиб юрганимга вақтим чоғ
Роҳат-роҳат ширин давр сурганимга вақтим чоғ.

Улуғ Ленин—Сталиннинг номин ёздим дилимга,
Дун'ёда йўқ тенг келган эл яйраб ўсган элимга,
Даст кўтариб тоғни йиққан дармон олдим белимга
Ҳеч нарсанинг ширинлиги етмас ширин тилимга.

Бўлганим шу—мамлакатим мени шундай боққандир,
Кўзларимдан ёш ўрнига ҳаёт нури оққандир.
Жангга борсам нўноқ овчи каби қуруқ келмайман.
Селими бор, бўроними, назаримга илмайман.

Бу ҳис ва ҳаяжонга тўла оташин сатрлар ўз ҳаёти ва меҳнатини қувноқ янги социалистик Ватанимизга бағишлаган содиқ ва ватанпарвар ўғилнинг муносиб юрак оҳангидир. Бу ше'рни ўқиган китобхон шак-шубҳасиз халқимизга чинакам турмуш берган буюк Ленин-Сталинга, улар тузган шонли большевиклар партиясига бўлган ўзининг чексиз муҳаббати ва садоқатини шоир ўз тилидан ше'рда гапириб қўйганидан жуда мамнун бўлади. „Биз Сталиннинг ўғли бўлганимизга, унинг блан бир асрда нафасдош бўлиб яшаб, роҳат-роҳат ширин давр сурганимизга вақтимиз чоғ, албатта. Мана бу меҳр ва ишқ—ҳаёт ишқи, бахтга эришган, ўз ҳаётидан бениҳоя мамнун бўлган, яшаш завқига чўмган совет кишисининг қалбидаги оташин ва сўнмас ишқдир.

Ҳасан Пўлат Сталин даврининг бахтиёр шоири. У, ҳаёт тўлқинларида оқиб, ҳаммаша халқи блан бирга ҳамнафас бўлди. Шунинг учун ҳам унинг ше'рларида ҳаёт бор, меҳнат, ва зафарнинг учмас ва қизғин нафаси бор.

Ҳасан Пўлот, совет кишиларига хос бўлган фазилатларини қаламга олди. Унинг ше'рларида совет кишисининг кураши, меҳнати, ижоди, садоқати, пок муҳаббати, ёрларнинг аҳду-паймонлари кенг жой олди.

„Танланган ше'рлар“ — Ҳасан Пўлатнинг анчагина ўзини тугиб олган, ўз овози, ўз қалби, ўз ториға эга бўлаолган куйчи эканидан далолат беради.

Чунки Ҳасан Пўлатнинг бу ше'рлари замоннинг талабига жуда мос, ҳар томонли ва коммунизм ғоялари блан суғорилган

юрак қўшиқларидир. У, ҳарбир ше'рида бир мантиқий хулоса беришга уринади. Бу ниятнинг замирида яна шу она Ватанининг улуғлигини тарғиб қилиш, унга меҳр қўйиш ғояси жойлашади. Ше'рларининг ҳар бандида юксак фикрларни беришга уринади:

Қуш мағрур — қаноти бўлгани учун
Тоғ мағрур — совлати бўлгани учун
Чин совет кишиси мағрур дун'ёда
Шодлиги, давлати бўлгани учун.

(„Дўслик“ ше'ридан)

Келажакнинг эшикларини
Ўз қўлимиз блан очамиз.
Қандай яхши, коммунизмнинг —
Уйига ҳам кирсак барчамиз.

(„Янги уй“ ше'ридан)

Кел азизим жонажон баҳор
Гул томрида оққан қон баҳор,
Акс эт ёниб тонг шабнамида
Акс эт найза, қилич дамида...

(„Баҳор“ ше'ридан)

Шоир юқорида айтганимиздек келажак кунларда бутун ер куррасида ҳам озод, бахтиёр ҳаёт тантана қилишини орзу қилди. Буни биз „Олча“ ше'рида кўрамиз:

Олча шод қарайди япроқ остидан
Ҳам дейди: сен мени ҳар тонг кўриб ўт
Бетига ўтибди қонямнинг ранги
Озонда ювибди уни бир булут.

Олчанинг бетига шодлик сепар дил
Ўйларим учади келажак сари
Олча дум-думалоқ, бутун қип-қизил
Фикримда айланар улуғ ер шари.

Кенг ер ҳам думалоқ, ҳар ёғи ҳали
Олчадай қизариб етмаган бутун.
Глобус устида дилим шивирлар:
Кенг ер ҳам олчадек қизарур бир кун.

Бу ше'рда Ҳасан Пўлат олий жаноб ғояни ўқучига талқин этиш блан завқланади, бундай улуғ ғоялар учун ишлашга, курашга керак бўлганда жонини фидо этишга да'ват қилади.

Севги ўрин олган юракда ғазаб ҳам яшаши керак. Она Ватанга муҳаббат қўйган, халқини ва унинг бахтини куйлаган шоир, фашизм ўзининг қонли чангалини Ватанимиз бағрига батириганида Ватан мудофаасига кўтарилди. Душман устидан ғалаба

қозониш учун қаламини найзага айлантириб тоблади. Шоир ижодини, халққа садоқат, душманга нафрат ва ғалабага ишонч оҳанглари қоплади. Севги кўшиқлари жанг кўшиқларига алмашинди. Шоир фашизмни тезда енгиш учун бутун воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Муҳаббат ва ҳаёт чашмаси булиб яшаб келган табиатни Ҳасан Пўлат жанг кунда, ғалаба қозониш учун, ундаи бошқача фойдаланди.

Истайманки,
Ёвга санчылган
Ханжар бўлсин майса ва ўтинг.
Истайманки,
Фашист устига
Ўқ ёғдирсин кўкинг, булутинг.
Истайманки,
Ҳарбир ёпроғинг
Ёв бетидан ўтлар сачратган
Энг қақшатғич шапалоқ бўлсин!
Истайманки
Ҳар гўзал боғинг
Ғалабалар ўсган боғ бўлсин!

(„Баҳор“ ше’ридан)

Шоир Ҳасан Пўлат „Мен ўзбек йигити“, „Қизил Армиямиз“, „Биз енгамиз“, „Икки жангчи — икки ёр“, „Қон“, „Улуғ сўз“ ва „Буғдой ўрамиз“ ше’рларида совет халқининг душман устида ғалаба қозонишига бўлган қаттиқ ишончини ва саботини ифодалайди. Шоир айтганидек нур зулматни енгди, Ленин-Сталин ғояси тантана қилди. Ғолиб йигитларимиз қайтдилар. Лекин уларни ўз ше’рлари билан руҳлантирган Ҳасан Пўлат ғалаба тўйида қатнаша олмади.

Истиқодли ёшлик куйчиси Ҳасан Пўлат бевақт вафот қилди. Ленин комсомоли тарбиялаган шоир Ватан олдида қарздор бўлиб қолмади:

Қон томири бўлиб гулларда
Ёпроқларда яшар изларим.
Ширин умрим ўтган йўлларда
Тупроқларда яшар изларим.
Ҳар замонда ёслаб она — ер:
Бу бир бахтли одам изидер.

(„Из“ ше’рида)

Ҳасан Пўлат орзу қилган дамларини кўролмади. Лекин у, тирик. Унинг асарлари совет китобханлари юрагидан манги яшайди.

Ўзбекистон Давлат Нашриёти томонидан тақдим қилинган бу „Танланган ше’рлар“ Ҳасан Пўлат ижодидан кўркем бир гулдас-таки, ундан совет китобхони баҳраманд бўлади.

ЕНГИН

